

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА –
ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ
ҲИМОЯЛАШ ОМИЛИ
(ИЖТИМОИЙ-ҒАЛСАФИЙ
ТАҲЛИЛ)**

«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти
ТОШКЕНТ – 2019

УДК:37.035:1(575.1)

КБК: 87.6(5Ў)

X 88

Хўжанова, Т.Ж.

X 88 Мафкуравий профилактика — ёш авлодни ғоявий ھимоялаш омили (ижтимоий-фалсафий таҳлил) [Матн]: // Т.Ж. Хўжанова. — Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2019. — 256 бет.

УДК:37.035:1(575.1)

КБК: 87.6(5Ў)

Мазкур монографияга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мустақиллик йилларида сўзлаган нутқлари ҳамда яратган барча асарлари асос қилиб олинган бўлиб ёш авлодни ғоявий ھимоя қилиш ва тарбиялаш масалалари ёритилган.

Термиз давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори, профессор Эркин Ҳайитович Бобомуродов таҳрири остида

Такризчилар:

С. Турсунов — тарих фанлари доктори, проф.,

А. Сатторов — проректор, доцент,

Ф. Мусаев — фалсафа фанлари доктори, проф.

ISBN 978-9943-5490-8-1

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, ўз ҳаётининг барча соҳаларини сифат жиҳатдан янгилаш, дунёвий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқдаки, мамлакат Конституцияси ўзининг ҳуқуқий базаси, миллий истиқлол мафкураси эса ахлоқий-ғоявий асоси бўлиб қолди. Янгиланиш туфайли илмий тадқиқотлар жиҳатларини қайта кўриб чиқамиз. «Мафкуравий профилактика — ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили» (ижтимоий-фалсафий таҳлил) мавзуси ҳам шулар қаторига киради. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва кадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик.

Ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун жамиятнинг барча аъзоларини, айниқса, республика аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган ёшларнинг куч-ғайратини сафарбар этиш талаб қилинади. Маданият маънавиятини, ривожланишнинг интеллектуал бойликларини бўлажак жамиятдошлар онгига жойлаш айнан ёшларнинг вазифасидир. Ёшлар бундай масъулиятли вазифани бажара олиши учун Ўзбекистонда қулай имкониятлар яратилган.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатда мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришда маънавий соғлом ва жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш ҳамда уларда миллий урф-одатларимизни шакллантиришга ва уни такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Шунинг учун ҳам бу масалаларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш талаб етилади «... Ватаннинг ҳар асл фарзанди ўзини ота юртнинг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланади. Бу муаммога «Мафкуравий профилактика — ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили»да шу тадқиқ асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқишди, мафкуравий профилактикага таянган ҳолда ёш авлод ғоявий жиҳатдан ҳимояланади. Бу муаммони ҳал этиш зарурияти асосида бу муаммо докторлик монографияси сифатида танланди.

Амалга ошириш йўлида ўзининг бутун билим ва малакасини, куч ва иродасини сафарбар этишида ҳар бир фуқаро ўзини Ватаннинг, халқнинг таркибий қисми деб, ўз бурчини юсак онглилик, фидойилик билан адо этгандагина ватанпарварлик эътиқоди мустақил мамлакатимиз тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи маънавий омилга айланади.

Мафқуравий профилактика туғма ирсий хусусият эмас, балки муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий вазиятда таълим-тарбия жараёнида шаклланадиган кўникма, қадриятдир. Мамлакат тарихининг бурилиш паллаларида мафқуравий профилактиканинг ижтимоий тараққиётга таъсири кучли намоён бўлади. Ана шу масъулиятли даврларда мамлакат ва миллат тақдири фуқароларнинг Ватан, халқ, истиқлол ва истиқбол олдидаги ўз бурчлари ва масъулиятларини қанчалик тўғри ва тўла тасаввур қила олишларига боғлиқ бўлади. Ушбу туйғу, тасаввур ва дунёқараш дастлаб оилада бошланади.

Ёш авлоднинг мафқуравий тарбиясида тарихий шахслар, миллий қаҳрамонлар, буюк тарихий воқеалар ва уларнинг тавсифлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда буюк ватандошларимиз — Широқнинг ўз юртини ёвлар зулмидан озод этиш учун жон фидо этгани, Тўмарис жасорати, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби даҳоларимиз ватанпарварлиги тўғрисидаги маълумотларнинг аҳамияти каттадир. Ватанпарвар инсонларнинг номи халқ ва миллат қалбида абадий яшайди.

Ватан ҳақидаги тушунчани фақат тарихий фактлар билангина эмас, балки мамлакатнинг келажак истиқболи, вазифалари билан ҳам боғлаб шакллантириш аҳамиятлидир. Ватанимиз қудрати қанчалик кучли бўлса она юртимизда тинчлик, осойишталик, аҳиллик доимий бўлса тараққиёт, эзуликка интилиш, юсак ғояларни рўёбга чиқариш имконияти шунча кучли бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда оилада мамлакатимиз қудратини янада кучли қилиш учун ҳар бир оила аъзоси у олим бўладими, муҳандис-техник ёки фермер бўладими, талаба ёки ўқувчи бўладими, уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини юқори даражада англашлари ва бажаришлари муҳимдир. Айниқса бугунги халқаро молиявий инқироз кучайган бир даврда Ўзбекистон

иқтисодиётининг бир маромда ривожланаётганлиги мамлакат фуқароларининг меҳнатсеварлиги, фидойилиги, тадбиркорлиги билан узвий боғлангандир.

Ёш авлоднинг мафкуравий тарбиясида огоҳлик тарбияси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Муқаддас Ватаннинг бир қарич тупроғи ҳам ёвуз ниятли кишилар томонидан оёқости қилиниши мумкин эмас. Чунки у муқаддасдир. Бу тупроқда миллатни миллат қилган не-не улуг зотларнинг хоклари ётибди. Бу муқаддас тупроқда Ватанимизнинг обрў-эътиборини бутун жаҳонга ёядиган не-не улуг алломалар ҳали туғилади, унади, ўсади. Шунинг учун оилада оила аъзоларининг ҳар бири биринчи галда ўз оилаларининг тинчлиги ва осойишталигини сақлашлари, шу орқали юртимиз, давлатимиз тинчлиги ва осойишталиги учун ўз жонини ҳам фидо қилишга тайёр тура оладиган ёш авлодни шакллантириш бугунги нотинч замон учун зарур бўлган омиллардан биридир. Мустаҳкамланиб бораётган ўзбек оиласи ўзида тарихий тараққиёт жараёнида ватанпарварлик дунёқараши, кадриятини шакллантириш бўйича тўпланган барча тажрибаларни жамлагандир. Бу тажрибалар авлоддан авлодга ўтиш жараёнида тобора бойиб бормоқда.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиқатан буюк тарихий шахс эди. Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикаимиз мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ёш давлатимиз учун ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ. 2016 йил 2 сентябрда бутун ўзбек халқи оғир жудоликка учради. Ўша куни буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган, мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби сифатида мангу яшайди.

Мустақиллик инсон турмуш тарзида ҳам, унинг мафкуравий онгида ҳам чинакам глобал ўзгаришлар қилди. Ислом Каримов асарлари туфайли ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг янгича йўли очилди. Бу ҳол умумий тараққиётнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг жуда муҳим шarti бўлган ёшларнинг умумий малакасини ошириш масаласини ҳал қилишда кўп жиҳатдан кўмаклашади¹. Бироқ бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жамият ёшлар қай тарзда шаклланаётганига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов сиёсатида давлатимиз жамиятнинг юксак маънавиятга ҳамда маърифатли инсонни шакллантиришга таяниши алоҳида ўрин тутди. Учинчи минг йилликнинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлган янги авлодни шакллантириш масаласини ҳал қилишда ёшлар онгида мустаҳкам маънавий тушунчаларни, гуманистик ва демократик кадриятларни мустаҳкамлашга, тарихий илдизларни билишга, миллий анъаналарни тиклашга катта ўрин ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов адолатли равишда таъкидлаганидек: «Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»².

Буларнинг бари ёшларнинг мавжуд имкониятлари ва қобилиятларини фаоллаштиришни талаб қилади. Ушбу глобал муаммонинг ечими эса шахснинг ўзини-ўзи такомиллаштиришни ижтимоий манфаатлар билан, ҳар бир кишини, ҳар томонлама ривожлантиришни давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжлари билан, бозор иқтисодиёти талабларини маънавиятни ўстириш билан қовуштиришнинг янги шакл ва усуллари излаб топишдир. Мазкур монографиянинг даврий чегараси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқлари ва яратган барча асарлари асос қилиб олинган.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — 381-бет.

² Ўша манба.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш масалалари ёритилиши ижтимоий-гуманитар соҳа олимларининг доимий диққат марказида турган ва мазкур мавзунинг илмий жиҳатдан ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ислом Каримовнинг ҳар бир ўзбек фарзанди «... Менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган?»¹ — деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ислом Каримов асарларида ёшларни ватанпарварлик ғояси асосида тарбиялаш масалалари республика миқёсида ўтказилган турли илмий-амалий конференция материаллари ва бир қатор ижтимоий-гуманитар соҳа олимларининг илмий изланишларида ёритиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Маънавият жамият тараққиётининг бош мезони» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, Н. Жўраев, С. Жўраев, Т. Файзуллаевларнинг «Мустақил Ўзбекистон тарихи», С.Ў. Носирхўжаев, М.Ф. Лафасов, М.З. Зариповнинг «Маънавият асослари» ўқув қўлланмаси каби асарлар билан бир қаторда интернет саҳифаларида ҳамда Саид Мамашокиров, Шавкат Тўраев, Хурсанд Худойбердиев, Эркин Бобомуродов, Даврон Муитов, Абдусалом Умаров, Бобокатта Шодиев, Дилором Ҳикматова, Абдурахим Эркаев, Қиёмиддин Назаров каби олимларнинг асарларида ҳам мавзуга оид муҳим таҳлиллар, назарий ва амалий қарашлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси — Ўзбекистоннинг янги тарихи марказида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари библиографияси тузиб чиқилган. Аммо юқорида бажарилган ишлар мавзунинг тўлиқ қамраб олиб, унинг ечимини очиб беришда етарли даражада эмас. Бугунги кунда Ислом Каримов асарларида ёшларни миллий истиқлол

¹ Каримов И.А. Ўша асар. — 136-бет.

ғояси руҳида тарбиялаш масалалари ёритилган қисмларини халқ оммасига тушунарли тарзда, оммабоп шаклда етказиш ўта долзарб вазифалардан биридир.

Монографияда қўйилган масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги мақсад назарда тутилди: Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш масалаларини ёритиш асосида ўсиб келаётган ёш авлод вакилларини миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг мустақилликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ўрнини белгилаш. Бунда мавзу доирасида қатор асарларни таҳлил қилиб, олинган хулосаларни ягона тизимга бирлаштириш кўзда тутилди. Бу эса ёшларни мафкуравий онг ғояси асосида тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Монографиянинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялаш масалалари ёритилишини ўрганиш ва унинг жамият ривожигаги ўрнини таърифлаш;

— миллий урф-одат, анъана ва диний қадриятларнинг собиқ советлар ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистон миқёсидаги аҳволини кўрсатиш ва қиёсий таҳлил этиши;

— Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёшларни мафкуравий профилактика ғояси руҳида тарбиялаш масалалари ёритилиши орқали Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини яратишнинг назарий ва амалий масалаларини ёритиш;

— ўрганилган манбалар таҳлили натижасида чиқарилган хулосалар ва таклифлардан фойдаланиб, мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш масалаларига таянган ҳолда ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган тавсиялар бериш.

Ислом Каримов асарларидаги ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш масалаларига доир жиҳатлари ушбу

монографияни яратишда ўзига хос манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бугунги кунга қадар яратилган мавзуга доир Биринчи Президент Ислом Каримов асарлари ва бир қатор олимларнинг асар ҳамда мақолалари муҳим манба ҳисобланади.

Монографиянинг объекти сифатида ҳам Биринчи Президент Ислом Каримов асарлари ва унда ёритилган ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш масалаларига доир жиҳатлари асос қилиб олинди.

Ислом Каримов асарларидаги ёшларни мафкуравий профилактика масалаларини ёритишда объективлилик, ҳаққонийлик тамойили асосида ёндашилди. Монографияда белгиланган вазифаларни баён этишда Ўзбекистон тарихининг янги методологик жиҳатлари тамойилларига таянган ҳолда тарихийлик, илмийлик, холислик, қиёсийлик, мантиқийлик, узвийлик каби тамойилларга асосланildi. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари, хусусан, асарларидаги ёшларни мафкуравий ғоялар руҳида тарбиялаш масалаларини ёритиш йўл-йўриқлари асосий эътиборда турди.

Монографияда қиёслаш ва статистик таҳлилга алоҳида эътибор берилиб, адабиётлар, бажарилган илмий тадқиқот ишлари ҳозирги давр талаблари асосида ўрганиб чиқилди.

Монографияга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, Биринчи Президент Ислом Каримов асарларидаги ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида қаралиб, уни чуқур ўрганишга;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларидаги ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялаш масалаларининг ўзига хос жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда бугунги кун ижтимоий-гуманитар фанлар олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, Ислом Каримов асарларидаги ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялаш масалалари илк маротаба таҳлилий тадқиқ қилинди.

Бу монографиядан ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда, университет, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёнида Ўзбекистон тарихи бўйича айтиш мавзунини ёритишда қўшимча маълумот сифатида, шунингдек, махсус ихтисослашган мактабларда, махсус курсларда, дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда, Ўзбекистон тарихи, миллий ғоя, маънавият асослари каби фундаментал асарларни ёзишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Монографияда биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов асарларидаги ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш масалалари хронологик жиҳатдан таҳлил қилиб ёритилди. Ўзбекистоннинг яқин ўтмишидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларнинг ёритилиши, Ислам Каримов асарларида ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг муҳим жиҳатлари тарихий, мантиқий таҳлил асосида ёритиб берилди.

I боб. МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ ХИМОЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг қонунларда ифодаланиши ёш авлодни ғоявий ҳимоялашда мафқуравий профилактиканинг мазмун-моҳияти

Конституция ва қонунларга риоя қилиш ҳамда улар бўйича фаолият юритиш ҳар бир шахс учун жинси, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва яна бошқа сензлардан қатъи назар, мажбурийдир. Умумий аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлардан иборат бўлган бизнинг мамлакатимиз учун бу масала бевосита тегишлидир. Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатда ёшларга оид сиёсат доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

«Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айникса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун асосида қатъий давом эттирилади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чораларни кўрамиз», — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев¹.

Мустақиллик шарофати билан қабул қилинган Конституциямизда айнан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тегишли конституциявий нормалар асосида ўз ифодасини топган.

Зотан, Конституциянинг муқаддимасидаёқ ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулликни назарда тутувчи норма белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма бугунги ва эртанги авлод вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ифодаланганлигини англатади. Давлат ёшларининг келажаги учун масъулликни ўз зиммасига олмоқда. Сабаби давлатимиз ҳуқуқий демократик давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» мавзусидаги маърузасидан. — «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь, № 243 (6678).

ва фуқаролик жамиятини қуришда ёшларимизнинг эртанги кун учун муносиб ворислик масаласига эътибор қаратмоқда. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шу ва шу каби нормалари Конституция нормалари асосида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатларида, уларнинг муайян таркибий қисмларида ўзининг тўла ифодасини топган. Мазкур қонун ҳужжатларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ. 1991–2000 йилларда қабул қилинган Қонун ҳужжатлари. Мазкур даврда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги (1991 йил 20 ноябрь, янги таҳрирда 2014 йил 6 февралда), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (1992), «Таълим тўғрисида»ги (1992 йил, 1997 йил 29 август янги таҳрирда), Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (1997) қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, 1992 йилда эса «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга қўшилди.

Шунингдек, ушбу йиллар давомида Ислом Каримовнинг «Республика ёш ижодкорларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (1992), «Мудофаа тўғрисида» (1992 йил, 2001 йил 11 майда янги таҳрирда қабул қилинган), «Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (1993 йил 5 февраль), «Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларга энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун Давлат мукофотини топишириш тўғрисида» (1993 йил 3 сентябрь), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1993 йил 2 сентябрь), «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида» (1996 йил 17 апрель), «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш

тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида» (1997 йил), «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (1999 йил) Фармонлари эълон қилинди.

Мазкур босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан биргаликда ёшларни ягона мафкура асосида тарбиялашга хизмат қилувчи эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини тугатиб, уларни тарбиялаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг демократик асосларини белгилаб берди.

Иккинчи гуруҳ. Ушбу гуруҳга 2001 йилдан ҳозирга қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларини киритиш мумкин. Мазкур босқичда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, бунинг учун масъул давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга, шунингдек, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгиланиш жараёнида ёшларнинг ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларидаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун имконият яратиш, фарзандларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу даврда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга доир болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол»га қўшилиш ҳақида ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол»га қўшилиш ҳақидаги қонунлар (2008 йил 12 декабрь), «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2007 йил), «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь), «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (2009 йил), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь), «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги (2011 йил) қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 2008 йил 8 апрелда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенциялар ратификация қилинди. 2001 йил 4 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши жамиятда, айниқса, ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва уларни ваанпарварлик ғояси руҳида тарбиялашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонун ҳужжатларининг доираси жуда ҳам кенг. Бу борада «Ёшлар йили», «Соғлом она ва бола йили», «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» давлат дастурлари доирасида амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари атрофлича таҳлил қилиниб, ёшлар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари белгиланган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ишчи

гуруҳ томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини» такомиллаштириш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш жараёни Конституция ва кодекслардан ташқари, бу соҳада 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжат мавжуд эканлигини кўрсатди. Шундан кейин ҳам яна ўнлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳисобга олинса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига асосланган, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими 150 дан ортиқ қонун ҳужжатларидан ташкил топганлиги маълум бўлади¹.

Ёшларга доир қонун ҳужжатларининг биринчи гуруҳидан жой олган, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганлигига эндиgina саксон кун тўлган мамлакатда қабул қилиниши ўз-ўзидан ўша пайтдаёқ Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсат давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланишидан далолат берар эди.

Шу сабабли ҳам ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган мазкур сиёсатнинг асосий моҳияти қарийб икки ярим йил мобайнида шахсан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган ва халқимизнинг том маънодаги хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди.

¹ Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. — «Ҳуқуқ ва бурч». 2008 йил. — 8–9-сон.

Албатта, Конституция — кенг қамровли, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун бош ҳуқуқий меъзон, олий юридик кучга эга ҳужжат. Шу билан бир қаторда, унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар, унинг 18-моддасига мувофиқ, барчага жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бирдек тааллуқлидир. Муҳими, Конституциянинг қатор нормаларида бевосита ёки билвосита ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари белгиланганлигини кўриш мумкин. Масалан, 37-моддада «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»¹, деб белгиланган. Хуллас, ўз-ўзидан маълумки, меҳнат бозорида барча бир хил меҳнат шароитида ишлаш имкониятига эга эмас. Лекин ушбу норма шундай ифодаланганки, у меҳнат қилиш ҳуқуқи ва адолатли меҳнат шароити тушунчалари ҳамма учун бир хил тушунча эмаслигини кўрсатиб туради. Шунинг учун ҳам 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида (2-§, 239–247-моддалар), 2008 йилнинг 7 январида қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида ёшлар учун 21 та қўшимча кафолатлар белгилаб қўйилган. Кодекснинг 77-моддасига биноан, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлиари ва ўрта махсус ўқув юртлиарининг ўқувчиларини ўн беш ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлигига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., 2012 йил. — 9-бет.

қўйилади. Бундан ташқари, 18 ёшга тўлмаган шахслар учун ишга қабул қилишдаги кафолатлар, ёшларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлишлари ҳамда қўшимча имтиёзлардан фойдаланишлари, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар рўйхати мавжудлиги, улар учун қисқартирилган иш вақти белгиланиши (ҳафтасига 36 соат, 16 ёшгача 24 соатдан ошмаган), кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатга ҳақ тўлаш, йиллик меҳнат таътили беришда имтиёзлар мавжудлиги, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунлардаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишдаги қўшимча кафолатлар шулар жумласидандир.

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси бу қонуннинг яна бир муҳим йўналиши ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. Унда кўрсатилишича, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга — миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш; ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш этилади.

Бу борада халқаро ҳамжамият томонидан ҳар қандай давлатда амалга ошириладиган ишларнинг натижасига баҳо берувчи икки мезон тан олинган. Бу ўша мамлакатдаги соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларидир.

«Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз — юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга

хурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу борадаги сиёсатимиз янги қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилади», — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев¹.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»² эканлиги белгиланган. Мазкур конституциявий норманинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимига ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг 12–15 фоиздан ортиқ қисми йўналтирилмоқда. Қисқа давр ичида тиббиёт муассасалари фаолияти тўла такомиллаштирилди, 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилди, 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиши йўлга қўйилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги «Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир» мавзусидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил, 2 ноябрь. № 216 (6651)

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., 2012 йил. 9-бет.

Ислоҳотларнинг натижаси сифатида, ўтган 25 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди.

Ўзбекистон 2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади¹.

Ислом Каримов Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилишидаги нутқида бу муваффақиятларимизнинг омиллари ҳақида атрофлича тўхталиб, мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилганига анжуман иштирокчилари эътиборини қаратди.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларни ечиш билан бир қаторда, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгартиришга қаратилган кўп қиррали вазифаларга доимо катта эътибор қаратар эдилар.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган чуқур маъноли фикрлари ҳаммамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолган.

Юртбошимиз мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола мавзусидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқ. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. 26–36-бетлар.

ўзгартирган, мутлақо янги таълим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш ишларига бевосита муаллифлик ва раҳбарлик қилдилар.

Юртимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт каби муҳим соҳалар фаол тарзда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг маънавий кадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди», – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Миромонович Мирзиёев¹.

«Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу 41-моддаси ижроси юзасидан ҳам фахрланса арзийдиган ислохотлар амалга оширилди. Биргина Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури (1997 йил 29 август) ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури (2004 йил 7 сентябрь) доирасида 1539 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 7800 тадан зиёд умумтаълим мактаблари янгитдан қурилиб, тўлиқ замонавий воситалар билан жиҳозланди. Олий таълим муассасаларининг сони 1,8 баробар (37 тадан 66 тага, шундан 59 таси миллий, 7 таси хорижий) кўпайди. 5980 та болалар спорт масканлари, 6151 та ёпиқ спорт заллари барпо этилди².

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. – «Халқ сўзи», 2016 йил, 9-сентябрь

² Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил. 101–108-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши ҳам мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида эса махсус дарс сифатида ўрганишни вазифа қилиб қўйди.

Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ислохотлар шулар билан чекланиб қолмай, ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2011–2015 йилларда 700 дан ортиқ тиббиёт муассасаси, 400 та болалар спорти, 221 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қуриб, фойдаланишга топшириш, спорт билан мунтазам шуғулланадиган болалар сонини 2 баробар кўпайтириш, замонавий «Электрон таълим» лойиҳасини жорий этиш каби кўплаб ишлар режалаштирилган бўлиб, бу вазифалар босқичма-босқич амалга оширилди. Бу борада эришилаётган натижалар 2011–2012 йилларда пойтахтимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжуманларда нуфузли халқаро ташкилотлар, дунёнинг барча қитъаларидан келган хорижлик экспертлар томонидан эътироф этилди¹.

Ёшлар ижтимоий психологиясини шакллантириш ҳамда ривожлантириш узоқ давом этадиган диалектик жараён бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа ўзгаришларга бутунлай боғлиқ.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — 28-б.

Ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги ислоҳоти ва эволюцияси, миллий тикланиш, маънавий қадриятлар қайтадан жонланаётган даврда ёшлар психологиясини шакллантириш мақсадида аجدодлар билан авлодлар, халқнинг тарихий ўтмиши билан келажаги ўртасидаги алоқа тикланмоқда, тажриба, билим, анъаналар ва маданий меросни тўплаш ва қолдиришда ворисийликка амал қилинмоқда. Лекин бу ўтмишдаги анъаналаримизга кўр-кўрона, онгсизларча риоя этиш эмас, балки улардан халқнинг ўзини-ўзи ахлоқий ва маънавий камол топтириши жараёнларини чуқурлаштирадиганларини пухталик билан танлаш ҳамда фойдаланишдир.

Ёшларнинг ижтимоий психологиясини ва ижтимоий онгини билиш ва зарур ижобий йўналишда шакллантиришда «турмуш тарзи» категориясини тўғри тушунишнинг аҳамияти катта. Турмуш тарзи фалсафий-социологик категория бўлиб, индивид, ижтимоий гуруҳ ва ҳоказоларнинг ҳаёт фаолияти (меҳнати, турмуши, бўш вақти, маданияти, турмуш услуби ва ҳ.к.нинг турмуш шароити билан бирликдаги) мажмуини қамраб олади. Ёш авлод томонидан аجدодлар турмуш тарзининг, қадриятлар нормалари ижобий элементларининг мерос қилиб олиниши ҳамда ўзлаштирилиши оиладаги, мактабгача муассасалардаги, умумтаълим мактабларидаги, лицейлардаги, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги, меҳнат жамоаларидаги муайян мақсадни кўзлаб олиб борилган ғоявий-тарбиявий ишлар жараёнида ижтимоий муносабатлар бутун мажмуи таъсири остида амалга оширилади. Ҳозирги ёшларнинг умумқабул қилинган стандартларга мувофиқ келувчи турмуш тарзини шакллантириш — ижтимоий турмуш ва хулқ-атворнинг мавжуд нормаларини шунчаки ёдлашдан иборат бўлмаган боқий диалектик жараёндир. Айни маҳалда ёшларнинг турмуш тарзини шакллантиришда ёшларнинг ўз ҳаётий йўлини шахс сифатида фаол танлаш, шахсий тажриба

асосида қадрият йўналишларини муайян мақсадни кўзлаб ишлаб чиқишнинг роли катта.

Глобаллашув даврида Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуришда ёшларнинг ўзига хос ўрнини қарор топтириш, демократия ҳамда ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, мулкчилик шакли хилма-хиллиги ва республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида ҳўжалик фаолиятининг ҳуқуқий масалаларини ишлаб чиқиш ҳамда ёшларнинг ўзига хос жиҳатлари муаммоларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур.

«Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди» — дея таъкидлаган эдилар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов¹.

Тарихий воқеаларни, жумладан, ўзбек халқининг миллий ва ижтимоий тикланиш учун курашининг ёритилишини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки ўтмишда ўрта Осиёнинг мустамлакачилик даври тарихи ноҳолис ва бир ёқлама баҳоланган.

Тарихчилар 1917–1990 йиллардаги даврда тарихий воқеалар жараёнининг ҳаққоний манзарасини тиклаб, ёшларнинг тарихий ўтмишни шакллантиришдаги ижти-

¹ Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2013 йил 6 декабрь. № 240(5914).

мой психологияси ва онгини ҳаққоний, холис тушуниш асосида шакллантириш устида иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон тарихчиларининг ушбу ва бошқа масалалар бўйича сўнгги йилларда яратилган асарлари ўсиб келаётган авлодга ўз халқи тарихини, унинг бой моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда, ундан бугунги ўзгаришлар учун зарур жиҳатларини олишда кўмаклашади.

Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш эҳтиёжлари фалсафа фани олдига янгича фикрлаш нуқтаи назаридан изоҳлашни талаб қилувчи методологик характердаги бир қатор муаммоларни қўймоқда.

Ўзбекистон халқлари илдири минг йиллар қаърига кириб борадиган бой фалсафий маданиятга эга. Ҳозир маданиятнинг ушбу бой қатламидан фойдаланиб реал воқеликдан ажралиб қолган назарий масалалар билан абстракт шуғулланмай, балки ҳаётнинг ўзи олға сурган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ривожланишнинг долзарб муаммолари билан шуғулланиши лозим бўлган чинакам илмий фалсафани тиклаш ва шу асосда жамиятни тубдан янгилашга қаратилган конкрет таклифларни ишлаб чиқиш даркор. Фалсафа тарихий воқеликка монанд ижтимоий онгни шакллантириши даркор¹.

Янгиланаётган жамият янгиланган фалсафага муҳтож бўлади. Ўзбекистон олимлари шуни ҳисобга олиб маънавий маданиятни ривожлантириш масалаларига ҳам анъанавий қарашни қайта кўриб чиқишлари керак.

Жамиятшунослар халқнинг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий психологияси ҳамда ижтимоий онги ҳолати учун бевосита масъулдирлар, шу боис бу масалада оддий кузатувчи бўлиб қола олишмайди.

¹ Сагдуллаев А.С., Костецкий В.А., Наркулов Н.К. История Узбекистана. – Т., 1998.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, жамиятимиз мавжуд воқеликни ҳаққоний акс эттириб, халқ манфаатларига жавоб бериб, унинг бунёдкорона меҳнатига ҳамда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга илҳомлантирадиган мафкура ва реалистик сиёсатсиз иш қила олмайди. Бироқ, ҳозир гап бизга қандай мафкура зарурлиги ҳақида бормоқда.

Конституцияга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади»¹.

Бу ҳолат турли сиёсий партиялар, бинобарин, мафкуралар ҳам эркин иш олиб бора оладиган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятига мувофиқ келади. Бу бизнинг жамиятимиз, жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирадиган, уларнинг куч-ғайратини умумий мақсадга эришишга йўналтирадиган турли мафкуралар қурамасидан иборат, деган гапни билдирадими?

Асло! Турли ижтимоий гуруҳлар мақсадлари хилма-хил бўлишига қарамай, халқимизнинг туб манфаатлари умумийдир. Бу — миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва республикани келажаги буюк давлатга айлантириш. Бинобарин, ҳозирги шароитда давлат мафкураси бўлишга даъво қилмаган ҳолда, аҳоли барча кучларини бирлаштирадиган, уларни умумий вазифани бажаришга — республика миллий мустақиллигини, суверенитетини мустаҳкамлашга йўналтирадиган, «ўтмиш билан келажак ўртасидаги кўприк»² ва миллатни бирлаштирувчи байроқ³

¹ Туленов Ж.Т., Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. — Т.: «Ўзбекистон». 1996. — 136–137-бетлар.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — 91-бет.

³ Ўша манба. 87-бет.

сифатидаги мафкурани, миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасини яратиш учун чинакам асос мавжуд.

XX асрнинг 90-йилларида миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасининг моҳияти ҳамда асосий вазифалари, уни ижтимоий онгга сингдириш масалалари¹ ва бошқа долзарб муаммолар ёритилган бир қатор асарлар эълон қилинди.

«Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, ҳеч қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичида тенг бўлиш — халқимизнинг асрий орзусидир» — деб таъкидлаган эдилар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов².

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ҳукуматимизнинг бу соҳадаги юксак ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар ҳукуматимизнинг олий эътиборидадир. Бу ғамхўрликларнинг қонун билан мустаҳкамланиши улар қалбига катта қувонч ва ифтихор бағишлади. Ушбу қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ёшларга оид давлат сиёсати деганда, биз давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини

¹ Туленов Ж., Юсупов К., Фафуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1993.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: «Ўзбекистон», 2012. — 402-бет.

тушунамиз. Ёшлар (ёш фуқаролар) деганда эса 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилади. Ёш оила, ёш мутахассис, ёш тадбиркор деган ҳолларда ҳам ушбу ёш оралиғидаги фуқаролар тушунилади.

Янги қабул қилинган қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ҳам ёрқин белгилаб қўйилган. Унга кўра, бу сиёсатда очиқлик ва шаффофлик акс этиб туради, бу сиёсатни рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши таъминланади, ёшларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади. Бу сиёсатда маънавий, ахлоқий ва маданий кадриятлар устуворлик қилади, ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Бу йўналишлар ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, маънавий, интеллектуал, психологик, жисмоний ҳамда ахлоқий жиҳатдан камол топишларига кўмаклашиш ва бошқалардан иборатдир.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, бу соҳада мамлакатимизда мустақиллик йилларида намунали шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Баркамол авлодни вояга етказиш учун таълим тизимида, соғлиқни сақлаш ва спорт, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кескин ислоҳий ўзгаришлар юзага келтирилди. Натижада, ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида, халқаро кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида мисли кўрилмаган натижаларни қўлга кириштишмоқда. Айниқса, 2016 йилда Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиада ва Паралимпиадада ўзбекистонлик ёшларнинг эришган ютуқлари ҳаммамизга ғоят қувонч бағишлади.

Қонунда ушбу сиёсатни рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда бунда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Шунга кўра таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва

спорт, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, муҳофаа ишлари ва бошқа органларнинг бу соҳадаги иштирокчилик ва ҳамкорлик вазифалари белгилаб кўрсатилган. Масалан, ёшларнинг нодавлат-нотижорат ташкилоти жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадлар (фойда)ни ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришни ҳамда химоя қилишни, шунингдек ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни ўзининг мақсадлари деб биладиган, ўзини-ўзи бошқарадиган ташкилотдир.

Бу ташкилотни давлат моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг биноларидан, клублар, маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан, спорт иншоотларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Унга 14 ёшга тўлган шахс аъзо бўлиши мумкин.

Қонунда ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактик чора-тадбирлар, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Қисқаси, қонунда кўзда тутилган асосий йўналиш ва вазифаларни амалга оширишда барча жамоалар, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи ҳар бир фуқаро ўзларини бурчдор деб билишлари ва масъулиятни чуқур ҳис қилишлари лозим.

Миллий тикланиш ва тараққиёт мафкурасининг асосий ғоялари ҳар бир киши, айниқса, ёшлар онгига қанчалик

тез етиб борса, жамият олдида турган вазифаларни бажаришда шунчалик тез олға босишимиз мумкин. Унинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарларида акс этган ва улар ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш зарур.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Миллий мустақилликни қўлга киритиш ўзбек халқи учун маънавий янгиланиш ибтидоси, бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаётида, ижтимоий психология ва ижтимоий онгда содир бўлаётган жараёнларни янгича англашнинг бошланиши бўлди.

2. Қуйидагиларни мустақил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий янгиланишининг асосий хусусиятларига киритиш мумкин: миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш; ҳар бир кишининг ўз маънавий салоҳиятини ўзи рўёбга чиқариши; ватанпарварлик ҳамда гуманизм.

3. Аҳолининг, биринчи навбатда ёшларнинг ижтимоий психологияси ва ижтимоий онгини шакллантириш жараёни маънавий янгиланиш асосида бошланади, у ўз халқининг тарихий анъаналарини ва ижтимоий ривожланишининг ҳозирги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда миллий истиқлол ва тараққиёт мафқурасида ёрқин ифодасини топган янги тамойиллар ҳамда идеалларга таянади.

4. Миллий истиқлол ва тараққиёт мафқураси аҳоли кенг оммасининг, биринчи навбатда, ўсиб келаётган авлоднинг, ёшларнинг ижтимоий онгига қанчалик тез ва чуқур сингиб борса, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларини бажаришда шунчалик тез олға қадам босишимиз мумкин.

1.2. Мафкуравий профилактика — ёш авлодни ҳимоялаш омили

Инсониятнинг тарихий тараққиётидан маълумки, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз мақсад ва интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқаларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келган ва у давом этаверади. Бунда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий фаолият ва таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамиятга эга.

Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ, айниқса ёш авлод ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли, жумладан ёш авлод қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дастурида ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида

такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим:

«Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

«Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда»¹, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Шу маънода, ғоявий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялашдаги асосий вазифаларидан бири комил инсонни шакллантириш ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Инсоният жамияти тарихига

¹ «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. — «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган.

Мафкуравий профилактика тушунчаси инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян ғоя ва мақсадларни ифода этадиган мафкуравий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараёни англатади. Ўзбекистон шароитида бундай фаолиятнинг асосий вазифаси — халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборат бўлади.

Бугунги кунда мафкуравий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб боровчи асосий бўғиндир. Зеро, мафкуравий мақсадларни кишиларнинг, айниқса, ёш авлоднинг онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Маълумки, профилактика тушунчасини табиий фанларда, яъни тиббиётда кўпроқ қўлланишига ўрганиб қолганмиз. У мазкур соҳада касалликнинг олдини олиш ва даволаш жараёнининг таркибий қисми сифатида тушунилади. Ғоялар фалсафаси нуқтаи назаридан мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган

турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар мажмуи бўлиб, бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб оладиган фаолиятни ифодалаш учун қўлланадиган тушунчадир. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланиб, турли воситалар қўлланади. Ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш жараёнлари тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собитқадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Жамиятнинг хилма-хил соҳалари ва аҳолининг турли қатламлари орасида мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялашда ўрни катта. Зеро, у моҳиятан ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва улар таъсирини йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

«Биз дунёдаги ҳозирги мураккаб ва кескин шароитни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ўзимизнинг биринчи даражали вазифаларимизни биргаликда белгилаб олишимиз даркор.

Бугун биз халқимизни ишонтириб, баланд овоз билан айтишимиз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий мероси, яъни, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Биринчидан, биз ҳар доим Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг чуқур маъноли ўғитларини, айниқса, «Бизга тинчлик ва омонлик керак!» деган сўзларини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз керак»¹, деб таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.

Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани, яъни ёш авлодни ғоявий ҳимоялашни амалга оширишга ёрдам беради. Бунёдкор ғояларни ёш авлод қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Хуллас, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртақлару дostonлар, қўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани — ёш авлодни ғоявий ҳимоялашни амалга ошириш омилларидан иборатдир.

«Мафкуравий тарбия натижасида мафкуравий иммунитет шаклланади. Мафкуравий иммунитет (лот. «immunitatis» — бирор нарсадан озод этиш) шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизимдир. «Иммунитет» сўзи тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда, иммунитет — организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилияти. Мафкуравий иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ. — «Халқ сўзи», 2016 йил 9 сентябрь.

Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитети, ижтимоий жараёнларнинг маҳсули бўлиб, муайян маънавий-маърифий тадбирлар асосида шаклланиб боради. Иккинчидан, у ҳар бир даврнинг хусусиятларига, муайян авлод яшаётган замон ва жамиятнинг тараққиёт қонунларига боғлиқ бўлади. Учинчидан, жамиятда мустаҳкам ғоявий иммунитет тизими шакллангандагина, шу жамиятнинг мафкуравий дахлсизлиги ва барқарорлиги таъминланади»¹.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи билимдир. Аммо билимнинг ҳам турлари кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянади. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига, халқ ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар ўз моҳият-эътиборига кўра Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Аммо билимлар ва қадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий

¹ Ғоялар фалсафаси (тажрибавий қўлланма). — Т.: «Академия», 2011. — 213–214-бетлар.

соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ. Бундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий таъйиқларга бардош берши амримаҳол. Ёш авлод қалби ва онгини эгаллашга бўлган ҳаракатлар тўхтамас экан, жамият муайян соғлом мафкурага эҳтиёж сезиб яшайди. Жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатадиган, одатда, унинг таназзули, ҳалокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, диний-экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларида фарқли ўлароқ, соғлом мафкура инсоният тараққиётини тезлаштиради, халқ фаровонлиги, Ватан равнақига имкон яратади.

Жамиятимиз ва аҳолимизга хос мафкуравий иммунитетни издан чиқаришга уринишлар асосан қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

— бизга бегона ва ёт ғояларни тарғиб қилиш (космополитизм, нигилизм, экстремизм, терроризм, оммавий маданият ва шафқатсиз индивидуализм каби халқимизга ёт ғоялар турли воситалар билан тарғиб-ташвиқ қилинмоқда);

— миллий менталитетимизга хос бўлмаган одатларни тарғиб қилиш (телевидение, радио ва Интернет орқали халқимиз турмуш тарзига ёт бўлган турли одатлар тарғиб-ташвиқ этилмоқда. Мисол учун, оила қуриш одатини олайлик. Эмишки, оила қуришда ёшлар обдон бир-бирини синашлари, иложи бўлса, маълум муддат бирга яшашлари лозим эмиш. Бу миллатимиз менталитетига хос бўлмаган ҳолатдан бошқа нарсасиз);

— ёшлар дунёқарабини бузиш, уларнинг тафаккур ва турмуш тарзини ўзгартиришга интилиш (ўз Ватанини ёмон кўрсатиш, ўтмишга нисбатан беписандлик руҳини қарор топтириш, давлат ва жамиятга нисбатан ишончсизлик уйғотиш. Бунинг акси ўлароқ, ўзга ҳаётни худди жаннатдек кўкларга кўтариб мақташ).

Ёш авлодга мафкуравий иммунитетни шакллантиришда улар ўзлаштираётган билимлар ва миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари яхлит тизимни ташкил қилади. Бунда нафақат ижтимоий-гуманитар фанлар балки табиий-фундаментал фанларнинг ҳам ўзига хос услублари ишлаб чиқилмоқда. Замонавий педагогик технологиялар воситасида мафкуравий профилактикани, яъни ёш авлодни ғоявий ҳимоялашда таъсирчанлигини ошириб бориш мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан биридир. Замонавий педагогик технологиялар ёш авлодни нафақат замонавий илм-фан ютуқлари асосида тарбиялаш имконини яратади, шу билан бирга, глобаллашув жараёнида турли кўринишдаги мафкуравий тажовузлар ҳақидаги тасаввурларини ҳам ошириб боришга ёрдам беради. Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, мустақил фикрлашни шакллантиришда мафкуравий профилактика — ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш моҳиятида миллий қадриятлар, шарқона демократия элементларини узлуксиз ва узвий тарзда сингдириб борилади.

Маълумки, тафаккур қўлиги ҳар қандай қарамликдан ҳам даҳшатли эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирги даврда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган бир пайтда, инсонлар, айниқса, ёшлар ҳар хил ёт мафкуралар таъсирига берилмаслик учун мафкуравий жиҳатдан қуролланган бўлмоғи зарур. Бунда ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкинлиги мафкуравий курашнинг янгича концепциясидир.

Оила, маҳалла ва ўқув муассасаларининг мафкуравий профилактикани ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш жараёнидаги ўрни катта бўлиб, баркамол авлод тарбияси, жамиятнинг истиқболини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай профилактика мураккаб, доимий ҳамкорликдаги, муштарак мақсад йўлидаги интилишлари уйғунлашишини талаб қилади. Бу жараён умумий манфаат ва мақсадлар сари жамиятда тарбиянинг ворисийлигини таъминловчи маконни вужудга келтиради. Бу макон ёш авлод, комил инсон тарбиясининг ажралмас қисмидир.

Шунингдек, ғоявий профилактика, яъни ёш авлодни ғоявий ҳимоялашда фан, таълим, адабиёт ва санъатнинг роли алоҳида бўлиб, соҳада уларнинг имкониятларидан фойдаланиш асосий омилларидан биридир. Ёш авлод фанни ўрганиш билан табиат ва жамият, тафаккурдаги ўзгаришлар, тараққиёт асослари ва тамойилларини ўрганади. Айни пайтда шу жараёни миллий ғоянинг мазмун-моҳияти билан боғлаш ва уни ҳар бир шахснинг ўз ҳаётида акс этиши олдимизга қўйган мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликни мустаҳкамлашда ва истиқлол имкониятларидан самарали фойдаланишда, шубҳасиз мафкуравий тарғибот воситаларидан бўлган китоблар, дарсликларда ифодаланган билимларнинг ўрни катта. Чунки ёш авлод онги ва қалбига миллий мафкуранинг эзгу қадриятларини жо қилишда айнан шу тарғибот воситаларидан оқилона фойдаланиш энг самарали йўл ҳисобланади.

«Ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва айниқса, Интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур.

Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида

идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан, Бош вазирга алоҳида комиссия тузиб, бир ой муддатда дарсликлар, махсус ва бадиий адабиётга бўлган реал эҳтиёжни, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, улар билан ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чоратadbирлар комплексини тақдим этиш топширилади.

Бунда ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Китобларнинг ҳақиқий нархи шаклланишини жуда пухта ўрганиш зарур.

Шу ўринда ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди»¹, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Миллий ғоянинг шахс, ёш авлод тарбиясидаги ҳамда бугунги мафкуравий тарбияни такомиллаштиришда ўзига хос турфаликни мужассам этган санъат асарларидан ҳам ўринли фойдаланиш лозим. Санъатнинг қайси бир турини олиб кўрмайлик, уларда бугунги воқелик, тарихимиз, ижтимоий муносабатларнинг турли кўринишлари ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу санъат асарларини тарғиб қилишнинг самарали усули сифатида ҳам кўриш мумкин.

¹ «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

Бугунги кунда ёшлар тарбиясида учраб турадиган айрим иллатлар менталитетимизга салбий таъсир кўрсатаётган хориж маданиятининг «санъат асарлари» орқали кириб келмоқда. Унинг салбий оқибатлари ёшларимизнинг айрим ҳолатларда ножўя хатти-ҳаракатлари, ахлоқида учраётган қусурлар мафкуравий профилактикани кучайтириш масаласига янада чуқурроқ эътибор қаратишни тақозо қилади, деган хулосага келдик.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимиз тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

Истиқлолимизни қўлга киритган илк кунлардан бошлаб биз миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда ижтимоий фанлар соҳасидаги етакчи олимлар, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз эътиборини ана шу муҳим масалага қаратдик. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзлаган юксак мақсадларимизга етишнинг асосий омили — авваламбор мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйдик ва бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдик»¹.

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият — енгилмас куч». — Т.: «Маънавият», 2016. — 71–72-бетлар.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш жамият ва мамлакатнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш омилларидан бири ҳисобланади. «Мафкуравий хавфсизлик» шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча эканлиги маълум. Мазкур соҳадаги профилактиканинг асосий вазифаси деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдек жараёнлар назарда тутилади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг мафкуравий хавфсизлигига ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради. Бугунги кунда турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонда янги жамият қуришга тўсқинлик қилиш учун ғаразли ниятларига эришишда баъзи фуқаролардан «қурол» сифатида фойдаланишга интилишларида мафкуравий хавфсизлик учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрамиз. Шунингдек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий беқарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигини доимо назарда тутиш лозим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўзини мустаҳкамлаш, унинг мамлакатимиздаги барча ёшлар чин дилдан интиладиган ташкилотга, ортиқча тадбирлар ўтказиш ва расмийлаштириш кўринишларидан холи бўлган, ёшлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланишига эришиш зарур. Унинг жойлардаги тузилмалари фаолиятини, хусусан, шаҳар ва туманларда, узоқ қишлоқ ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар ўртасида олиб бориладиган ишларни

кучайтириш бўйича ҳали олдимизда катта вазифалар турибди.

Ёшлар билан ишлаш масаласи ижтимоий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини амалга оширишни тақозо этади»¹, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Мафкуравий хавфсизликни таъминловчи ички омил жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳияти ҳамда фуқароларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик халқнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланиши лозим. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мафкуравий хавфсизлик илмий асосланган ижтимоий сиёсат, ҳуқуқий маданият, жамиятнинг маънавий етуклиги ва демократиялашуви билан узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг таркибий қисми, мамлакатимиз ҳаётининг барқарорлигини мустаҳкамлаш омили ҳисобланади.

«Айни пайтда ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни

¹ «Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил, 2 ноябрь.

модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда, — деган эдилар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов, — табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олийжаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда. Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олийжаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови — бу тинчлик ва осойишталикдир. Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл — барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз.

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини тасаввур қиламиз»¹.

Мафкуравий иммунитетни фуқаролар онгига сингдириш, авваламбор, оиладан бошланади. «Она-Ватан», «Ватанга

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият — енгилмас куч». — Тошкент: «Маънавият», 2016 йил. — 72–73-бетлар.

муҳаббат», «Ватан туйғуси» каби илк тушунчалар ҳам, аввало, оила муҳотида шаклланади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Бу тушунчаларни ёшлар қалби ҳамда онгига сингдиришда таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мафкуравий иммунитетни мустаҳкам инсонгина ҳозирги кунда ўз ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юртимизга ҳар хил йўллар билан кириб келаётган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгини қандайдир зарарли ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвузларга қарши кураша олади ва ўз юртини ҳимоя қилади. Мазкур вазифа билан боғлиқ мафкуравий иммунитетни камол топтириш кўпгина ижтимоий-иқтисодий, маданий, мафкуравий, тарбиявий омиллар билан боғлиқ. Бу катта меҳнат талаб қилувчи мураккаб вазифадир. Барча касбадаги зиёлилар, тарбиячиларнинг ҳозирги муҳим вазифаларидан бири кишиларда, хусусан, ёшларда Ватанга садоқат, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлиги ғояларини амалга ошириш йўлидаги фидойилик каби фазилатларни камол топтиришдир.

Мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган ғоявий тарбиянинг асосий мақсадларидан бири аҳолининг турли қатламлари учун умумий тамойилларга эга бўлган фуқаролик масъулияти ва инсонийлик бурчи билан боғлиқ тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Бу тушунчалар қадим замонлардан буён маълум. Аммо улар деярли ҳамма вақт кишининг миллий, синфий, ирқий, диний, ҳудудий ҳолатларига қараб, турли чекинишлар ёки имтиёзлар билан боғлиқ бўлган. Ер юзидаги барча инсон зоти, ирқи, дини, миллати, жинси, яшаб турган ҳудудидан қатъи назар, тенг ва тенг бўлиб яшашга ҳақли эканлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш жамиятнинг

асосий вазифаси бўлиши лозимлигини мутафаккирлар аллақачон асослаб берганлар. Шу билан бирга, дунёдаги ҳар бир инсоннинг ота-онаси, эл-юрти, халқи, фарзандлари, ўтмиш ва келажак олдида бурчи ва масъулияти мавжудлиги ҳам азалдан эътироф этиб келинади.

1.3. Мафқуравий хавфсизликни амалга оширишда ёш авлоднинг масъулиятини ошириш ва уни такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон ёшларида фуқаролик масъулиятининг шаклланиши ва унинг такомиллашиши жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисми. Чунки жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик, биродарликни ҳаётий воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, ўз ҳуқуқларидан ижобий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қилади.

«Азиз дўстлар! Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада маҳалла идоралари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда биз ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чора-тадбирларини кўраяпмиз.

Ўз пайтида муҳтарам Юртбошимиз ички ишлар органларининг энг қуйи тизимида профилактика инспекторларини ташкил қилган эдилар. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яъни жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд.

Шу сабабли бу масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, маҳалладаги участка нозирларига самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб берамиз.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади. Бу раҳбарларнинг асосий вазифаси маҳаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этишдан иборатдир»¹, деб таъкидлаганди Шавкат Мирзиёев.

Шу сабабли, жамият қанчалик юксак даражада демократик бўлса, ундаги фуқароларнинг масъулияти ҳам шу даражада жиддий ва кенг қамровли бўлади. Ҳақиқий демократик жамиятда фуқаро мавжуд ҳуқуқлардан фойдаланувчи боқиманда эмас, балки бу ҳуқуқларга суяниб, жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол шахс бўлиши лозимлиги табиий ҳолдир. Бугунги кундаги мустақиллигимизни мустаҳкамлаш жараёни самарасини янада оширишни секинлаштириши мумкин бўлган салбий омиллардан бири ҳам баъзи фуқароларда бурч ва масъулият туйғуларининг тўла-тўқис шаклланмагани ёки айрим кишиларнинг

¹ «Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасидан. — «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

бу масалага жиддий эътибор бермаслиги, бефарқлик ва боқимандалик кабилар билан боғлиқ. Баркамол инсонни вояга етказиш ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалалари бир кунда ёки бир фаслда ўз ечимини тўла топадиган оддий муаммолар тизимига кирмайди, балки узоқ йиллар давомида ҳал қилинади. Бу йўналишда ҳам пировард мақсадларга эришиш учун тадрижийлик асосида иш кўриш, ўзгаришларни босқичма-босқич амалга ошириш давр талабидир. Бу борада фуқароларнинг маънавий баркамоллиги даражасини янада ошириш, ўтмишдан қолган нуқсонларни бартараф этиш, аҳоли, айниқса, ёшларда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғуларини такомиллаштириб бориш мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

«Жамиятимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашимиз зарур. Барчамизга маълумки, Ислом Абдуганиевич Каримов: «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди», деб кўп-кўп таъкидлар эдилар. Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифасидир. Биз халқимизнинг, бугунги замоннинг ана шу муҳим талаби сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз шарт.

Иккинчидан, давлатимиз хавфсизлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз, ҳар бир фуқаронинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашимиз лозим. Вазиятни издан чиқариш, нифоқ солиш, душманлик уруғини сепиш, турли можароларни келтириб чиқариш ва ҳатто, қон тўкилишини истаётган кучлар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Очиқ тан олиш керак, биз нотинч замонда, нотинч бир минтақада яшамокдамиз. Шу сабабли Ватанимиз ҳимоясини ишончли кафолатлаётган, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаётган ва давлат чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаётган тизимли чора-тадбирлар комплексини жорий этишни қатъият билан давом эттиришимиз зарур»¹, деб таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамиятимизда мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Куч – билим ва тафаккурда» ғоясини жамиятимиз ҳаётига ҳар томонлама чуқур татбиқ этиш асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Чунки, айнан ана шу ғояда инсон онги, тафаккури ва хулқ-атвориға таъсир қилишға қаратилган ҳар қандай хуружлардан кафолатли ҳимояланиш ва қарши зарба беришнинг манбалари мужассамлашган. Бунинг учун маънавий ва маърифий ҳамда таълим-тарбия ва маданий соҳадаги барча чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги, замонавий даражаларға тезроқ олиб чиқиш зарур.

«Умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ, замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ёшларға махсус фанлар мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу — педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги нутқ. — «Халқ сўзи», 2016 йил 9 сентябрь.

профессional даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

Учинчи вазифа — таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Афсуски, ҳеч ким бунинг учун жавобгар эмас. Нима сабабдан? Ахир у ўринда гап барчамизнинг фарзандларимиз тўғрисида, ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги ҳақида кетяпти»¹, дея таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.

Ёш авлод таълим-тарбияси, унда юксак маънавият тамойиллари ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамма вақт жамият олдидаги муҳим вазифадир. Зеро, жамият келажаги, халқ, миллатнинг давомийлиги, Ватан тараққиёти ана шу тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши ва самарадорлигига боғлиқ. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, кейинги пайтларда

¹ «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 январь.

баъзи хориж оммавий ахборот воситаларида ёшларни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганлиги маълум бўлиб қолмоқда. Айрим мухолифларимиз, хориждаги бир қанча матбуот органлари, Интернетдан устакорона фойдаланувчилар ноҳолис хулосалар, бузғунчи ғояларни тарқатишни давом эттирмоқда.

Аҳоли, айниқса ёш авлод маънавиятини бузишга интилаётган кимсалар чет элдаги ҳомийларидан мадад олади. Илгари улар ашаддий ақидапараст ҳомийлардан моддий ва маънавий мадад олган бўлса, энди эса «рангли инқилоб» ижодкорлари, «демократия транзити» ғояларини тарқатувчи мафкуравий полигонлар билан ҳам алоқа боғлаган. Бундай қора ниятли кучларнинг ўз вақтида маҳв этилиши Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, мустақиллик ва миллий хавфсизликни қўриқлаш учун кучли давлатнинг бўлиши зарурлигини исботлади. Кучли давлат бўлмаса, демократия ва тараққиётни сақлаш, ислохотларни муваффақиятли давом эттириш мумкин эмас. Биз истиқлолни кўз қорачиғидай асраш учун жонажон давлатимиз атрофида янада жипслашишимиз лозим.

Бу борада халқимизга хос бўлган эл-юрт, маҳалла-қўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан ташқари чиқмаслик, ор-номус, ҳамият, мардлик, виждон амрига итоат этиш адолатпарварлик, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Ҳаё, андиша, лафз, омонатга хиёнат қилмаслик, ростгўйлик халқимиз тафаккуридан мустаҳкам ўрин олиб келган. Шундай қилиб, миллий ғоя, маънавий тарбия, одоб-ахлоқ, маърифат, ёт ғоялар, зарарли таҳдидларни бартараф этишда асосий кучдир.

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек: «Доим бир нарсага эътибор бераман: болаларимиз, қизларимизнинг кийинишига қаранглар, улар қандай кийинади? Қаранглар, ким бизнинг

болаларимиздек чиройли кийинади? Бу бир қарашда майда нарса бўлиб туюлиши мумкин. Аслида бу майда гап эмас. Мана, коллежларга, лицейларга қатнайдиغان болаларнинг кийинишига қаранглар, галстукни шундай боплаб боғлайдики, мен гоҳ-гоҳ ойнанинг олдига келиб, улар қандай боғлар экан, деб машқ қиламан. Коллежда ўқиётган, эндигина 16 ёшга кирган бола мана шундай бежирим кийинади.

Қизлар-чи? Бизнинг чиройли қизларимизни бошқалар билан солиштиришнинг ҳожати йўқ. Улар барибир биринчи ўринда туради, дунёда бизнинг қизларимизга тенг келадигани йўқ.

Мен охирги чиқишларимдан бирида, «Айтинглар, бундай олийжаноб, бундай бағрикенг, бундай меҳроқибатли халқ яна қаерда бор?» деган саволга жавоб бериб, аминман, бундай халқни қидириб-қидириб ҳеч жойдан тополмайсиз, деганим эсимда. Шу фикрни ғурур билан такрорлашга доимо тайёрман. Бизнинг 24 йиллик мустақил ҳаётимиз шуни кўрсатдики, биз тўғри йўлни танлашда шошилмадик.

Мен шу ҳақда кўп ўйлайман, кечалари уйқу билмасдан, қаерда биз нимани ҳисобга олмадик, қайси масалага етарли эътибор бермадик, деган саволлар доимо одамни қийнайди. Шуларни умумлаштириб, такрор айтмоқчиман, биз тўғри йўлни танлашда шошилмадик. Баъзилар, эй, мана, биз унга етиб бордик, биз бунга етиб бордик, деган бақирчақирларни кўп гапиради. Биз ҳеч қачон шошилмадик. Энди бизга ҳавас қиладиган пайт келди. Ҳатто дунёдаги энг ривожланган, манаман деган давлатларнинг вакиллари ҳам келиб биздан нимани сўрайди? Бу болаларни қаердан топдинглар, деб сўрайди.

Мен шу ҳақда алоҳида айтмоқчиман, юртимиздаги бутун борлиғи билан ишга берилиб, эртанги кунга ишониб, астойдил меҳнат қиладиган одамларни, айниқса ёшларни

кўриб, хорижлик ҳамкорларимиз бизга катта ишонч билан қарамоқда.

Ҳақиқатан ҳам, биз ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўраимиз»¹.

Мафкуравий профилактика Ўзбекистон ёшларида фуқаролик масъулиятининг шаклланиши ва унинг такомиллашишида замонавий усулларга асосланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борадаги тарбияни амалга оширишнинг воситалари кўп. Ҳозирги кунда фуқароларни ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан тарбиялаб бориш заруриятдир. Бунда уларда сиёсий онг, сиёсий қараш ва сиёсий маданиятни шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бунинг учун оила, таълим тизими, маҳалла ва иш жойлари орасида шундай механизм шаклланиши керакки, ҳар бир инсон болалигидан то умрининг охирига қадар сиёсий воқеликни ва ижтимоий ҳаёт жараёнларини тўғри идрок қилсин. Алоҳида замонавий маданиятни шакллантириш, бунда одамларни миллий ва умуминсоний маданият уйғунлиги асосида эркин ва мустақил фикрлашга, мушоҳада юритишга, оила ва қавм-қариндошларни ҳурмат қилишга, дунёда бўлаётган ҳар бир воқеликка ўз муносабатини билдиришга ўргатиш ниҳоятда муҳим.

«Албатта, ёшларимизнинг нималарга қодир экани, қандай имкониятларга эга экани, ҳаётга қандай тайёр бўлаётгани, керак бўлса, қандай босқичлардан ўтаётганини мен яхши биламан. Мана энди турли давлатларнинг мутахассислари билан, тенгдошлари билан баҳслашишга, беллашувга тайёр

1 Каримов И.А. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир». — Т.: «Ўзбекистон», 2015 йил. — 246—247-бетлар.

бўлган ёшларимиз дунёни кўряпти. Энди улар бошқалардан ўрناق олиб, кучига куч қўшиляпти. Энди уларни тўхтатадиган бирон тўсиқ деган нарсани топиш қийин. Фақатгина тўғри йўлни кўрсатсак, болаларимиз босади. Ўзбекча айтганда, маҳаллий шевада айтганда, босади. «Босади» дегани — янги-янги марраларни эгаллайди, деганим.

Авваламбор, билимга интилиш, иккинчидан, ҳеч тортинмасдан бошқалардан ўрганиш керак. Мен болаларимга айтмоқчиман: азиз фарзандларим, ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан, изланишдан уялманглар. Одамзод бор экан, умрининг охиригача ўрганади. Мен ҳамма нарсани биламан, деб бошқаларни писанд қилмасдан юрадиган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди, — деган эдилар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов, — болаларимизни шунинг учун ҳам яхши кўраманки, уларда ғўдайиш, осмонда парвоз қилиш деган нарсалар йўқ. Ва Худодан сўрайман, бундай ҳолатлар уларда бўлмасин ҳам. Биз доим ўрганишга, тинчликни қадрлаб, тарихдан сабоқ чиқариб яшашга тайёр бўлган халқмиз. Бугун биз айни шундай ёшларни, ҳаммани ҳайратда қолдирадиган ёш авлодни тарбиялаяпмиз»¹.

Мафкуравий профилактика жараёнида ёш авлоднинг руҳиятини кўтарадиган, унинг ички, ботиний қудратини намоён этадиган тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, шу руҳдаги адабий-бадий асарлар, илмий-публицистик тадқиқотларни кўпайтиришни рағбатлантириш, уларни ёшлар онгига сингдиришга эришиш лозим. Мустақиллик даврида эришилган ютуқларнинг аҳамияти, салоҳияти ва жозибасини кўрсатиш, истиқлол, халқ эрки, миллий давлатчилигимиз энг шарафли, энг муқаддас қадрият

¹ Каримов И.А. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир». — Тошкент: «Ўзбекистон», 2015 йил. — 247–248-бетлар.

эканини ёшлар онгига мунтазам сингдириб бориш ҳам бунда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга, турли тадбирлар ўтказиш асосида таълим ва тарбияни ҳар доим қўшиб олиб бориш, оила, маҳалла ва ўқув юртларида маънавий тарбияга алоҳида эътибор бериш каби чора-тадбирларнинг ҳам мафкуравий имунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлашда ўз ўрни бор.

Хуллас, бугунги кунда жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, хориждан кириб келаётган мамлакатимиз манфаатларига, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни қўзлаётганини англаб етиш ҳам мафкуравий профилактикага ёрдам беради. Бу борада оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида изчил тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, уларнинг таъсирчанлигини оширишга эришиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ ғояларининг энг асосий таянчи унинг генофондидир. Генофонд фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, ижтимоий хусусиятлар, миллий ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Айнан бирор халқ, миллат, элатни йўқотиш учун қилинган тажовуз «геноцид» деб аталиши бежиз эмас. Миллат тарихий ва ижтимоий ўзгаришлар, уруш ва қирғинлар натижасида аста-секин ўзгариши, камайиб кетиши мумкин. Аммо унинг генофонди ўзгариши миллатни ниҳоятда тез ўзгаришига, авлодларидан мерос қолган табиий-тарихий хислатлари, моддий бойликлари, маънавияти, жумладан, ғоялари ҳам тез йўқолиб кетишига олиб келади. Собиқ иттифокдаги 70 йиллик экспериментлар жараёнида одамлар бошига тушган турли қатағонлар,

урушлар, миллатлар генофондига салбий таъсир қилмай қолмади. Бугунги кунга келиб ўша даврда рўй берган кўплаб ходисалар одамларга, каттаю кичик миллатларга нисбатан ниҳояси йўқ уруш, ўзига хос геноцид (юнон. уруғ, қабила, ўлдираман) бўлганлигини кўпчиллик яхши англайди. Шу сабабдан ҳам истиқлол даврида мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор берилаётгани, соғлом авлод ва маънан етук инсонларни тарбиялаш, халқни соғломлаштириш умумдават миқёсидаги вазифага айлангани бежиз эмас.

Миллий ғоялар кишиларнинг яшаш жойи, турмуш шароити билан боғлиқликда ҳам шаклланади. Ана шундай ғояларнинг энг асосийларидан бири одамларнинг, айниқса, ёшларнинг туғилган она-юртини севиш туйғуси сифатида намоён бўладиган ватанпарварликдир. У ҳар бир инсон туғилиб вояга етган жой, миллат ўтмиши ва ҳаёти билан боғланган ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳудудга нисбатан муҳаббатни ифодалайди. Бутун инсониятга хос бўлган ватанпарварлик ҳамма миллат вакиллари учун бир хил ижобий маънога эга, уни бирор халқда кўпроқ, бошқасида камроқ шаклланган дейиш учун асос йўқ. Шу маънода, ватанпарварлик муайян миллат ва жамиятни вужудга келтирган ва сақлаб турадиган жойга нисбатан дунёга келган табиий-ижтимоий тушунчадир. Бу тушунча ҳар қандай миллатга мансуб кишини табиат билан чамбарчас боғлангани ва башарият фарзанди эканини исботлайди. Унда ўзи мансуб бўлган миллат шаклланишига таъсир кўрсатган ҳудудга нисбатан маънавий қарздорлик, бурч ва масъулияти билан боғлиқ туйғулар намоён бўлади. Ватан ана шундай туйғуларни уйғота олгани учун ҳам миллий ғоялар маконидир.

Миллий ғоянинг муҳим жиҳатларидан бири миллат учун умумий муомала воситаси бўлган миллий тил билан боғлиқлигидир. Чунки ҳар бир миллат ўз она тилини асраб-авайлаш, келажакда омон сақлашни ўз миллий ғоясига

сингдиради. Мутахассислар оламда 5000 га яқин тил борлигини қайд қилади, уларни 15 та катта оилага бўлиб ўрганади, тиллар такомиллашуви билан бирга, улар эгаллаган ҳудуд майдони ҳам ўзгариб боришини таъкидлайди. Масалан, VII асргача Арабистон ярим оролининг бир қисмида тарқалган араб тили, ундан кейинги бир неча аср орасида Африка ва Осиёнинг бошқа қисмларига ҳам тарқалди. Худди шундай халқимиз сўзлайдиган тил ҳам Кичик Осиёдан Шимолий Шарқий Сибиргача бўлган кенг ҳудудда тарқалган. Шу билан бирга, қадимда Осиёда кенг тарқалган массагетлар, хетлар ва хунлар тили бутунлай йўқолиб кетган ... Маълумки, собиқ иттифоқ даврида республикамизда ўзбек тилининг мавқеи пасайиб, ишлатилиш доираси камайиб кетган эди. Асосий халқи ўзбеклардан иборат бўлган жойда содир бўлган бу аҳвол тўғридан-тўғри миллийлик ва умуминсонийлик талабларининг бузилишини англатар эди. Ҳозирги мустақиллик даврида Ўзбекистонда «Давлат тили тўғрисидаги қонун» қабул қилиниши (1989 йил), ўзбек тилининг давлат тили деб эътироф этилиши ва бошқа миллий тиллар ривожини учун имконият яратилиши бу соҳадаги мақсадларнинг рўёбга чиқишидир.

Миллий ғоялар тизими миллатнинг маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, миллий адабиёти, санъати ва бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Улар асосида ҳар бир миллат тарихий ривожланиш жараёнида авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган хусусиятларини ўзига хос тарзда ифодалайди. Мафкуравий нуқтаи назардан ҳар қандай миллат фақат муайян ҳудудда яшайдиган ва бир хил тилда сўзлашадиган кишилардангина иборат эмас, балки умумий ғоялар, маданий-маънавий тамойиллар асосида мавжуд бўлиб турадиган тарихий-ижтимоий бирлик ҳамдир.

Миллий ғоя тарихий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт давомида такомиллашиб ва сайқалланиб боради. Ҳамма даврларда бўлгани каби, ғоялар билан боғлиқ жараёнларда

ҳам, эскилик ўрнига янгилик вужудга келиши, узлуксиз янгиланиш билан бирга, муқаррар ва зарурий ворислик намоён бўлади. Бунда инновация (лот. янгиланиш) ва анъана (лот. ўтиш, узатиш) алоҳида ўрин тутади. Анъаналар миллий ғояда ўзига хос шаклда ифадаланади, авлодлардан авлодларга ўтиш орқали сақланади. Миллий ғояда мазкур тарихий бирликнинг ички муносабатларини тартибга солувчи, бу муносабатларнинг бирор фаолият ёки хатти-ҳаракатда ифодаланишини намоён қиладиган талаблар ва қонун-қоидалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу соҳадаги ғоялар амалиёти тўғрисида сўз юритилганда, албатта, муайян миллат томонидан тарихий ривожланиш жараёнида жаҳон халқлари маданиятига қўшилган ҳисса ҳам назарда тутилади. Маданият инсоният тарихи илк даврларидан бери унинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб инсоннинг ўзи каби қадимийдир. Оламда маданиятсиз эл, миллат ва халқ йўқ. Ҳар қандай халқ ёки миллат тарихий тараққиёт даражасига мос келадиган ўзига хос маданиятга, бу борада ҳам умуминсоний ривожланишда ўз хусусиятларига эга. Мисрликлар фиръавнлар замонидан қолган пирамидалари, хитойликлар Буюк Хитой девори, европалар Эллада ва Рим тарихи билан боғлиқ ёдгорликлари, бизнинг халқимиз эса аллома боболаримизнинг илмий кашфиётлари билан умуминсоний цивилизацияга катта ҳисса қўшганлари каби, бошқа халқларнинг ҳам бунда ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Бу борада муайян халқнинг ўзига хослиги, унинг ҳозирги даврдаги ривожланишини илгариги ижтимоий ҳолати билан солиштирилиши масаласида, ниҳоятда, эҳтиёткорлик билан фикр юритиш зарур, аммо бу масалага бошқа миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш илмийлик ва ҳолислик тамойилига мос келмайди.

Бугунги кунда миллий ғоянинг амал қилишида, асосан, учта жиҳатни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: а) муайян миллатга оид кишиларнинг ижтимоий онги билан

боғлиқлик; б) уни шу миллатга хос ўзаро муносабат ва фаолият орқали амалга ошириш; в) иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, моддий ва маънавий соҳадаги бирор мақсад ёки идеал тарзида намоён бўлиш. Бу жиҳатлар ҳақида фикр юритганда, аввало, миллий ғояларнинг миллатга мансуб кишилар жамоасидан ёш авлод онгида акс этиши, уларда хилма-хил туйғулар, эҳтиёж ва мақсадларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, миллий ғоя ижтимоий онда бирор билим ёки ҳақиқат сифатида сақланади, авлоддан авлодга узатилади, мерос сифатида қолдирилади. Муайян миллатга мансуб кишилар табиатга, ижтимоий муҳитга, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар ва бошқаларга, ҳатто ўзларига нисбатан муносабатда ҳам миллий ғоя талабларига эътибор беради. Бир томондан, у билан боғлиқ воқелик қонунларига, талаб ва қоидаларига амал қилсалар, иккинчи томондан эса ўз фаолият ва хатти-ҳаракатларида бу борадаги одат ва анъаналарни бажаришга ҳаракат қиладилар. Ворислик тарзида мерос қолдирилган миллий ғоя ва унинг тамойиллари шу маънода кишиларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ва хатти-ҳаракати орқали намоён бўлади ҳамда воқеликка айланади.

«Шу билан бирга, миллий ғояга хос хусусиятлар, қўп ҳолларда у ёки бу миллат кишилари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам намоён бўлади. Озодлик ва эркинлик, эзгулик ва бунёдкорликка интилиш, моддий ва маънавий бойликлар яратиш дунёдаги миллатларга хос умуминсоний ғояларга асосланган. Ҳар бир миллат бу жараёнда умумий мақсадлар йўлида ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиш билан бирга, ўзи учун устувор идеалларга садоқат руҳини тарбиялаш, амалий фаолиятда бу тамойилга амал қилиши лозим. Бундан ташқари, миллий ғоя миллат учун бирор-бир идеал ёки мақсад тарзида намоён бўлиши мумкин. Халқ даҳоси, маънавий-ақлий етуклиги, билимлари, илм-фандаги эришган ютуқлари ана шу идеал-мақсадларга

етишиш борасидаги фаолиятда намоён бўлади. Биз эслатган антик даврдаги Миср ва Хитой, Қадимги Рим ва Афинага хос маданий юксалиш, темурийлар давридаги тараққиёт, жаҳон халқлари аллома ва мутафаккирларининг кашфиётлари, мамлакатимиздаги бугунги улкан бунёдкорлик ишлари ана шундай идеал-мақсадларга интилиш йўлида эришилган натижаларга мисол бўлади, деб айта оламиз.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: а) ҳар қандай миллат ижтимоий-тарихий бирлик сифатида ўзига хос, бетакрор жиҳатларга эга. Ўз миллий ғоясининг объекти ва субъекти сифатида ҳар бир миллат уни ривожлантириб, такомиллаштириб боради. Шу билан бирга, ўзи ҳам ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзгариб, янгиланиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб боради, бу иккала хусусият ҳам миллий ғояда акс этади; б) миллий ғоя миллий маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда намоён бўлади, ёшлар онгига таъсир қилади, улар учун маънавий мезон ролини ўйнайди, ижтимоий ривожланиш жараёнида доимо янгиланиб, авлоддан авлодга ўтиб боради; в) миллий ғоя ёш авлодларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий фаолияти, хатти-ҳаракатлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган эҳтиёж, қизиқиш ва интилишлар учун асос бўлади, мақсад ва идеаллар сифатида Ўзбекистон ёшларини улкан ишларга сафарбар қилади.

Жаҳон халқларининг миллий давлатчилик анъаналари билан боғлиқ ғоялари ҳам бор. Айнан шундай ғоялар миллатларни ўз давлатчилигини тиклаш, уни мустаҳкамлаш, унга таяниб жамиятда турли ислохотларни амалга ошириш учун асос бўлади. Устувор тамойиллари аниқ белгилаб олинмаган миллий ғояси ва ўзига хос тараққиёт моделига эга бўлмаган миллатнинг пировард мақсадларга етишиши қийин. Шу маънода, миллий ғоя муайян миллат ва жамият учун ҳамма замонларда тарихий эҳтиёж ва ижтимоий тараққиёт учун зарурат сифатида намоён бўлади.

II бoб. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ ҲИМОЯЛАШ

2.1. Миллий ғоя ва глобаллашув жараёнларида ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш

Ғоя ва мафкуралар тарихида миллий ғоялар муҳим аҳамият касб этади. Улар ғоянинг намоён бўлиш шакллари орасида ҳам алоҳида ўрин тутати. Халқни жумладан ёш авлодни бирлаштириш, уни муайян мақсад-муддаолар томон сафарбар қилишда миллий ғоянинг ўрни бекиёс. Мазмун-моҳияти, идеаллари ва амал қилиш йўллари ҳамда усулларида қатъи назар, ҳар қандай миллий ғоянинг умумий хусусиятлари ва ўзига хос тамойиллари ҳам бор.

Халқнинг тарихи ва келажаги билан боғлиқлик, унга хос аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлаш, эскиликнинг инкори ва янгиликнинг жорий этилиши, инсонларни, айниқса ёшларни уюштириш, сафарбар қилиш, улар ҳаёти ва фаолиятининг маънавий мезонига айланиш каби тамойиллар шулар жумласидандир.

Миллий ғоя тушунчаси муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий фаолияти жараёнида шаклланадиган, у яшаётган ҳудуд, маданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, яшаш тарзи ва унинг тартиб-қоидаларида намоён бўладиган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиёт тамойиллари билан боғлиқ орзу-умидлар, идеаллар, таълимот ва назариялар, бу борадаги дунёқараш ва тафаккур услуби мажмуини ифодалайди. Миллий ғоя ҳар бир миллатга мансуб кишилар учун умумий фаолият мезони, уларни бирлаштирувчи ва муайян мақсадга сафарбар қилувчи омил ҳисобланади. У муайян миллатнинг табиий-тарихий ривожланиши жараёнида, моддий ва маънавий ҳаёт шароитлари таъсири натижасида, миллий руҳ ва яшаш тарзи, сиёсий тузум ва ижтимоий тизим

билан боғлиқ мақсад ва идеаллар ҳамда умумий қадриятлар тизими билан тавсифланадиган ва миллий маконда ўзига хос тарзда намоён бўладиган ғоялардан биридир.

Бу ғоянинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини англашда миллатнинг тарихий тақдири, унинг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, келажаги ва идеал мақсадлари, у яшаётган ҳудуд билан боғлиқ туйғулар, миллат томонидан яратилган маданий бойликлар ва маънавий мерос, уларни асраб-авайлаш билан боғлиқ жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади.

Миллат бўлмаса, миллий ғоя ҳам бўлмайди. Дунёдаги халқлар орасида айнан шу миллатнинг борлиги, мавжудлиги, бетакрорлиги, «кўҳна тарих шодасида битта маржон» сифатидаги зоҳирлиги миллий ғоянинг асосий таянчидир. Миллат — ҳар қандай миллий ғоянинг эгаси, объекти, уни шакллантирувчи энг асосий омил. У, бир томондан, ўз ғояларини вужудга келтиради, ўтмишдан келажакка томон борадиган жараёнда уларни такомиллаштириб, янги-янги жиҳатларини муттасил шакллантириб туради, иккинчи томондан эса унинг ўзи ҳам миллий ғоя таъсирида ўзгариб ва ривожланиб боради, мақсад-муддаоларига етади. Шу маънода, миллат миллий ғоянинг соҳиби, макон ва замондаги ўзгаришлар жараёнида, уни ўтмишдан келажакка томон етказиб берувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч.

Миллатнинг таназзули миллий ғоянинг таназзулидир. Бу пировард натижада ушбу ғоянинг эгасиз қолиш хавфини, буткул йўқолиш эҳтимолини туғдиради. Инсоният тарихида муайян этносларнинг вужудга келиши, тараққиёти ва таназзули, улар ўрнига бошқалари шаклланиши билан боғлиқ ғоявий-мафкуравий жараёнлар рўй берганлигига кўплаб мисолларни келтирамиз. Бу эса, ўз навбатида, шу соҳадаги ғоят муҳим ва долзарб масалага, яъни ҳар қандай миллат ўз ғояларининг эгаси ва объекти сифатида, ўз-ўзини сақлаб турмоғи, ҳимоя қилмоғи ва

замонлар силсиласидан эсон-омон ўтмоғи лозим, деган хулосага бизни олиб келади.

Инсоният тарихида ўз миллий ғояси асосида Бобил, Византия, Майя империяларини вужудга келтирган буюк этнослар бўлгани маълум. Буюк цивилизацияларни яратган бу этнослар кейинчалик турли халқ, миллат, элатларга бўлиниб кетган, ўзларининг умумий тарихий бирлигини бой берган ёки таназзул жараёнлари, уруш ва қирғинлар оқибатида йўқолиб кетган. Амазонка дарёси бўйларида ва Мексика ўрмонларида ўз даврининг вайроналарини қолдирган майя халқи тўғрисида шундай фикрни айтиш мумкин. Қадимги замоннинг энг буюк маданиятларидан бирини яратган бу халқ таназзулга учраган, ёзуви унутилган, ундан 100 га яқин шаҳарларнинг вайроналари қолган ва шу тариқа буюк маданият бешикларидан бирининг чироғи сўнган.

Миллатни миллий ғоянинг объекти ва субъекти сифатида тушуниш, у билан боғлиқ ғоялар тизимини илмий таҳлил қилиш, унинг намоён бўлиши, тарихий ривожланиши ва ўтмишдан келажакка томон такомили, яъни ижтимоий ҳаракатини аниқ тасаввур қилишга имкон яратади. Шу маънода, миллий ғоя:

а) муайян миллатга мансуб кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини, таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда намоён бўлади, одамларнинг онги, дунёқараши ва ҳаёт тарзига ўзига хос реаллик сифатида таъсир қилади;

б) миллатни ташкил этадиган турли ижтимоий субъектлар (қатламлар, синфлар, ташкилотлар ва бошқалар) ўзаро муносабатлари ва фаолиятида кўзга ташланиб туради, бу жараёндаги умумий мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун ғоявий асос бўлади;

в) моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян мақсад ва идеал сифатида юзага келади,

миллатдошлар учун ушбу мақсад ва идеалларга етишиш йўлидаги ҳаракат дастури, ижтимоий жараёнлар учун тарихий зарурият сифатида ўзига хос аҳамият касб этади;

г) ижтимоий ривожланиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб боради, доимий янгиланиб туради, шу билан бирга, ворислик орқали авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Миллий ғоя ва ғоялар тизими миллатнинг ўзи тарих силсилалари, замона зайллари, турли ижтимоий, жараёнлар орасидан ўтмишдан келажакка томон ўтиб туради. Бу жараён кўп ҳолларда миллатнинг этник хусусиятлари ва у яшаётган макон билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Халқларнинг ижтимоий тараққиёти эса миллий-этник ғояларнинг равнақи билан узвий алоқадорликда давом этади, ҳар бир халқ ёки миллат ўзига хос, ранг-баранг ғоялар тизимини яратиб, такомиллаштириб, уни ривожлантириб боради.

Миллий ғоя ўз табиатига кўра тор доирада сақланиб қолмайди, балки равнақ топиб, турмуш жараёнида муттасил такомиллашиб, бошқа халқлар ютуқлари ва тажрибалари билан бойиб боради. Ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг мақсад ва идеалларида, уларга етишиш борасидаги фаолиятида ўзига хослик бўлади. Агар ана шу ўзига хосликни ўша аҳоли қадрласа, бундай ўзига хослик билан боғлиқ ғоявий тамойилларни бошқа жойда, бошқача тарзда яшаётган кишилар тарозуси билан ўлчаш ёки бу масалада бошқалар ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Ғоялар амалиётининг умуминсонийлик тамойили фақат ўз халқини ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва унинг ғояларини бошқалар орасига ёйиш учун интилишга асосланмайди, балки ҳар бир халқ, элат, миллатни қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қабул қилиб, уни ҳурмат қилиш лозимлигини англатади.

Ҳар бир миллатнинг ўз ғоялар тизими, маънавий ҳаёт нормалари бор. Сон жиҳатидан кўп ёки камроқ халқ бўлиши

мумкин, аммо ғоялар соҳасида бир-биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, бой мероси, миллий қаҳрамонлари, бошқа миллат томонидан таҳқирланишига йўл қўйиб бўлмайдиган эзгу интилишлари, ғоялари, турмуш тарзи ва қон-қардошлик белгилари мавжуд. Ҳеч қайси миллатнинг ўзга миллат ғоялари ва фаолиятини баҳоловчи ҳакам бўлишга ҳаққи йўқ. Бирор-бир ғоя, мафкура, таълимот, давлат шакли ёки сиёсий яшаш усулини қабул қила олмагани учун ҳеч қачон у ёки бу миллат айбдор эмас. Шу маънода, умуминсонийлик бир миллат ғоя ва мафкурасини бутун оламга ёйиш йўли билан эмас, балки ҳамма миллат ва элатларга хос жиҳатларни асраб-авайлаш, тарих сақлаб қоладиган хусусиятларини ҳурмат қилиш ва Ер юзидаги миллий ранг-барангликни табиий ранг-баранглик билан узвий алоқада эканлигини англаш йўли билан бойиб боради.

Миллий ғоя хилма-хил шаклларда, бу шаклларнинг бир-бири билан узвий алоқаси тарзида намоён бўлади, ўзига хос тизимни ташкил қилади. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қон-қардошлик, маданий-маънавий яқинлик, ўтмиш ва маънавий мерос, она-юрт туйғуси ва бошқалар билан боғлиқ ғоялар нисбатан барқарор ҳисобланади. Улар миллий ғоя тизимида тарихий жараёнлар давомида тез ўзгариб турадиган баъзи кундалик ёки амалий аҳамиятга молик тушунчаларга нисбатан ўз ўрни ва аҳамиятини узоқроқ сақлаб қолиши билан ажралиб туради. Миллатнинг тарихий-этник хусусиятлари ва белгиларининг ижтимоий аҳамияти ҳамда шу миллат кишиси учун зарурлиги билан боғлиқ ғояларни сақлаб қолиш лозимлиги табиий ҳолат ҳисобланади.

Миллий ғоя нисбатан барқарор ҳолатда миллатнинг қуйидаги белгилари билан боғлиқ намоён бўлади:

1. Миллатнинг мавжудлигини таъминлаш эҳтиёжи, унинг табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги (генофонди).

2. Миллатнинг тарихи, бугуни, келажаги, моддий ва маънавий мероси.

3. Миллий ҳудуд ва яшаш шароитлари, иқтисодий асос, ижтимоий-сиёсий тузум ва улар билан боғлиқ миллий туйғулар, мақсадлар, идеаллар.

4. Урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик билан боғлиқ хусусиятлар.

5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг, миллий руҳ ва бошқалар.

Миллий ғоя тушунчасининг таҳлилида, аввало, муайян миллат вужудга келиши, ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ табиий тарихий жиҳатларга эътибор бериш лозим. Ҳар бир миллат — ўзини ташкил қилган кишилар учун, аввало, табиий-тарихий бирлик сифатида аҳамиятли. У оламдаги бошқа турли-туман халқ, элат ва миллатларга ўхшамайдиган ўзига хос, бетакрор хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар қандай миллат тарихий тараққиёт ва ривожланиш жараёнида янгиланиб, ўзгариб борадиган ранг-баранг қатламлар, синфлар ва бошқаларнинг узвий уйғунлигини ифодалайдиган ижтимоий бирлик ҳамдир. Миллий ғояда ана шуларга хос барча жиҳатлар, тушунча ва тамойиллар ифодаланиши шубҳасиз.

Глобаллашув жараёнларини ва миллий тараққиёт ижобий муаммолари Инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши, ғоялар амалиётининг умуминсоний хусусият касб этиши натижасида содир бўлаётган жараёнларнинг оламшумул аҳамияти «глобаллашув» тушунчасида ўз ифодасини топмоқда. Дунёга янгича оламшумул нуқтаи назарнинг вужудга келиши, коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялар оқими билан боғлиқ янги жараёнлар,

универсал технологияларнинг тарқалиши глобаллашувнинг асосий омилларидир. Унинг такомиллашиб бориши, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва миллий-этник жараёнларни тезлаштирди. Айниқса, ахборот ва иқтисод, молия ва ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви халқлар ва давлатлар, корпорация ва шахслараро алоқаларни кучайтирди, натижада халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосланган умумбашарий тамойилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Илмий билишнинг «Глобалистика» ва «Антиглобалистика» соҳалари, глобалистлар ва антиглобалистлар ҳаракатлари пайдо бўлди. Шу билан бирга, бугунги кунда глобаллашув, ахборот ва Интернет технологиялари соҳасидаги ўзгаришлар уларни фалсафий тушунтиришдан анча илгарилаб кетди. Замонавий фалсафа асосан бу ўзгаришларни, нари борганда, қайд қилиш билан шуғулланмоқда, холос. Глобализм туфайли келиб чиқадиган муаммолар нафақат фалсафа нуқтаи назаридан, балки миллий давлатчилик, халқларнинг мустақил тараққиёти, ўзлигини сақлаш зарурати сифатида пайдо бўлаётган масалалар доирасида ҳам ўрганилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, глобализация жараёнларини ғоялар фалсафаси нуқтаи назаридан ҳам чуқур ўрганишни талаб қилмоқда. Айниқса, кейинги даврда «Ушбу жараён миллий чегаралар ва миллий манфаатларга хавф солмайдими?», «У халқларнинг минг йилдан буён сақланиб келаётган миллий ва минтақавий анъана ҳамда урф-одатлари тизимини йўқ қилиб юбормайдими?» деган хавотирлар кўзгусида бу масаланинг фалсафий талқини ва ташбеҳи, ниҳоятда, муҳим аҳамият касб этмоқда. Айрим Ғарб олимлари томонидан илгари сурилган концепцияларнинг мазмун-моҳиятига назар соладиган бўлсак, бу хавотирлар бежиз пайдо бўлмаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, Карл Поппернинг «очиқ жамият» концепциясида ҳар қандай жамоавий мазмун, умумий ўтмиш, яхлит уйғунлаштирувчи қарашлар тизимига эга бўлмаган, диний, этник, синфий,

сиёсий, ижтимоий ва маънавий негизларга таянмаган жамиятни барпо этиш ғояси илгари сурилади.

Илмий адабиётларда ҳозиргача глобаллашувнинг иқтисодий омилларига кўпроқ эътибор қаратиладиган эди. Ҳақиқатда, иқтисодий омил катта аҳамиятга эга, аммо бу ягона омил эмас. Чунки глобаллашув жараёнлари ҳаётнинг барча жабҳалари – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларини қамраб олади. Шу маънода, глобаллашув инсоният ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қилиб, мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига, алоҳида кишиларни эса бутун дунё универсал технологиялари ва ахборот тизимларига боғлади. Натижада, илм-фан ва инсон билиши чегаралари кенгайиб, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, суғурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар пайдо бўлди (турли ахборот тизимлари, Интернет, уяли алоқа). Булар эса, ўз навбатида, янги назорат воситаларини яратишни талаб этади. Бугунги кунда иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик, интеллектуал мулк, Интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашувнинг электрон коммуникация инқилоби натижасида ижтимоий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар, трансмиллий корпорациялар фаолияти халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши, жаҳон миқёсида капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг ташкил топиши билан боғлиқ асосий белгилари яққол намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсидаги бундай умумий глобал тараққиёт одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсирининг кучайиши билан тавсифланади. Бу эса давлатлар ва халқлар ўртасида

алоқаларни кучайтирган ҳолда, айтилиши вақтда миллий хусусиятлар, анъаналар ва маънавий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил сиёсий тараққиёт тамойиллари таъсирини муттасил ошириб бориш зарурлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Давлатларро ва ҳукуматга дахли бўлмаган турли халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ошиб, дунё янги тизимга ўтиши даврида уларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ этиш эҳтиёжи туғилди. Дастлаб халқаро ташкилотларнинг фаолияти, асосан, давлатларнинг ўзаро муросасини таъминлашга қаратилган эди, холос. Бугунги ҳолат халқаро ташкилотлардан энг йирик муаммоларга аҳамият беришни, жараёнлар ичига кириб боришни, таъсир доирасини кенгайтиришни талаб этмоқда. Бироқ чуқурроқ фикр юритганда, «глобаллашув» жаҳон тараққиётига кўрсатадиган ижобий таъсир билан бир қаторда, жиддий тафовутларни ҳам келтириб чиқараётгани, бу ҳол башарият тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биринчидан, бу баъзи мамлакатларнинг технологик ютуқлар соҳасида мутлақ илғорликни қўлга киритганлиги асносида сайёрамиз захираларига ҳам, инсоният ҳаёти ва фаолиятига ҳам жаҳон миқёсида фаолият юритаётган трансмиллий корпорациялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Иккинчидан, ҳозирги даврда аксарият мутахассисларнинг назарида, глобаллашув дунёда ижтимоий тенглик ғоясининг тантанасига эмас, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий тафовутларнинг янада чигаллашувига олиб келмоқда. Уларнинг фикрича, ривожланган мамлакатлар аҳолиси даромадларининг даромади паст ва ўрта даражали мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасига нисбатан илгарилаб ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда. Агар аср бошида (1913 йил) дунё аҳолисининг энг бой мамлакатларда

истиқомат қиладиган бешдан бир қисми билан энг қашшоқ мамлакатларда яшовчи бешдан бир қисмига тегишли бойлик орасидаги нисбат 11:1 ни ташкил қилган бўлса, 1960 йилда ушбу фарқ 30:1 га, 1990 йилга келиб эса 60:1 гача ўсди ва ҳамон жадал ортиб бормоқда. 1997 йилда у 74:1, 2008 йилда эса 78:1 нисбатни ташкил қилди. Ушбу тамойилнинг асосий сабабларидан бири аҳоли даромади паст мамлакатларда, аввало, хом ашё товарларига асосланган ишлаб чиқариш ва экспорт шаклланганидир.

Учинчидан, глобал иқтисодий жараёнларнинг таъйиқига бардош бера олмай, узоқ вақт мобайнида жаҳон силсиласининг «қуйи қаватлари»дан чиқиб кета олмаётган мамлакатлар жиддий ижтимоий ва фуқаровий низолар хавфи остида қолмоқда. Баъзи Африка мамлакатларида доимий равишда кечаётган маҳаллий фуқаролараро урушлар, давлат тўнтаришлари, қатор Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ҳукм сураётган беқарорлик бунинг ёрқин мисолидир.

Тўртинчидан, жаҳондаги иқтисодий ва ижтимоий ноте-кислик энг қашшоқ мамлакатлардан бадавлат мамлакатларга миграция оқимини кучайтирмоқда. Бунда «тафаккурнинг оқиб кетиши» туфайли малакали кадрлар тайёрлаш бўйича харажатлар ривожланаётган мамлакатлар зиммасига тушади, фойдани эса ривожланган мамлакатлар олади.

Бешинчидан, замонавий ахборот ва мулоқот воситалари ёрдамида улкан майдонга айланган жаҳон молия бозори инсоният ҳаётида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу, айниқса, бутун жаҳонни қамраб олган молиявий инқироз шароитида яққол намоён бўлди.

Олтинчидан, жинсий муомалага ҳар қандай, мисли кўрилмаган даромад келтирувчи «мол»ларни, яъни қуроляроқ ва гиёҳванд моддалардан тортиб, инсон тана органларигача бўлган товарларни жалб қиладиган трансмиллий жинсий, шу жумладан, мафия тузилмаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ салбий жараёнлар глобал миқёсда рўй бермоқда.

Буларнинг барчаси нафақат ривожланаётган, балки бошқа давлатлардаги кўпгина одамлар глобаллашув жараёнига эҳтиёткорлик билан ёндашаётганининг сабабини изоҳлайди. Глобаллашувни четлаб ўтиш мумкин эмас, у жамият тараққиётидаги тарихий жараёндир. Лекин жамиятдаги муайян унсурлар ҳамда тузилмаларга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик ХХІ аср халқлари ва давлатлари олдида турган муҳим вазифага айланди. Афсуски, янги асрда ҳам дунёда барқарорлик, ижтимоий тенглик тамойиллари тўлиқ қарор топаётир, дейишга асос йўқ. Шу ҳолни англашнинг ўзи инсоният тараққиётининг самарали технологияларини излашни давом эттиришга ундайди.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва уларни ҳал этиш зарурати янги цивилизациявий сифат ўзгаришини тақозо этмоқда. Бу жараён моҳиятини англаш учун унинг жадаллигига, чуқурлиги ва миқёсига эътибор бериш лозим. Зеро, ўнлаб ва ҳатто юзлаб йиллар давомида ўзгармас бўлиб кўринган ижтимоий муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлмоқда. Кўламига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтаётгани йўқ.

Хўш, глобал дунёнинг шакл-шамойили қандай бўлади? Ҳозирги дунёда кадриятларнинг барча соҳаларда аҳамияти тан олинган ва қабул қилаётганини ўрганган футуролог-мутахассислар ахборот-техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси ҳақида башорат қилмоқдалар. Бошқа мутахассислар эса «Информацион жамият» атамасини қўллашмоқда.

2.2. Мафкуравий онг ва ғояларнинг ёш авлодни турли хил ғоявий таҳдидлар таъсиридан мафкуравий ҳимояси

Ҳозирги замон фалсафасида «мафкуравий онг» тушунчаси бир неча маъноларда қўлланилади. Моҳиятига кўра, мафкуравий онг тарихий, ижтимоий-фалсафий,

иқтисодий, социологик ғоя ва қарашлар билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Уни муайян ғоявий мақсадлар, мафкуравий мўлжаллар, шу соҳадаги турли қадриятлар, далил, мақсад ва мазмунни акс эттиришига кўра онгнинг бошқа шаклларида фарқлайдилар. Мафкуравий онгнинг предмети инсоннинг ғоя ва мафкура соҳасидаги турли шаклларда намоён бўладиган, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фаолиятидир. Шу маънода, «мафкуравий онг» тушунчаси ижтимоий жараёнларнинг таркибий қисми бўлган, ғоявий, мафкуравий ҳодисалар ривожланиши, тараққиёти қонунлари, сабаб ва манбаларини аниқлашга қаратилган онг шаклини ифодалайди.

Мафкуравий онг ҳақида сўз борар экан, энг аввало, масаланинг икки жиҳатига эътибор қаратиш керак. Биринчидан, ҳар қандай мафкуравий онг жамиятда пайдо бўлади, шаклланади ва маънавий-маданий асосларга таянади. Бу ҳар қандай мафкуравий онг ижтимоийдир, яъни у инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ, деган маънони англатади. Иккинчидан, мафкуравий онг инсон онги шаклларида биридир, яъни у жамиятни, ижтимоий жараён ва ҳодисаларни ғоявий нуқтаи назардан англаш натижасидир. У онгнинг бошқа шакллари – табиатни англаш (табиатшунослик) ва тафаккурдан (гносеология, мантик) фарқ қилади. Аслида, улар орасида чегара йўқ, балки шу асосларда иш кўрадиган, фаолияти мазкур йўналишлар билан боғлиқ бўлган кишилар ҳамда мутахассисларнинг онги ва дунёқарашида фарқ бор.

Шу маънода, мафкуравий онг асос бўлган гуманитар тафаккур соҳибларининг дунёқараши, фикри, фаолиятида ўзига хослик борлигини инкор этиб бўлмайди. Худди шундай технократик ва гуманитар дунёқарашга эга бўлган кишиларда ҳам шу тарздаги ўзига хослик кўзга ташланади. Баъзан онгида технократик фикрлаш устувор бўлган одамлар эришилаётган ютуқ, кашфиёт инсон учун, унинг

камолоти учун хизмат қилиши лозимлигини унутиб қўяди. Иккинчи томондан эса аксарият гуманитар соҳа вакиллари учун техник ва табиий йўналишдаги қонун-қоидаларнинг мазмуни тушунарсиз, уларнинг моҳияти қоронғудек бўлиб туюлади ва шундайлигича қолиши ҳам мумкин.

Аслида бундай қарашларнинг илдизи узоққа бориб тақалади. Масалан, ўрта асрлардаги механицизм оқимида бу яққол кўринади. Хусусан, XVII–XVIII асрларда, яъни механика фани энг ривожланган фан ҳисобланган даврларда гуманитар фанлар методологиясига механик қарашларнинг таъсири кучли бўлган. Бироқ, бу таъсир қанчалик кучли бўлмасин, фақат ўз даврида, аниқ фанларга хос назарий-методологик асосларнинг ривожланганини ҳисобга олган ҳолда тарихий характерга эга бўлган эди, дейиш мумкин. У даврда ижтимоий ҳодисаларни ғоявий-мафкуравий англашнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги ҳали тўла англаб етилмаган эди. Масаланинг бу жиҳатини таҳлил қилар эканмиз, бу борада айниқса, Марказий Осиё илмий тараққиётида гуманитар ёки табиий-техник хусусият устуворлик қилган дунёқараш соҳибларининг бир-бирларига қарама-қарши турмаганининг гувоҳи бўламиз. Маънавийлик ва маърифатпарварликка асосланган, гуманизм ғоялари устувор бўлган Марказий Осиё цивилизациясида бу икки жиҳат уйғунлашган ҳолда умумий яхлитликда намоён бўлади. Айнан шу жиҳат, бир томондан, ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний каби илоҳиёт илми алломаларининг, иккинчи томондан эса Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва уларнинг издошлари мансуб бўлган илмий йўналиш вакиллариининг бир диёрда замондош бўлиб яшаб, ижод қилишлари учун имкон яратган. Ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий ғоялардан бохабар бўлган Қозизода Румий ва Алишер

Навоий, Али Қушчи ва Бобур Мирзолар фаолияти ҳам бунга яққол мисолдир.

Яна бир йўналиш тарафдорлари айнан мафкуравий онг шаклларига мос ўзига хосликни топишга ҳаракат қилганликларидан гувоҳлик беради. Бу интилиш Баден мактаби вакиллари (Виндель-банд, Риккерт) ижодида намоён бўлди. Мафкуравий онгнинг риккертча концепцияси XX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий фанлар мантиқи ва методологияси билан шуғулланувчиларгагина эмас, балки файласуфлар, мантиқшунослар, тарихчилар, сиёсатшунослар учун ҳам бу соҳада муаммолар борлигини англашга ёрдам берди. Яъни, мафкуравий жараёнларга оид тамойиллар ҳақиқийми, улар воқелик қонунларига мосми, деган масалалар устида бош қотириш зарурати пайдо бўлди. Бу масалалар умуминсониятга тегишли экани, уларнинг ечими мафкуравий онг ва гуманитар дунёқараш учун умумий бўлгани учун ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Мафкуравий онгнинг моҳиятини тушунишда ижтимоий онгга тегишли бўлган барча жараёнлар унга ҳам хос эканини эътироф этиш жоиз, албатта. Далилларни изоҳлаш ва умумлаштириш (эмпирик босқич), тадқиқ қилинадиган ҳодисаларни тушунтириш, уларнинг қонун ва сабабларини аниқлаш, назарий ва мантиқий таҳлил, башорат қилиш ва бошқалар мафкуравий онг учун ҳам умумий жиҳатлардир. Бу, бир томондан, мафкуравий онгнинг барча онг шакллари билан ўзаро алоқадорлигини, иккинчи томондан эса унда ўзига хос алоҳида хусусиятлар, турлича намоён бўлувчи ички фарқлар мавжудлигини ифодалайди. Бундай хусусиятлар ижтимоий ҳодисаларни мафкуравий англашда яққол кўринади.

Ҳаётда яратилаётган нарсалардан кимлар фойда кўрмоқда, улар қайси ғоялар ва қандай мақсадларга хизмат қилади, деган саволлар ҳам бор. Масаланинг ушбу жиҳатини ҳисобга олмаслик методологик хато

бўлгани сингари, мафкуравий онгнинг моҳияти ва унинг методларини мутлақлаштириш ҳам идеологизмга сабаб бўлади, бу борада нотўғри хулосаларга олиб келади. Бу масалага аниқлик киритиш учун мафкуравий онг тарихига, тўғрироғи, унинг ўтмишда шаклланган фалсафасига муурожаат қилиш зарур.

Мафкуравий онг соҳасидаги методологиянинг шаклланиши икки асосий йўналишга эга: 1) ғоя ва мафкуралар тарихи соҳасида; 2) ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида. Мазкур йўналишларнинг мазмуни, характери ва муаммолари инсоният тараққиёти жараёнида мазмунан бойиб, такомиллашиб борган. Ҳозирги кунда «ғоялар тарихи» атамаси қуйидаги мазмунларга эга:

а) ғоялар тарихи, унинг бир бутунлиги ва такомил босқичлари ҳақидаги илмлар мажмуи;

б) ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг узвий бирлигини умумий ғоявий-мафкуравий жараён сифатида талқин этадиган назария;

в) ғоялар билан боғлиқ жараёнларни рационал восита ва методлар билан тадқиқ қилувчи фаннинг таркибий қисми, яъни мафкуравий эпистемология;

г) мафкуравий онг ва дунёқараш, шу соҳадаги таълимот ва назариялар ҳақидаги концепциялар мажмуи.

Ғоя ва мафкуралар тарихини бир бутун ҳолда тасаввур қилиш бу соҳадаги ёндашувнинг мезони ҳамда мақсади ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳани фалсафий жиҳатдан ўрганишда унинг яхлитлиги масаласи энг асосий муаммо сифатида қаралади.

Маълумки, барча фанлар (улар классификациясининг мезонларидан фарқли ўлароқ) умумийлик хусусиятига эга. Улар маълум даражада далилларга таянади ва муайян қонунларни англашга интилади, уларни мантиқ асосида назарияга айлантириш ёки инкор қилишга ҳаракат қилиб, турли гипотезаларни илгари суради. Яъни, барча

фанлар мавжуд илмий далиллар асосида турли метод ва воситалардан фойдаланади. Билиш шакллари ва турларининг узвий бирлиги уларнинг ҳар бирида акс этадиган ўзига хос хусусиятлар ва фарқлар мавжудлигига ҳалал бермайди. Ана шу жиҳатдан мафкуравий жараёнлар ва ҳодисаларни пайдо бўлувчи, ривожланувчи ва ўзгарувчи жараён сифатида таҳлил қилишга асосланган тарихийлик тамойили алоҳида аҳамиятга эга. Бунда жамият стандарт ҳолатда эмас, балки унда содир бўладиган ҳодисалар чексиз такрорланиш, баъзида қайтарилмас, турли-туман ҳолатда талқин қилинади.

Гоя ва мафкуралар, уларнинг шакллари билан боғлиқ амалиёт ва унинг хусусиятларини ўрганар экан, баъзи муаллифлар бу соҳага хос жараёнларни англаш қийин ва мураккаб, деб ҳисоблайди. Бу соҳада мафкуравий онгга тегишли ва қуйидагича намоён бўладиган қонунийлик, умумийлик, яккалик, индивидуаллик муносабатлари ниҳоятда муҳим:

а) гоя ва мафкура соҳасида ўзига хос тамойиллар ва қонунлар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш ва фойдаланиш мафкуравий онгнинг асосий мақсадларидан биридир. Бу қонунларни билмасдан туриб, мафкуравий онгнинг предметини ажратиб олиш мураккаб вазифага айланади, шу соҳада ишлашни қийинлаштиради ва кўп ҳолларда масаланинг моҳиятини англашга ҳалақит беради;

б) мафкуравий жараёнлар ва ҳодисаларнинг тез ўзгарувчанлиги, уникалиги, такрорланувчанлиги бу соҳадаги умумий қонуниятларга дахлдор эканлигини аниқлаш учун зарурат қолдирмайди. Чунки, биринчидан, ҳар қандай яккалик маълум даражадаги умумийлик бўлиб, ҳар қандай уникаллик ўзида универсаллик элементларини мужассамлаштиради. Иккинчидан, жамиятда соф яккалик, уникаллик мавжуд бўлмайди. Улар доимо бошқа яккаликлар билан ўзаро таъсир тизимида бўлади;

в) ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ амалиёт маълум маънода индивидуаллашгани учун уни структуралаштириш ҳамда типлаштириш қийин, бу унинг аниқ ифодаси ва моделини яратишни мураккаблаштиради. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, бу соҳага доир фикрлаш, унинг асосидаги мулоқот ва тил икки хил тарзда намоён бўлади. Биринчиси — ҳаётда ишлатиладиган сўзлар кўп учрайдиган жамоа тили бўлиб, масалалар моҳиятини содда тушунтиришга мўлжалланган. Иккинчиси эса ғоялар фалсафаси соҳасига оид тадқиқотларнинг мураккаб терминологик тили бўлиб, илмий-назарий фаолиятга мўлжалланган.

Илмий фалсафий нуқтаи назардан мафкуравий онг предмети ҳар қандай ҳолатда ҳам нафақат «субъект-объект» муносабати, балки «субъект-субъект» муносабати ҳамдир. Қадимги замон мутафаккири Софокл мажозий маънода ифодалаганидек, одамлар ҳаётда ўзлари яратадиган драманинг ҳам муаллифи, ҳам актёрларидир. Оламда ўзининг фойдаси учун ҳам, заволи учун ҳам кўп ва мураккаб нарсаларни, бир томондан, энг бунёдкор, иккинчидан эса энг бузғунчи мафкураларни моҳирона яратишда инсонга тенг жонзот йўқ. Биринчи камон ўқидан атом бомбасигача, биринчи сиртмоқдан компьютергача, биринчи тузоқдан космик кемаларгача бўлган йўлни фақат инсон босиб ўтган.

Хуллас, ҳар қандай мафкуравий онг предметида субъект мавжудлигини инкор қилиш мумкин эмас. Шунинг учун мафкуравий онгнинг асосий вазифаси — ўзига ўхшаган бошқа «мен»ни, яъни одамни объект сифатида эмас, балки бошқа субъектни, унинг субъектив фаолиятини, ўзга одамлар, ижтимоий бирликлар (субъектлар) фаолиятини реаллик сифатида тушунмоқдан иборат. Субъектнинг ижтимоий мафкуравий онг предметиға киритилиши бу предметнинг ниҳоятда мураккаблигининг ифодасидир. Бунда маънавийлик ва эмоционаллик, стихиялилиқ ва онглилик, рационаллик ва иррационаллик ўзаро

алоқадорликда намоён бўлади. Бу соҳада турли манфаат ва эҳтиёжлар, хилма-хил мақсад ва идеаллар шаклланади, амалга ошади ёки бир-бирига зид келиб қолади.

Демак, бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам субъектни мужассамлаштириши, улар орасидаги фарқ, баъзида зиддият реаллик эканлигини унутмаслик керак. Бунда мафкуравий онг субъекти фаолиятининг ижтимоий характерга эга бўлган объектларга нисбатан татбиқ этилиши синергетикада кўп учрайдиган вазиятлар билан ифодаланиши мумкин. Ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги ёки беқарорлигида ҳар бир кишининг ҳаракати ўз ўрнига эга, у қай тарзда бўлмасин, барибир макроижтимоий жараёнларга таъсир этади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кишининг ягона ижтимоий тизим, яъни умумий фаолиятда ўз ўрни борлигини англатиб, унинг жамият тақдирига масъул эканлигини билдиради. Бу аниқ бир шахснинг фаолияти макроижтимоий жараёнлар ва тараққиётга таъсир қилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тасаввурларнинг унчалик илмий эмаслигини кўрсатади. Энг кичик заррачалар, атомлар умумий табиий мувозанатга унчалик таъсир кўрсатмайди, деб ўйловчилар ҳам хато қилади. Зеро, энг кичик заррачанинг ҳам, оддий бир шахснинг ҳам жамиятда, айниқса, мафкуравий жараёнларда ўз ўрни, аҳамияти бор, албатта. Илм-фаннинг вазифаси бунни тўғри англаш, ҳолисона талқин қилишдан иборат. Гоҳида бир киши тараққиётга туртки бергани ёки тўсиқ бўлиб қолгани сингари, бир мосламанинг арзимасдай бўлиб кўринган кичик элементини ишлатиш улкан қурилишлар учун зарур техникани юритиб юбориши ёки минглаб одамларнинг ёстиғини қуритадиган бомбаларни портлатиш учун сабаб бўладиган қайтмас жараёнларни бошлаб юбориши ҳам мумкин. Архимед чўмилмоқ ниятида тушган ваннадан унинг сувга ботган танасининг ҳажмига тенг бўлган микдордаги сувни сиқиб чиқариши билан боғлиқ қонуниятни кашф қилганда, ушбу кашфиёт кейинчалик

осмонўпар биноларни қуриш мураккаб механизмларни ҳаракатга келтириш учун замин бўла олишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Мафкуравий онг инсон яратадиган ғоя ва мафкуралар соҳасининг мазмунини, унинг хилма-хил жиҳатлари ҳамда қадриятли моҳиятини англашга қаратилган. Агар инсон учун бирор нарсанинг қадри ва аҳамияти бўлмаганида эди, одамзод ҳеч қачон уни ўрганмаган бўлар эди.

Шу жиҳатдан олганда, мафкуравий онгда аниқ далил ва рақамлардан кўра ғоявий жиҳат, яъни шу соҳанинг талаблари ва тамойиллари асосида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бошқа соҳа ва фанларда эса далил ва рақамлар асосидаги натижавий кўрсаткичлар асосий бўлиб, масаланинг мафкуравий жиҳати, яъни ғоявий баҳолаш билан боғлиқ жиҳатларини иккинчи даражали ёки фойдасиз, деб тушуниш ҳоллари ҳам учрайди.

Мафкуравий онгнинг намоён бўлишида ёш авлоднинг бу соҳани, унга мансуб воқеа ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тушунишнинг оддийлиги, тўхтовсиз жараёнлиги ҳақидаги тасаввурлар узок вақт мобайнида унинг мураккаб ва серқирра ҳодиса эканлигини тан олишга ҳалақит берган. Одатда, бу тушунчага таъриф берилмайди, аксарият ҳолларда унинг гарменевтика учун асосий манба эканлиги таъкидланади, холос. Бироқ, унинг аҳамиятига эътибор бермаслик, герменевтик мулоҳаза ва хулосалардаги иштирокини мутлақо инкор этиш мумкин эмас. Тушунишни англаш, интуиция ва идрок билан ҳам аралаштириб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳаммаси тушуниш жараёнида иштирок этади. Изоҳлаш, тушунтириш, талқин билан бир қаторда тушуниш ғоя ва мафкура соҳасини чуқур англаш, ундаги воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини ҳар томонлама билиб олиш ва амалиётда бундан фойдаланиш жараёнининг асосий омилларидан биридир.

Кўп ҳолларда тушуниш англаш билан, яъни инсоннинг муайян мазмунни аниқлаши билан боғлиқ. Шунинг учун тушуниш муайян мазмунни эгаллаш бўлиб, ҳар қандай мафкуравий онг фаолияти учун ғоявий мақсад тарзида намоён бўлади, дейиш мумкин. Бу соҳадаги тушунишнинг зарурий жиҳати икки аснода намоён бўлиши мумкин. Биринчиси, тушуниш жамият ҳаёти ва конкрет инсон фаолияти учун зарур бўлган ғоя ва мафкура, шунга мос тушунча ва тамойиллар мазмунини билиб олиш ҳамда ушбу мазмуннинг ўзгаришини англаш сифатида рўй беради. Иккинчиси, бу ўзидан бошқа кишиларнинг ушбу мазмунлар дунёсига кириши, уларда ҳам ўзи ишонадиган, эътиқод қиладиган ғоя ва мафкурага нисбатан ишонч ҳамда эътиқодини шакллантириш билан боғлиқ.

Афсуски, айрим кишилар, айниқса айрим ёш авлод вакиллари мазкур соҳани, унинг қонунлари ва тамойилларини яхши тушунмаганлари, баъзида назарга илмаганлари оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўяди. Улар атрофларида содир бўлаётган ғоявий ва мафкуравий воқеа-ҳодисалар тасодифан, ўз-ўзидан рўй бераяпти, деб ўйлайди. Ўзлари эса уларнинг гирдобига, яъни баъзи ёт ва бегона ғоялар таъсирига беихтиёр тушганликларини билмай қолади. Аслида, бузгунчи мафкуралар айнан ана шундай кишиларни тузоқларига илинтириш ва ўз мақсадлари йўлида улардан фойдаланишга ҳаракат қиладди. Бундай ҳолларда ёш авлодларга асл мақсадни тушунтириш эмас, балки уни хаспўшлаш, риёкорлик қилиш, чалғитиш учун кўпроқ ҳаракат қилинади. Инсоният тарихи бундай ҳаракатларга кўп бор гувоҳ бўлганидек, унинг энг янги тарихи ҳам бундан истисно эмас.

Демак, ғоя ва мафкура соҳасидаги тушуниш муайян ҳодисанинг мазмуни, унинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни, мафкуравий воқеликка хос ягона тизимдаги функциясини англашдир. Бу борада ҳам тушуниш тушунтиришдан фарқ

қилади, чунки мафкуравий онгда аниқ шахслар, улар фаолияти, фикри, ҳиссиёти, мақсад ва истаклари хилма-хил тарзда акс этади. Айни пайтда тушунишни тушунтиришга қарама-қарши қўйиш, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Зеро, улар умумий мафкуравий жараён ва тадқиқотнинг икки йўналиши бўлиб, бир-бирини тўлдиради, тақозо қилади.

Мафкуравий онгда объект ва субъектнинг серқирра ҳамда мураккаб алоқаси мавжуд бўлади, яъни доимий акс эттиришни акс эттириш юз беради. Шу маънода таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мафкуравий жараёнда фикрлар ҳақида фикр, сўз ҳақида сўз юритилади, тушунча ва тамойилларнинг мазмун-моҳияти тавсифланади ва изоҳланади. Мафкуравий онг бундан бошқача амал қилиши мумкин эмас, зеро, инсон доимо бошқаларнинг ўзига ўхшашини ёки ўзининг бошқага ўхшашини хоҳлайди. Яъни, мафкуравий онг шу йўналишдаги тафаккур асосида шаклланадиган фикр, мулоҳазанинг асоси бўлган мақсад ёки идеални яратади, ўз соҳибини унга интилишга ундайди.

Ғоя ва мафкура асосида шаклланадиган онг ва семиотика (юнон. белги) имкониятлари алоҳида ўрин тутати. Бу соҳада белги ва белгилар тизимидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Белги инсон онгида тимсол, қадрият сифатида акс этади. Инсон олами фақат ижтимоий эмас, балки белгилар, тимсоллар, шакллар дунёси ҳамдир.

Мафкуравий дунёқараш шаклланишида диалог ҳам муҳим аҳамиятга эга. Диалог — икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг суҳбати ёхуд улар орасидаги оғзаки мулоқотнинг ёзма тарзда мустаҳкамланиши бўлиб, уларнинг ўзаро тушуниш ва тушунтиришга табиий интилиши тарзида намоён бўлади. Бу интилиш ғоя ва мафкураларнинг амалиёти жараёнида янада ёрқин тарзда ифодасини топган. Айнан диалог орқали субъектларнинг ўзаро тушуниши шаклланиб, такомиллашиб боради. Ғоҳ

бу жараёнда икки хил қараш намоён бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам мутлақ ҳақиқат бўлмайди. Зеро, ҳар бир инсон олам, ижтимоий жараён, сиёсат ҳақида ўз фикр ва позициясига эга. Бу мафкура соҳасида риторикага қизиқишнинг ортиши, оғзаки диалог маданияти шаклланиши зарурлигини исботламоқда. Мафкуравий риторика муайян ғояни амалга ошириш бўйича мулоқот тили ва модели сифатида қаерда, қачон ва нимани гапириш (нотиқлик санъати) кераклигини ифодаловчи тизимдир. У ҳозирги замоннинг мафкуравий қиёфасини изоҳлашда самарали фаолият воситаларидан бири сифатида шахсий позицияни ҳимоя қилишда ижодий потенциални юксак даражада оширишни талаб қилади. Бошқа қарашларни эътироф этиш ёки тан олмаган ҳолда хилма-хил позицияларни идрок қилиш ва уларга эътиборни қаратиш зарурлигини ҳам ўзида акс эттиради.

Мафкуравий онгда фалсафа ва унинг методлари алоҳида ўрин эгаллайди. Унда нафақат онтологик балки мантикий гносеологик жиҳатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда фалсафий тафаккур ва методларнинг ўрни шундаки, мафкуравий муносабатлар таҳлил қилинганда микроскоп ва кимёвий реакциялардан фойдаланилмайди, улар ўрнини тафаккур кучи эгаллайди. Ушбу тафаккур табиий фанларда асосий ҳисобланган тажрибанинг ўрнини эгалласада, ижтимоий фанларда унинг қўлланилишига монелик қилмайди. Шунинг учун, табиий фанларнинг тараққиёти кузатиш ва тажрибанинг мукамаллашувига боғлиқ бўлгани сингари, мафкура соҳасида олиб бориладиган тадқиқотлардаги ютуқлар тафаккур мантигининг мукамаллашуви, мафкуравий онг тамойилларининг онгли ва моҳирона қўлланиши билан боғлиқ.

Мафкуравий онгда диалектиканинг муҳим аҳамиятини нафақат Гегель, балки XX аср файласуфлари Т. Адорно, Г. Гадамер ва бошқалар ҳам таъкидлаган. Масалан, Т. Адорно

«Ижтимоий фанлар мантифига доир»¹ асарида жамият ҳақидаги фанлар диалектик ёндашув асосида шаклланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жамият бир вақтнинг ўзида зиддиятли ва ноаниқ, рационал ва иррационал, тизимли ва хаос ҳолатида бўлиб, онг билан бошқариладиган ёки бошқарилмайдиган мураккаб табиатини намоён қилади. Тадқиқот методлари бу диалектик ҳолатни тўғри акс эттириши лозим. Бошқача айтганда, улар жамият тараққиётининг реал диалектикасига бўйсунди ва назарияда уни адекват тарзда ифодалайди.

Мафкуравий онгни ёш авлод томонидан ўрганилаётган воқеликнинг сифатига бевосита эътибор қаратади. Бунда ҳодиса ва жараёнлар, энг аввало, сон ва рақам, аниқ натижалар нуқтаи назаридан эмас балки шу соҳадаги мақсад ва муддао нуқтаи назаридан ўрганилади. Шунинг учун ижтимоий назарияларда сон ва рақамлар табиий математик фанларга нисбатан кам. Бироқ, бу ерда ҳам моделлаштириш, формаллаштириш ҳар бир жараённи кенгроқ ёритишга ёрдам беради. Аммо, ўзига хос хусусиятига кўра, инсон реаллиги, мафкуравий онг предмети сифатида, математик методлар, кибернетик аппаратлардан фойдаланишни мураккаблаштиради. Бу борада математик методларни татбиқ қилишда, айниқса, ижтимоий объектларнинг индивидуаллашганлиги, субъектив (иррационал) моментнинг доимий иштироки, назорат қилинмайдиган тасодифий муносабатларнинг кўплиги, уларни бошқаришнинг қийинлиги, тушунишнинг тугалланмаганлиги, уларнинг ўзгарувчанлиги, муттасил тарзда янги мазмун касб этиши ва бошқалар ҳалақит беради. Бироқ, бу мазкур соҳани мутлақо моделлаштириб бўлмайди, дегани эмас. Аммо, тажриба табиий фанларнинг методларидан мафкура соҳасида

¹ Адорно Т. Логика социальных наук. // Вопросы философии. — 1992, № 10. С.76–77.

қанчалик кенг фойдаланилмасин, барибир улар асосий эмаслигини, балки ёрдамчи методлар бўлиб қолишини кўрсатмоқда.

Мафкуравий онгда эмпирик ва назарий компонентларнинг ўзига хос бирлиги мавжуд. Эмпирик методларнинг мафкуравий онгдаги чекланганлиги аниқ бўлсада, улардан кенг фойдаланилади. Булар сўровномалар, тестлар, модели эксперимент ва бошқалардан иборат бўлиб, ўрганилаётган ғоявий ҳодисаларнинг табиий-объектив хоссаларига эмас, балки инсонийлик тавсифи ва аҳамиятини аниқлашда қўлланилади. Улардан фойдаланишда воқеа ва жараёнларда иштирок этишнинг аҳамияти катта.

Шу билан бирга, гуманитар мафкуравий онг ва назариянинг ботинийлиги, кенг қамровлилиги, унинг функциялари маълум даражада пассивлигини таъкидлаш лозим. Гуманитар мафкуравий онгнинг назарий базасида ижтимоий ғоя ва назариялар монопол устуворликка эга. Жамиятшунослик, бир томондан, назарийлашгани, иккинчи томондан, фақат сон, рақам ва далиллардан иборат бўлмаслиги ҳам табиий. Учинчидан, бу мафкуравий онг ва ижтимоий фанларда аниқлик мутлақо йўқ, дегани эмас. Гуманистикада назарийлашув феномени унга профессионал вазифани бажаришга имкон беради. Шу билан бирга, у аниқ жараён сифатида, воқеликда ҳам намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий фанларнинг предметида жамият ва алоҳида шахс (ёки умуман давр, замон ва якка тарихий ҳодиса) ўртасида ҳеч қандай формал мантикий зиддият йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бунда тадқиқот объектини, мавҳум тушунишни биринчи, аниқ тадқиқот ва далилларни иккинчи ўринга қўйиш керак эмас. Чунки, уларнинг иккиси ҳам маълум маънода ўз ўрнига эга.

Мафкуравий онгдaтан олинган умумий парадигмаларнинг қамлиги ёки ўзгарувчанлиги қийинчилик туғдиради. Мафкуравий онгнинг бу хусусиятини ҳозирги замон

файласуфи Г.Х. Фон Вригт алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, тараққиётнинг маълум бир босқичида муайян назарияларнинг ҳукмрон парадигмага айланишини ҳам тан олиш керак. Бу эса, мафкура соҳасида парадигмаларнинг турдош типлари мавжуд бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Улар нафақат далил, зиддиятли тушунилиши, балки муайян ғояларни изоҳлашда намоён бўладиган мақсад ва манфаатлар мавжудлиги билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бу соҳада аниқ ва умумэътироф этилган парадигмаларнинг йўқлиги муайян даражада, жаҳон миқёсида назарий хилма-хилликнинг муқаррарлиги демакдир. Бошқача айтганда, жаҳон миқёсида ва инсоният дунёсида ягона, ҳақиқий деб ҳамма тан олган таълимот, назариянинг ўзи йўқ. Шунинг учун ижтимоий воқеликнинг концептуал назарий схемаси, эмпирик тизими ва унинг элементларини эркин танлаш имконияти ўртасидаги рақобатнинг ниҳоятда кўплиги оддий ҳол бўлиб, бу қандайдир чекланганлик аломати эмас. Илм-фанда фикр ва қарашлар хилма-хиллиги одатий ҳол. Мафкуравий онг, гуманитар фанлар ва инсоният ҳаётида эса бу хилма-хиллик янада яққол кўзга ташланади. Бир жойда ўз умрини яшаб бўлди дейилган, ўтмишга айланган, реакцион, қолоқ деб аталаётган назария ёхуд таълимот дунёнинг бошқа жойида муайян ижтимоий синф, қатлам, партиянинг асосий назарий қуролига айланган бўлиши мумкин. Инсоният тарихида бир мамлакат ёки минтақада ўз кучини йўқотган таълимотнинг бошқа бир жойда миллионлаб кишилар онги ва турмуш танлаб турган ҳоллар ҳам учраб туради.

Мафкуравий нуқтаи назардан «ғоя» ва «мақсад», «идеал» бир-бири билан муайян даражада алоқадор тушунчалардир. Бунёдкорлик ва эзгуликка хизмат қиладиган ғоялар, уларни амалга оширишга хизмат қиладиган орзу ва мақсадларнинг энг олий шакллари идеал-категориялар сифатида намоён

бўлади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар эзгу идеалларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайди. Идеаллар муайян ғоялар ва мафкуралар учун кўп ҳолларда мақсад ва шиор, бу йўналишдаги амалий фаолият учун эса маънавий мезон вазифасини ўтайди. Идеал тушунчаси (франц. «ideal», лот. «idealus») «қиёфа», «мезон», «мукаммаллик» маъноларини англатади. У инсон, халқ ва миллат тасаввурида барча эзгуликлар тимсолига айланган, улар доимо интилиб яшайдиган орзу ва мақсадларни ифодалайди. Кенг маънода, муайян нарсга ёки ҳодисанинг энг яхши, ғоят қадри ва мукаммал ҳолатини англатади. Масалан, «идеал инсон», «идеал жамият» ва ҳ.к., тор маънода, шахс (инсон) қобилиятларини ифода этадиган мезон. Ҳаётда айрим гуруҳ ва инсонлар учун муайян адабий қаҳрамонлар, кино, санъат ёки спорт юлдузлари, бирон буюк шахс, аниқ киши (ота, она, устоз) ҳам идеал бўлиши мумкин.

Идеал алоҳида шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг мукаммалликка доир сифати, хусусияти, хатти-ҳаракати ва фаолиятини ҳам ифода этади. Идеал ахлоқий (шахсга хос ахлоқий сифатлар), ижтимоий-сиёсий (ижтимоий тузум, жамият), эстетик (гўзал инсон) ва ҳ.к. шаклларда намоён бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий соҳадаги идеал бўлиб қолмоқда. Эстетик идеал инсоннинг гўзалликка интилишини ифода этадиган тасаввурлар асосида шаклланади ва табиий гўзаллик, инсонга хос ҳулқ-атвор, одоб меъёрлари ҳамда намуналарини акс эттиради. Идеал инсон ёки ижтимоий гуруҳ хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган намуна ва меъёрдир. Идеал – қиёслашга асосланган маънавий тушунча.

Идеал муаммоси фалсафий фанлар тарихида муҳим ўрин тутди. Ахлоқ, таълим-тарбия, маънавий баркамоллик, нафосатшунослик, адабиёт, санъат ва шу каби соҳалар билан

шуғулланган олим ҳамда мутахассисларнинг кўпчилиги бу масалани четлаб ўтмаган. Идеалга интилиш шахснинг ўз замонасидаги одатий шарт-шароитлардан қоникмаслиги, уни тезроқ ўзгартириш учун қилинган хатти-ҳаракати сифатида талқин этилади. Идеал шахс муайян тарихий прототиплар асосида шаклланиб, замонлар ўтиши билан афсонавий сифатлар касб этиши, яъни идеаллаштирилиши мумкин. Масалан, одил подшо Нўширавон — одиллик, саховатлилик; жўмард инсон Хотам Той эса саховатпешалик тимсолига айланган. Инсон идеал сари интилади, унинг асосий мезон ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзи ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига, жамиятдаги ҳукмрон қараш ва мезонларга баҳо беради.

Идеал инсон ҳаётидаги энг олий маънавий-ахлоқий талаб бўлиб, унга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар шахсни камолотга етказди. Албатта, тўлиқ баркамол бўлиш имкондан ташқари ҳолат. Лекин идеалга эришиш йўлидаги интилишнинг ўзи ҳеч нарсага қизиқмай, интилмай яшашдан кўра аълороқ. Зеро, идеалга интилиш учун ҳаётнинг моҳиятини англаш, яшашга қизиқиш ҳаётнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Яъни, шунинг ўзи нисбий комилликдир.

Муайян тузум талаблари ёки ҳаёт тақозоси билан ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши ҳам мумкин. Лекин башарият учун ҳеч қачон ўзгармайдиган идеаллар ҳам мавжуд. Булар — адолатли жамият, тенглик ва дўстлик, дунё миқёсида тинчлик-тотувликнинг ҳукмрон бўлиши, барча халқларнинг ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшаши ва ҳ.к. Бундай идеаллар инсоният учун асрлар давомида ёруғ маёқ вазифасини ўтаб, унинг ҳаётига маъно-мазмун бағишлаб келмоқда. Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида эзгу идеалларнинг барҳаётлиги ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас: «Авесто»нинг туб маъно-

моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса, эътиборлидир»¹.

Идеалнинг намоён бўлиш шакллари кўп. Улар орасида ижтимоий, маънавий ва ахлоқий идеаллар алоҳида ўрин эгаллайди. Ижтимоий идеал — жамият, миллат ва халқ, Ватан ёки айрим ижтимоий гуруҳлар ҳаётини энг юксак мезонлар асосида ўзгартириш ҳақидаги орзу-умидлар ва шундай даражага етишиш йўллари кўрсатиб берадиган фикр, таълимотларни акс эттирадиган тушунча. Давлат ва жамоат арбоблари, мутафаккирлар, файласуфлар, илм-фан ёки санъат аҳли ижтимоий идеални ифода этадиган куч бўлиши мумкин. Ижтимоий идеал қайси ижтимоий гуруҳ ёки тоифа манфаатларини кўзлаши, ҳаётийлиги ва инсониятга нақадар фойдали эканига қараб, ижобий, тараққийпарвар, миллий ёки умумбашарий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. «Авесто»да эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал устувор бўлган жамият, қадимги юнон фалсафасида халқнинг доно вакиллари, донишмандлари бошқарадиган маърифатли давлат, ахлоқий баркамоллик, юнон санъатида эса жисмоний гўзаллик ва ҳарбий қудрат, қулларни итоатда сақлаш, Шарқ фалсафаси ва диний-ижтимоий таълимотларда адолат, комиллик, тасаввуф таълимотида барча иллатлардан покланиб, фақр ва фано мақомига эришиш ижтимоий идеал ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2016. — 32-бет.

Инсоният тарихида умумбашарий ижтимоий идеалдан ташқари ҳар бир мутафаккир ёки санъаткорнинг ўзига хос қарашлари бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврларида ижод қилган мутафаккирлар Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Туфайл, Рафаэл, Леонардо да Винчи, Сервантес, Лопе де Вега, Микеланжело ва бошқаларнинг илмий, бадиий асарларидан ўрин олган инсоният бахт-саодати ҳақидаги ижтимоий идеаллар бутун инсоният учун ҳозирги кунларга қадар долзарб бўлиб келмоқда.

Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам ижтимоий идеалдир. Бугунги Ўзбекистонда дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги каби тараққиёт ва ҳаёт даражасига эришиш, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ижтимоий идеал бўлиб, халқимиз бу эзгу мақсад сари изчиллик ва қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Мафкура соҳасидаги идеал шахс ва жамият маънавиятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб ишлар, бунёдкорликка сафарбар қилувчи эзгу ғоя, орзу-мақсад ва ижобий намуналар мажмуини ифодалайди. У атама сифатида шу соҳадаги орзу-интилишларнинг олий мақсадини акс эттиради. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим категория ҳисобланади.

Инсон ёшликдан азалий анъаналар, урф-одатлар оғушида камолга етади. Бу борада оила, маҳалла ҳамда таълим-тарбия даргоҳларидаги маънавий муҳитдаги уйғунлик ва барқарорлик муҳим ўрин тутди. Ҳеч шубҳа йўқки, миллатимизга хос ғоявий идеаллар аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас туйғулардир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар ақлий етуклик, рухий поклик, жисмоний бақувватлик ва албатта, маънавий

камолотга жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни идеал инсонлар тимсолида кўрганлар.

Инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида эркинлик, тенглик ва қардошлик каби идеалларга доимо интилиб келган. Ҳақиқатан ҳам, инсоният тараққиётида бу қадриятлар билан боғлиқ принциплар муҳим ўрин тутди, улар идеалнинг категориал тушунчалари бўла олади. Чунки, фикрда, ахлоқ ва фаолиятда эркин бўлган инсонгина ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон барча кишиларнинг ўзаро тенглигини ҳис эта олади. Бу тенглик принципнинг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг деб билишлари уларнинг ягона мақсад сари бирлашиб, фаол ҳаракатга ундайди, бу қардошлик тамойилининг намоён бўлишидир. Бошқача айтганда, ўзлигини англаган киши бошқалар ҳам унга тенг, қардош эканини идрок этади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзига ҳам катта зарар келтиришини тушунади.

Демак, бунёдкорликка асосланган мафкуравий идеал эзгулик ғоясидан озиқланади. Бу ғоя эса инсоннинг ўзлигини англаб етишига туртки берувчи асос сифатида мафкуравий идеалнинг негизини ташкил этади. Ўзликни англаш билан эса инсоннинг моҳияти кашф қилинади. Ҳозирги кунда мафкуравий идеал қаторига «эзгулик», «эътиқодлилик», «эркинлик» тушунчаларини киритиш мумкин. Уларнинг зидди ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутеликдир. Мафкуравий идеал жамиятда соғлом муҳитни вужудга келтириш ва ёш авлод дунёқарашини бойитиш тафаккурни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб атади.

Идея, яъни ғоя ва маънавий тамойилларни мутлақлаштириш инсоният тафаккур тарихидаги энг қадимий, ўзига хос фалсафий йўналишлардан бири идеализм (юнон. меа — ғоя, фикр) оқимининг шаклланишига сабаб бўлган. Идеализм қадим замонларда вужудга келган. У онг ва руҳни борлиқнинг ягона асоси деб эътироф этади.

Идеализм, ўз моҳиятига кўра, икки йўналиш – субъектив ва объектив идеализмга бўлинади. Субъектив идеализм борлиқнинг асоси сифатида алоҳида индивидуум, субъектнинг онги ва сезгисини тан олади. Объектив идеализм эса борлиқнинг асосий сифатида мутлақлаштирилган Рух, Илоҳ, демиургни эътироф этади. Афлотун қадимги юнон объектив идеализмининг ёрқин намояндасидир. Идеализм фалсафий тафаккур тарихида материализм билан мунтазам баҳсга киришиб, турли дунёқарашлар ривожига асос бўлиб келди. Дунёнинг каттагина ҳудудида марксизм фалсафаси ҳукмрон бўлган XX асрда идеалистик таълимотлар ва уларнинг вакиллари эришган илмий ютуқлар кўп ҳолларда камситилиб, сохталаштирилди. Идеализм реакцион оқим сифатида баҳоланди ва уни тўлақонли ўрганиш, тарғиб этиш тақиқланди. Идеализм фалсафий тафаккур тарихида платонизм, пифагоризм, реализм, спиритуализм, томизм ва неотомизм, кантчилик, тасаввуф, эмпириомонизм, экзистенциализм, иррационализм каби таълимотларда ўз ифодасини топди.

Ҳар қандай ғоя муайян мақсад ва муддаоларда акс этади. Уларни бир бутун алоқадорликда тасаввур қилиш лозим. Мақсад инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва натижасидир. У инсонлар маънавиятида энг муҳим ўрин тутувчи ақлий-тафаккурий ҳодиса бўлиб, уни келажакнинг лойиҳаси, деб таърифлаш мумкин. Эҳтиёж, манфаат, мотив индивид ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-атвори, фаолиятининг муҳим таркибий қисмлари бўлса, мақсад фаолият йўналишини белгиловчи омилдир. Мақсаднинг шаклланишига субъектнинг эҳтиёж ва манфаатлари кучли таъсир кўрсатади. Мақсаднинг реал ва нореал, қисқа муддатли ва узоқ муддатга мўлжалланган, асосий ва иккинчи даражали ҳамда бошқа турлари бор. Реал мақсадлар субъектнинг имкониятлари, атроф-муҳитнинг ҳолати, маданияти, маънавияти ва объектив

қонуниятларини ҳисобга олса, нореал мақсадлар фа-қатгина субъектнинг орзу-истакларини ифодалайди, атрофдаги вазиятни ҳисобга олмайди. Мақсадсизлик — мўлжалсиз, шунчаки бесамар хатти-ҳаракат. Мақсадсиз яшаш маъносиз, моҳиятсиз мавжудлик. Мақсадсизлик инсоннинг орзу-ҳаваси, қаерга кетаётгани, истиқболда нималар кутаётганига бефарқлигидир. Мақсадсиз одам билан мўлжалланган манзилга бориб бўлмаганидек, ундай кишининг хатти-ҳаракатлари «бўйсунувчанлик, тобеликдан», лоқайдликдан ёки маъносиз «саркашлик»дан иборат бўлади. Мақсадсиз, ғоясиз ҳар қандай одам турли-туман ғоявий-мафкуравий тажовузларга чалинувчан бўлади. Бундай кишилар маънавий қиёфасининг чеклангани билан ажралиб туради. Жамият ҳаётида жуда кўп жиноятлар ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлмаслик оқибатида содир этилади. Мақсадсизлик кўп ҳолларда ўсмирлик ва балоғат ёшидаги ёшлар орасида кўзга ташланади.

Жамиятда иқтисодий, сиёсий, ғоявий, мафкуравий ва бошқа мақсадлар ҳам мавжуд бўлиши табиий ҳол. Улар орасида мафкуравий мақсад муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий мақсад ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиш-иродасини ифода этувчи тушунчадир. Мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ айниқса ёш авлод томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватланадиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодаладиган салбий, шаклига кўра, ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсадларни фарқлаш лозим. Ўзбекистон халқи жумладан, ёш авлод миллий мафкурасининг асосий мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Халқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, ёш авлодни маънавий-руҳий жиҳатдан улуғвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат. Пировард натижага эришишнинг йўллари, воситалари ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб

чиқади. Ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсадлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, давлатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, улар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса — ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафкуравий тазйиқ ўтказишга қаратилган бўлса — салбий характер касб этади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Биринчи Президент Ислом Каримов янги жамият барпо этишда идеал мақсадларнинг жамият тараққиёти, унинг маънавий тақомилидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ана шундай идеални шакллантиришда миллий турмуш тарзимиз, халқимиз урф-одатлари ва кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам ана шу омилларда мафкуравий идеалнинг муҳим илдизлари ифодаланган. Истиқлол йилларида юртимизда маънавий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, улў аждодларимиз яратган меросни асраб-авайлаш, уни замонавий илм-фан, маданият ютуқлари асосида бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, озод ва обод Ватан ҳамда фаровон ҳаёт барпо этиш каби эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилиб келмоқда.

2.3. Ёш авлодни она юртимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида тарбиялаш

Халқимизнинг азалдан ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериб келгани маълум. Ҳозирги даврга келиб, шунини ишонч ва фахр билан айта оламизки, мустақил Ўзбекистонда Республика Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели бу борада юксак натижаларга эришиш омили бўлди ва бутун дунёда эътироф этилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк

келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобида алоҳида қайд этилгани каби: «Бугунги кунда ҳаётимизга том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, гурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 18 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, беқиёс мақсадларни кўзда тутишини камдан-кам одам ўзида тасаввур қиларди»¹.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгунига қадар бу борадаги долзарб вазифалар ва ечилмаган муаммолар салмоғи ортиб бораверган ва мустақиллик арафасида кўплаб масалалар жамият олдида кўндаланг бўлиб қолган эди. Собиқ иттифок даврида мавжуд бўлган ва ундан қолган таълим тизимининг ўша даврдаги аянчли ҳолати истиқлолимиз арафасидаёқ шакллана бошлаган янги жамиятнинг бу йўналишдаги талабларига жавоб бера олмас эди, албатта. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарида «Бугунги кунда республикамызда 1700 та мактаб вайрон ҳолда эканига чидаб бўладими? Қуриляётган

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. — 264–265-бетлар.

мактаблар сони эса аҳолининг кўпайиши суръатини аранг кондираяпти. Бу масалани ҳам чуқур ўйлаш керак»¹, дея таъкидланиши бежиз эмас эди.

Ўша даврда мавжуд бўлган шу соҳадаги мураккаб воқелик аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган ушбу китобни варақлар эканмиз, Президентимиз Ислон Каримов томонидан янги жамиятнинг таълимга оид тамойиллари, узоқни кўзлаган режалар тарзида, мустақиллик арафасидаёқ яратила бошланганини англаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1990 йилдаёқ таъкидлаган қуйидаги фикри буни яққол исботлайди: «... биринчи галдаги вазифалардан бири ёшларимиз тарбиясига оид миллий сиёсатни, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш масаласидир. Бунга халқ маорифи системасини тубдан ўзгартириш, болалар боғчалари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, махсус мактаб-интернатларни кўпайтириш каби кўпгина мураккаб вазифалар киради. Ёшлар тарбияси билан бевосита машғул бўлган, ўз умрини шу муқаддас ишга бағишлаган ўқитувчиларимизга эътибор ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман»².

Бу, ўз навбатида, Ислон Каримовнинг 1990 йиллардаёқ, яъни Республикамизда таълим соҳасининг моддий-техник базаси ачинарли аҳволда бўлган бир вазиятда, бу борада зарур бўлган миллий ҳаракат дастури ҳақида дадил фикрларни баён қилгани кўриниб турибди. Кейинги йилларда Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида таълим тизими соҳасидаги ислохотларга устувор йўналишлардан бири

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: «Ўзбекистон», 2011.— 206-бет.

² Ўша манба. — 217-бет.

сифатида қаралганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни келажақда қандай инсон бўлиши ва қайси соҳанинг мутахассиси сифатида шаклланиши, аввало, таълим муассасаларида яратиб берилган шарт-шароит ва имкониятларга боғлиқ эканлигига эътибор қаратилгани маълум.

Ҳақиқатан ҳам, 25 йил илгари буни тасаввур қилиш қийин эди ва ўша давр воқеликлари бундай ижобий ҳулоса чиқаришга имкон бермасди, албатта. «Ҳамма нарса таққослаганда билинади», деган халқ ҳикматига таянган ҳолда рақамларга мурожаат қилар эканмиз, таълим соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берганига тўлиқ амин бўлишимиз мумкин. Маълумки, собиқ иттифокдан Ўзбекистонга аянчли аҳволдаги таълим тизими «мерос» қолган эди. Мустақиллик қўлга киритилган 1991 йилда мамлакатимизда 8124 та мактаб фаолият кўрсатиб, улардан 3525 таси (43%) мослаштирилган биноларга жойлаштирилган бўлиб, шундан 1167 таси (33%) ўтган асрнинг 40–60 йилларида ҳашар йўли билан лой ва хом гиштдан қурилган ва давр талабларига мутлақо жавоб бермас эди. Худди шундай 4248 та (52%) мактаб газлаштирилмаган, 3581 таси (44%) ичимлик суви билан таъминланмаган, 5004 тасида (61%) марказий ва ҳовлига мослаштирилган қувурлар тизими (канализация) бўлмаган, 4253 таси (52%) телефон алоқаси билан таъминланмаган бўлиб, уларнинг 80 фоизини қайта тиклаш зарур эди.

Ислом Каримовнинг ушбу ҳолат чуқур таҳлил қилинган 1990 йил 4 августдаги маърузасида: «... Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак», дея алоҳида таъкидланган ва унинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилган эди: «Бу дастур умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синфхоналар барпо этиш, олий ўқув юр்தларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга

қўйиш ва шу кабилар)ни; энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни; корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни; хунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни; олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма бериш усулини жорий этишни; республиканинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун ... энг яхши марказларга ёшларни юбориш системасини ўз ичига олиши керак».

Мустақилликка эришилгач, Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида ёш авлодни тарбиялаш ва янги таълим тизимини шакллантириш бўйича улкан тарихий, том маънода, оламшумул ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ислом Каримов томонидан ҳар бир йилга алоҳида ном беришда ёшлар қатламига алоҳида эътибор берилиши, шу асосда давлат дастурларининг ишлаб чиқирилиши ва мазкур масалалар юзасидан тегишли аниқ чора-тадбирлар белгиланиши натижасида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Она ва бола йили», 2008 йил — «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили» ва 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили», 2016 йил — «Соғлом она ва бола йили», 2017 йил — «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинишининг ўзиёқ мамлакатимизда мазкур масалага нисбатан эътибор қай даражада катталигини яққол кўрсатиб турибди.

Ушбу жараёнда, айниқса истиқлол йилларида ёшларимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда илмий салоҳиятини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан кўплаб қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилингани ҳам диққатга сазовордир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бу Ўзбекистон Республикасида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги Қонунда Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган 2016 йил 14 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.М. Мирзиёев томонидан имзоланган қонунда қабул қилиниши бунинг яққол мисолидир. Таълим тизимининг ҳуқуқий асослари яратилган мазкур муҳим тарихий ҳужжатлар таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида юзага келган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил яшаш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир ёшларнинг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнини Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» асари асосида, 1991 йилдан кейинги ўтган икки ўн йиллик ва 2011 йилдан кейинги даврларга бўлиб тасаввур этсак ҳамда таҳлил қилсак, мазкур соҳадаги ютуқлар ва натижалар кўлами ниҳоятда кенг ва залворли эканига гувоҳ бўламиз. Ўтган йилларда барча таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, ушбу тизим узлуксиз тарзда, замон талаблари асосида ривожланиб борди. Умумтаълим мактабларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, таълим сифати ва мазмунини янги босқичга олиб чиқиш, ўқитувчи-мураббийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. 1991–2003 йилларда 1 млн 893 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари ҳамда 152,8 минг ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи

Президентининг ташаббуси билан 2004 йил 19 феввалида «2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишининг қабул қилиниши асосида ишлаб чиқилган дастур бу борада миқёси ва кўлами жиҳатидан ҳали ҳеч бир давлатда учрамайдиган, республикадаги барча умумтаълим мактабларини қисқа вақт ичида замон талаблари даражасига олиб чиқишга мўлжалланган муҳим воқелик бўлди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида кейинги йилларда республика бўйича 8501 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилган бўлса, шундан 81 фоизи, яъни 6888 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашган, олис тоғ ва чўл ҳудудларидаги 287 мактаб ҳам эътибордан четда қолмади. Мазкур таълим муассасаларининг замонавий мебель, ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиши натижасида қишлоқ мактаблари шаҳар мактабларидан қолишмайдиган даражада ўзгача кўрк олди. 2011 йилга келиб таълим муассасаларидаги физика лаборатория хоналари сони 71,5 фоизга, кимё лаборатория хоналари 68,5 фоизга, биология хоналари 68,5 фоизга, спорт заллари сони эса 45,1 фоизга ошди. 2004–2009 йиллар мобайнида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига қўшимча равишда республика миқёсида жами 402 та мактабда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида таълим соҳасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган қатор тажрибалар дунё юзини кўрди. Ўтган давр мобайнида умумтаълим мактаблари учун дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар яратиш ҳамда ўқувчиларга етказишнинг ўзига хос механизми яратилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «2005–2006 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги

Қарори муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарор асосида таълим 7 тилда олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар яратиш мақсадида маҳаллий муаллифлар гуруҳи шакллантирилди ва жами 163 млн нусхадан зиёд дарсликлар чоп этилиб, ижара тизими орқали ўқувчиларга етказилди. Шундан 28 миллион нусхага яқин дарсликларнинг кам таъминланган оилалар фарзандлари учун давлат ҳисобидан бепул ажратилганлиги диққатга сазовордир. 1991 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши фақатгина 55,4 фоизни ташкил этгани ҳолда 2011 йилда бу кўрсаткич 99,4 фоизга етганлигининг замирида қанча машаққатлар ётганлигини маорифчилар, зиёлилар яхши тушунадилар. Ҳар йили мамлакатимизда илк бор мактаб остонасидан ҳатлаб ўтаётган биринчи синф ўқувчиларига 12 хилдаги ўқув қуроллари билан бирга барча дарсликлар Президент совғаси сифатида бепул тақдим этилаётганлиги эса кўплаб дунё мамлакатлари болалари учун эртақдай бўлиб туюлади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2009 йилга келиб мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури муваффақиятли якунланган бўлишига қарамай, умумтаълим мактабларидаги бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Таълим муассасаларида ушбу жараён бугунги кунда ҳам қизғин давом эттирилмоқда. 2014 йилда ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар тубдан янгилангани фикримизни исботлайди.

Шу билан бирга, 2014 йилда мазкур соҳадаги мақсадларни амалга ошириш учун қарийб 550 млрд сўм маблағ сарфлангани, ушбу маблағларнинг 120 млрд сўмдан ортиқроғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминлаш учун ажратилгани бу соҳага улкан эътиборнинг яққол ифодасидир. Бугун таълим муассасаларининг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқдаги

энг кўркам ва замонавий иншоотлари сифатида тилга олинаётгани кишига фахр ва гурур бағишлайди. Билим даргоҳларида ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида таҳсил олиб, илм-фан, спорт сарҳадлари чўққиларини бирма-бир эгаллаётгани эса юксак тараққиётимиз кафолати эканлиги шубҳасиз.

Хозирги кунда республикамизда 76 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, улардан 2 таси академия (Тошкент тиббиёт ва Солиқ Академияси), 19 таси университет, 38 таси институт, 11 таси олий таълим муассасалари филиаллари (вилоятларда), 3 таси хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари, хорижий 3 та олий таълим муассасалари (Тошкент шаҳрида) ҳисобланади. Республикамиздаги 59 та олий таълим муассасасининг 27 таси Тошкент шаҳрида, 32 таси вилоятларда жойлашган. Ушбу олий таълим муассасаларининг 31 нафари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги муассасалар ҳисобланади. Уларда 164 минг нафар талаба-ёшлар таълим ва тарбия олишади. Бундан ташқари, 1537 та ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари мавжуд бўлиб, шулардан 1396 таси коллеж ва 141 таси лицейлар ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичи бўлган 2011–2016 йилларга мўлжалланган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури» доирасида 2015 йилгача 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 млрд сўмлик ишлар бажарилган. Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон тиллари университетида янги ўқув бинолари ишга туширилди. Жанубий корейлик шериклар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ИНХА университети ташкил этилди ва Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилди. Буларнинг барчаси ушбу йўналишнинг

муттасил ривожланиб бораётганидан далолат беради, албатта.

Истиклол арафасида ва унинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб вояга етказиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва спортга меҳр-муҳаббатни оширишга алоҳида эътибор берилга бошланган эди. 1990 йил 5 июнда Илом Каримов Ўзбекистон Компартияси съездида спорт заллари ва майдончаларига эга бўлган мактаблар барпо этиш зарурлиги ҳақида таъкидлаган бўлса, 2002 йилнинг 24 октябрида «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккани бунинг яққол исботидир. Мазкур Фармон мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этишга ижобий таъсир кўрсатди. 1991 йилда республикада халқ таълими тизимидаги барча спорт иншоотлари, мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзалари сони 5490 тани ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 7777 тага ортди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган давр мобайнида жами 1204 та спорт иншооти, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан эса жами 3690 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди. Яратилган шарт-шароит ва имкониятлар боис спорт билан шуғулланиш истагидаги ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунинг кунда спорт билан шуғулланаётган ўғил-қизлар сонининг 1991 йилга нисбатан қарийб ўн баробарга ошиб, 1 615 103 нафарга етганида ҳам кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, спорт қизлар орасида ҳам тобора оммалашмоқда.

Айни дамда бу йўналишда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Масалан, 2014 йил мобайнида спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш мақсадида 18 та

намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб зали барпо этилгани, 24 та объектда қарийб 100 млрд сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим. 2015 йил январига қўра юртимизда икки млн га яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалари тобора кўпайиб бораётгани, 2014 йилда спортчиларимизнинг 849 та медални, жумладан, 266 та олтин медални қўлга киритгани бу борадаги бунёдкор фаолиятнинг натижасидир. Қувонарли жиҳати шуки, «Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оилада, энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари, авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўз ижобий натижасини бермоқда. Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. 2016 йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 та медаль, жумладан, 12 та олдин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийига чуқур миннатдорчилик билдираман. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир»¹,

¹ «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

деб таъкидлайди Шавкат Мирзиёев. Шу билан бирга, ушбу мақсадлар ва ижтимоий соҳа учун 2015 йилда давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизини йўналтириш кўзда тутилган. Бу 2014 йилга нисбатан 4 триллион 100 млн сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир.

Хуллас, юқорида айтилган фикрларимиз ва келтирган фактик материаллар ва буларнинг барчаси истиқлол йилларида таълим соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар ва янгиланишлар мамлакатимизда жисмонан бақувват, маънан баркамол ва юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш воситасига айланганидан далолат беради.

2.4. Ёш авлодни маънавий етук, комиллик даражасида вояга етказиш замон талаби

Ўзбекистон халқи мустақилликни қўлга киритгач, уни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун баркамол инсонларга бўлган эҳтиёж ниҳоятда кучайиб кетди. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Олий Мажлисида қилган маърузалари, мухбирларнинг бу масалага доир берган саволларига жавоблари ҳамда бошқа асарларида соғлом авлод, баркамол авлод, комил инсон ҳақида ўз нуқтаи назарини баён этиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисоди муносабатларига нисбатан беозорроқ ўтиб олишни кўп жиҳатдан комил инсонни тарбиялаш соҳасидаги ишлар самараси билан боғлайди. Ислом Каримов ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ишини замон талаблари даражасида ташкил этишга бош-қош бўлиши, мустақилликнинг

алоҳида йилини «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиш ва қатор шу каби тадбирлар ташаббуси билан чиқишининг барчаси негизида юқоридаги ижтимоий, тарихий эҳтиёжлар ётади¹.

«Маънавият соҳасидаги ишларнинг пировард мақсади, дейди Ислом Каримов, иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир, яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларининг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат». Ислом Каримов комил инсон тушунчасини талқин этар эканлар, аввало, унинг замонавий илмга, дунёқарашга, миллий ўзликни англашга, Ватани, халқига садоқатга тарихий хотирага эга бўлишга урғу беради ва одамнинг бахт-саодатини шунда кўради.

«Агар одамнинг бахти нимада деб сўраса, мен кимки ўз ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз ана шундай инсон бахтлидир деб жавоб берган бўлардим», дейди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, одамнинг энг кичик хатти-ҳаракатидан тортиб, олий ижтимоий мақсадга интилишигача бўлган барча фаолияти, аввало, унинг миясида идеал тарзда шакллангач, ҳаракати шунга мувофиқ тус олади. Бинобарин, одамзоднинг онгига қандай фикр, ғоя, нуқтаи назар, олам ва унда, одамнинг ўрнига қарашлар тўғрисидаги билим сингиган бўлса, шунга мувофиқ, унинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, бутун фаолияти муайян тус олади. Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифа жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақириқ 1-сессиясидаги маърузаси. — «Тошкент оқшоми», 2000 йил 24 январь сони.

топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англатиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат Ислоҳ Каримов сўзида давом этиб, яна бундай дейди: «Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, барибир, ўз қалбида муайян бир ғояга, мақсадга эҳтиёж сезади».

Комил инсон деганда, Ислоҳ Каримов дунёвий ва диний билимларни эгаллаган, диндорликни дунёвийликка асло қарама-қарши қўймайдиган, ўз мустақил фикрига эга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллик кўрсатадиган, аждодларнинг бой маънавий меросидан бохабар, Ватан равнақи халқ фаровонлиги йўлида жонини фидо қилишга тайёр кишиларни назарда тутди.

«Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, ўз вақтида, яъни бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимни ҳаётимизда татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди десак, адашмаган бўламиз.

Бунинг натижасида мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун

минбарга чиқмоқда», деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов¹.

Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бироқ дунё халқларининг барчаси ҳам бу ҳақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари — энг мўътабар зиёлилари ҳисобланганлар. Уларнинг орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусида ўз тарихимиздан жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин.

Ал-Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги гоёни ёдга олинг. Унга кўра, жамиятнинг ҳар бир фуқароси — мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъи назар, фозил киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда, Ватани учун жон фидо қилади.

Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади, ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Аввало, бундай фикр юритишнинг ўзи боболарнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини ва албатта, бундай фикр айтиш бу борада кўп асрлик меросларни ўрганиш натижасида вужудга келишини таъкидлаш жоиз. Демак, бизнинг баркамол авлод тарбияси ҳақидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Миллатимиз урф-одатларидаги, қонидаги маърифий

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — «Адолат» газетаси, 2015 йил 6 декабрь. №50 (1061).

тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган. Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир. Боболарнинг шу каби ўй-фикрлари тилдан-тилга кўчган. Бундан халқ, айниқса, Юртбошилар хабардор бўлишган. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур ҳам буюк давлат қуришда, иш юритишда ўтиб кетган боболарнинг ўғитлари, давр донишмандларининг маслаҳатлари билан ишлаганлиги тарихий манбаларда аён. Бутун дунёда маълумки, ўша даврда илм-фан ривожини учун шароит яратилган. Маданият ривожланган, бугун дунёни лол этаётган осмонўпар минора-ю масжидлар бунёд этилган. Бу давлатни барча давлатлар энг юқори маданият ўчоғи сифатида тан олишган, ўз элчиларини жўнатишган. Элчилар юбориш маъқул давлатни ҳурмат қилиш, тан олиш натижасидир.

Амир Темур асос солган давлатни жаҳолат ботқоғига ботган авлодлар таназзулга элтдилар.

Давлатнинг асосий пойдевори нотўғри қурилгани учун эмас, балки мустаҳкам асос устига яхши пиширилмаган гиштлар қинғир-қийшиқ терилгани боис, бинога дарз кетди. Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзга давлатга маҳв бўлди. Жаҳолат ҳеч қачон илм-фанни тан олмайди. Жаҳолатнинг бошида турган илмсиз кимсанинг тубан дунёқарашига хос биқик «қоидалар» вужудга келади ва бошқаларни унга бўйсунтиришга мажбурлай бошлайди. Илм-фансиз боболар меросини ўрганиб, ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто асраб бўлмайди. Шу боис Амир Темур давлатчилиги, Форобийнинг фозиллар жамияти, Ибн Сино тиббиёти, Хоразмийнинг аниқ фанлари, Берунийнинг қомусий илми, Улуғбек коиноти — ҳамма-ҳаммаси жаҳолат пардаси ортида қолди, унутилди. Боболар орзуси орзулигича қолиб кетди.

Орзу йўқолса, ҳаёт тўхтаган ҳисобланади. Шу боис боболар қонидаги шундай орзу XIX аср охирида бош

кўтарди. Орзунинг пайдо бўлишига жаҳолат сабабчи бўлишлигини чор Россияси мустамлакасида ёзилиб, ундан қутилиш чорасини излашга тушган юрт зиёлилари биринчи бўлиб таҳлил этилди. Озодлик учун ўз жонини тиккан миллат фидойиси, Туркистон жадидларининг етакчиси муфти Маҳмудхўжа Бехбудий шу жаҳолатни келтириб чиқарган миллатларни таҳлил қиларкан, шундай хулосага келади: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур»¹. «Эҳтиёжи миллат, Самарқанд газетаси, 1913 йил, 26-сон). Шу қисқача иқтибосда «Биз нега мустамлака бўлиб қолдик?» деган саволга жавоб бор эди. Таъкидланаётган «дунёвий фан ва илм» бу — бир давлатнинг қудратини, маданиятини, маънавиятини ривожланган мамлакатлар қаторида сақлаб турувчи омилдир. Бундай илм-фаннинг ривожини ва таълим тизимининг пухталиги, фаннинг ривожланиши учун яратиладиган шароитдадир. Шу боис Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Бухорода Фитрат, Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Самарқандда Абдуқодир Шакурий каби қатор жадидлар бу фикрга қўшилган ҳолда таълим ислоҳига киришгандилар.

Таълим ислоҳларини ўрганиш жараёнларида қизиқ ҳолат кўз олдимизда намоён бўлади. Маълумки Ўзбекистоннинг 130 йиллик асоратдош тарихи икки хил мустамлака даврига тўғри келади. Биринчиси чор — Россияси, бошқаси — қизил империя даври. Бу икки хил мустамлакачилик сиёсатининг ҳам емирилиш давлари бор. Айни шу даврларда миллий озодлик ҳаракати намояндалари, миллат фидойилари таълим ислоҳоти борасида фикрлаганлар, ислоҳотни амалга ошириш тараққиёт йўлларини қидирганлар.

Чор Россиясининг емирилиш даври маҳаллий зиёлилар — жадидларнинг миллий озодлик ҳаракатига тўғри келади.

¹ Ирода ва имон этиқоди синови. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — 23-бет.

1917 йилгача мазкур ҳаракатларнинг моҳиятида таълимни ислоҳ қилиш, ривожланган давлатлардаги илғор жиҳатларни ўзимизга мослаб олиш ғоясини илгари суришган, мактаблар очишган, дарсликлар чиқариб болаларни ўқитишган.

Иккинчи — қизил империянинг емирилиши даври. Ўзбекистон газеталари таҳламаларини кузатганимизда амин бўлдикки, бунда ҳам таълим ислоҳотига асосий эътибор қаратилган. Масалан, ўша пайтда собиқ иттифок исканжасидаги Ўзбекистонга яқинда раҳбар бўлиб келган, Ислон Каримов нутқидан олинган қуйидаги иқтибос — орзу фикримизни исботлайди.

«Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан ўйлайманки, бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди».

Аслида таълим тизимини ислоҳ қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрни Ислон Каримов Қашқадарё вилоятида ишлаган чоғида: «Кишиларнинг умумтаълим ва профессионал даражасини ошириш, янги талаблар асосида кишиларнинг саводхонлигини ўстириш, узлуксиз таълим системасини жорий этиш — энг муҳим масала» эканлигини қайд этиб шундай деган эди:

«Ҳар ким чуқур ва мустаҳкам билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини, ишда силжишга эришиш мумкин эмаслигини аниқ тушунмоғи лозим».

Ушбу фикрлар айтилган фурсатга қайтайлик. Собиқ тузум ўз таназзулига ишонмай, ҳукмронлигини сақлаш учун талпинаётган, бунинг учун миллатлар ўртасида низолар уюштирилаётган, жиноятчилик ошган, кечқурунлари кўчада юриб бўлмайдиган пайтда, негадир, кадрлар савияси, уларни сифатли қилиб тайёрлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Бу ўхшашлик нега? Бу ўзига хослик аср бошида ҳам такрорланган. Негаки, озодликни қўлга киритиш мақсадида

яшаган алломалар озодликка эришилгандан сўнг давлатни бошқарадиган ёшларнинг аниқроғи, кадрларни савияси, билим даражаси, фидойилиги, жасорати, матонати ҳақида кўп ўйлашган. Агар бундай кадрлар йўқ бўлса, уларни тарбиялаш ҳақида қайғуришган. Чунки озодликни асраб-авайлаш учун давлатнинг ишлаб чиқариши ривожланган, аҳолиси таъминланган, ўз армиясини тиклай ва сақлай оладиган бўлиши, шунингдек, ўзга давлатлар билан тенг ҳуқуқда муносабатлар олиб борадиган миллий кадрлари бўлмоғи лозимдир. Шу боис улар «Озодлик» деб айюҳаннос солишдан аввало уни қўлга киритадиган ва қўлда сақлай биладиган баркамол авлод тайёрлаш ғамида елиб-югуриб яшашган. Улар озодлик орзусини рўёбга чиқаришнинг амалий йўлларида бири — ёшларни маърифатли қилиб тарбиялаш деб билганлар.

Юқорида Ислом Каримовнинг 1989 йилги нутқидан иқтибос келтиргандик. Ўша нутқдан сўнг бир ой ўтгач кадрлар тайёрлаш масаласига янада аниқроқ, кенгроқ ёндашганини кўрамиз. Яна унинг фикрига қулоқ тутайлик.

«Республиканинг ҳозирги давригина эмас, келажаги ҳам туб миллатдан саноат ишчилар синфини шакллантириш муассасаси билан боғлиқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 460 та кундузги ҳунар-техника билим юртини ҳар бештасидан биридагина замонавий саноат касблари бўйича ишчилар тайёрланади. Ҳунар-техника билим юртлирининг ҳар учтасидан биригина тўла ўқув комплексига эга. Уларнинг таълим мақсадлари учун замонавий машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжини замонавий корхоналар жуда қониқарсиз таъминламоқда. Корхоналар ва ҳунар-техника билим юртлирининг шартнома системасига ўтиши ички кадрлар тайёрлаш, қўллашнинг кескин қисқариб кетувига олиб келади, унингсиз ҳам ҳунар-техника билим юртлири республиканинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантира олмаётган эди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик

куриш индустрияси, енгил саноат корхоналарининг кўпида иш жойлари мунтазам равишда бўш қолмоқда. Кўп ҳолларда бунинг сабаби бир хил, меҳнатга лаёқатли аҳолини ҳисобга олиш ва бир қанча мутахассисликлар бўйича ишчи кадрлар тайёрлашни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлардир.

Очиғини айтиш керак, бу аҳвол фақат иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдагина эмас, шу билан бирга ёшларга касб ўргатишни ташкил этишда йўл қўйилган нуқсонларнинг натижасидир.

Буларнинг ҳаммаси иттифоққа бўйсунувчи кўпгина корхоналар жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш ўрнига, баъзан ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муассасасини чигаллаштирадиган йўлдан бориб, мамлакатнинг бошқа регионларидан тайёр ходимларни таклиф қилишга ётганликларининг бевосита оқибатидир. Бу йил шаҳарларда уй-жой муаммоси тагин ҳам кескинлашмоқда, ишчилар синфи миллий отрядини вужудга келтиришга тўсқинлик қилмоқда. Бу соҳада энг асосий нарсая айрим, лекин тез-тез учрайдиган ночор «назарийчилар» психологиясини ва тафаккурини ўзгартиришдан иборат. Улар ана шундай ҳолларда маҳаллий аҳоли, ўзбеклар катта саноат корхоналари шароитида ишлашга ўрганмаганлар, улар бундай корхоналарда меҳнат қила олмайдилар, улар кўпроқ қайта ишлаш тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашга мойилдирлар, деган сохта, айтиш мумкинки, жуда зарарли назарияни пеш қилишга уринадилар. Бундай мулоҳазаларни жиддий қоралаш керак. Бир нарсая равшан, ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлаш таркиб топган системасини тубдан янгилаш талаб қилинади».

Иқтибосга эътибор берган бўлсангиз, бунда биринчи бор кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш масаласи кўтарилган. Демак, Ислон Каримов бу муаммони ечиш йўллариини аллақачон ўйлаганлар.

Юқорида иқтибос келтирган нутқдан бир йил ўтгач (1990 йил) эса Ислом Каримов миллий кадрлар тайёрлашни тизимга солишни режалаштирганлигини пайқаш қийин эмас.

Қолаверса, унда 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг илк чизмаларини кўриш мумкин.

Биз ғалати вазиятга дуч келиб қолдик. Иш билан таъминланаётган аҳоли бор, иш бор аммо иш жойларда банд эмас. Кадрлардан самара олиш учун, уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим. Агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қолоқлик кишанларидан қутилмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий равишда шуғулланишимиз, замонавий касбларни эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада ҳасислик ярамайди.

Жамиятнинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун иттифоқдош ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системасини йўлга қўйиш, бу ишни аниқ ва тезкор бошлаш кераклиги ҳақида И. Каримов қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Чунки Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон жамияти майдонида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи кўп жиҳатдан бугунги авлоднинг билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишига боғлиқдир.

Бу муаммонинг муҳимлигини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Хар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир», деб таъкидлаб, келажак авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериш зарурлигига яна бир бор урғу беради. Зеро, таълим-тарбия инсонларнинг ижтимоий онг маҳсули бўлса-да, бироқ айни пайтда онг даражаси ва унинг ривожини белгиловчи мезон ҳамдир. Шу сабабли таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалиётга татбиқ этилиши бунинг ёрқин исботидир. Таълимни республикамиз тараққиётида устувор деб эълон қилиниши бежизга эмас. Чунки таълим жамият тараққиётига туртки берувчи, уни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бунда таълимнинг ўрни куйдагилардан иборат:

- мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун;

- эркин фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ҳуқуқий демократик давлатни мустаҳкамлаш учун;

- бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва таъминлаш учун.

Булар Ўзбекистоннинг таълим, маданият, санъат, фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида, жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўрин эгаллаши учун асос яратади.

Мустақил Ўзбекистонимизда таълим тизимини ислоҳ қилишга, янги таълим стандарти асосида таълим ва тарбия ишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада умумий ўрта таълим мактабларининг ўрни, хизмати бекиёс каттадир. Мактабдаги таълим ва тарбия жараёни кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Шу сабабли мамлакатимизда мактаб фаолиятига, ўқитувчи ва мураббийларнинг касбий маҳоратига катта эътибор қаратилмоқда.

Соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг савиясига, касбий тайёргарлигига, педагогик қobiliяти ва маҳоратига боғлиқдир.

Шундай экан, ўқитувчи ва мураббийнинг мустақиллик ҳоясига эътиқоди — илмий тафаккури, педагогик-психологик, услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши, педагогик вазиятларни тезда сезиши ҳамда ўрганиши, уни баҳолай олиши билан белгиланади.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш, баркамол авлодни ўқитиш, тарбиялаш ҳоят мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

Шундай экан, ўқитувчи, мураббийнинг вазифаси шарафли ва масъулиятлидир. Бу касбга чинакам ўқитувчи, мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини ошириб боровчиларгина мушарраф бўла оладилар. Педагогик қобилият ва маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш ва ижодий меҳнат маҳсулидир.

Педагогик жараёнда илғор ўқитувчининг касбий маҳоратини, тажрибаларини бошқа ўқитувчилар ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи, талабалар ўртасида ўзаро фикр алмашув, самимий муносабат, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик лозим. Таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрўсига, илми-ю истеъдодига, таълим-тарбия соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи, талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига ҳам боғлиқ. Педагог мақсадга эришиш учун доимо ўқиши, ўрганиши, изланиши, ўз меҳнатининг мамлакат учун зарурлигини чуқур ҳис этиши зарур. Ўқитувчи ва мураббийларнинг илмий савияси, ўз касбига муносабати ва маҳорати дарс ва маърузаларда кўринади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда айтилганидек, ўқитувчи тегишли маълумот эгаси бўлиши, касбий тайёргарлиги мустаҳкам, юксак ахлоқий фазилат эгаси бўлиши лозим.

Мамлакатимиз истиқболи кўп жиҳатдан ёшларимизнинг таълим-тарбияси, ахлоқи, маънавий фазилатларини камол топтириш билан бевосита боғлиқ. Айни пайтда иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишчи кучини ишлаб чиқаришга тўла сафарбар этиш ва фаоллигини таъминлашда ҳам таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида «Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз»¹.

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бу ҳар томонлама етук, баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишдир. Ҳозир боғчада, мактабда, ўрта махсус билим юртларида таълим-тарбия олаётган ёш авлод эртага жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ ҳамма вазифаларни елкаларига оладиган ворислардир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ўз тараққиётининг илк даврларидан бошлаб таълим-тарбия ишларини яхшилашга қаратилган қатор янги қонунлар қабул қилди. Юртимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият — енгилмас куч». — Т.: «Ўзбекистон», 2008 йил. — 130-бет.

ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниши, уларни ҳаётга татбиқ қилиш жараёни пухта ишлаб чиқилганлиги ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда демократия, қонунчилик асослари мустаҳкамланиб бормоқдаки, бу — ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга катта эътибор берилиши лозимлигини тақозо этади. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, албатта, биз ҳуқуқий-демократик давлат қураётганмиз, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлод ҳам юксак ҳуқуқий маданиятли инсонлар бўлиб тарбияланмоқлари лозим.

III бoб. МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЁШ АВЛОДНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИДИР

3.1. Мафкуравий таъсирнинг ёш авлод онгини ўзгаришида акс этиши ва унинг ғояга ишончини шакллантириш масалалари

Ҳар қандай инсон одамлар орасида яшар экан, доимо оила, турли қатлам, гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни, ҳар бир шахснинг феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки оиланинг ёки салбий таъсирини кўриш мумкин. Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузуми ва жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ғоявий-мафкуравий таъсирлар унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирнинг икки хили мавжуд: макродаражадаги таъсир ёки кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсири; микродаражадаги таъсир, яъни бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, менхат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳити таъсири.

Агар инсон боласининг туғилиш онларидан бошлаб унинг илк ривожланиш давлари хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб у табиатан фақат ўз ички ҳиссиётлари, туйғулари домида — муайян худбинлик доирасида ривожланади. Яъни, унинг учун ўз хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ва уларни қондиришдан ортиқ ташвиш йўқдай. Лекин ўша эҳтиёжлар орасида ота-онасига, энг яқинларига нисбатан ҳиссий интилиш, улар билан эмоционал мулоқотга киришиш истаги кучли бўлгани сабаб у инсонлар жамияти ва ундаги муносабатлар меъёрларини секин-аста ўзлаштириб боради. 3 ёшдан сўнг оиладаги

мулоқотга тенгқурлар жамиятидаги мулоқот қўшилиши муносабати билан бола худбинлик кайфиятидан янада тезроқ воз кеча бошлайди. Акс ҳолда жамият, кўпчилик унинг инжиқликларини кўтармайди. Шу тарзда соғлом мулоқот муҳити болани кўпчиликнинг фикрига эргашиш, кўпчилик ҳақ деб эътироф этган ахлоқ меъёрларини эгаллаш, инсонгарчилик тамойилларига амал қилишга ўргатади. Шундай қилиб, бола учун кенг ижтимоий муҳитдаги соғлом ғоялардан, халқ руҳининг қадриятларидан тўла баҳраманд бўлиш имконияти туғилади.

Бир қарашда инсон феъл-атворини иккинчи даражадаги таъсирларгина белгилайдигандай туюлади. Чунки, «қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, айниқса, бизнинг халқимизда одамнинг оиласи, насли-насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оқлайди ҳам. Лекин макробосқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини ҳам камситиш тўғри бўлмайди. Масалан, собиқ совет тузуми давридаги мафкура жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жихатдан эътиқодсиз бўлиб ўсишига замин яратган эдики, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон қадрини поймол этадиган сиёсат ва коммунистик ғоя сабаб бўлган. Умуман, тарихдан ҳам маълумки, қайси давлат ва мамлакатни олмайлик, зўравонлик мустамлакачилик, босқинчилик сиёсати юритилган жамият одамларининг онги ва тафаккури мустақил юрт фуқаролари руҳияти ва дунёқарашидан кескин фарқ қилади.

Инсоннинг бутун умри давомида унга нисбатан таъсирлар орасида мафкуравий таъсир муҳим ўрин эгаллайди. Мафкуравий таъсир тушунчаси муайян ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантириш, уни амалга ошириш, химоя қилиш, сақлаб қолиш, аҳолининг онги ва қалбига сингдириш ёки бу тамойилларга тескари фаолият ва хатти-ҳаракатни ифодалайди. У ўз-ўзидан, автоматик тарзда

эмас, балки муайян мақсад-муддаони кўзлаб, режа асосида амалга оширилади. Унинг муттасил, мавсумий, бирон-бир воқеа ёки ҳодиса муносабати билан тез суръатда амалга ошириладиган турлари ҳам бор. Мафкуравий таъсир жараёнида аҳолининг қатламлари, партиялар, синфлар ёки бошқа ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга, шу йўналишдаги таъсирнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари ҳам мавжуд. Аниқ бир кишига нисбатан унинг шахсий ишонч, эътиқод ва иммунитетини шакллантириш ёки мустаҳкамлаш учун ўтказиладиган таъсир индивидуал даражани ифодалайди. Бутун жамият, давлат фуқаролари орасида олиб бориладиган мафкуравий таъсир эса ижтимоий даражага мисол бўлади.

Масалан, бизнинг мамлакатимизда бугунги кунда мафкуравий таъсир ижтимоий даражада мустақиллик тафаккурини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик тафаккури тўлиқ шаклланса, унда ҳар бир фуқаро ўзининг эркин меҳнати билан ўзи ва ўзгалар манфаати ҳақида бирдай қайғуради, чунки амалга ошириладиган туб ислохотлар ҳам айнан шу юрт, шу заминда туғилиб, яшаб, меҳнат қилаётганлар манфаатини кўзлашини тўла англайди. Бундай таъсир натижасида ҳар бир алоҳида шахс онги ва шуурида вужудга келган туйғулар, фикрлар ва муносабат яхлит жамият, халқнинг фикри ва ғурурига айланганда шундай қудрат касб этадики, оқибатда кўпчиликнинг маслак ва тилаклари, фикрлаши ҳамда муносабатига айланган ғоя, тасаввур ва билимлар тизими жамият дунёқарашини шакллантиради.

Мафкуравий соҳада фикрнинг таъсирчанлиги муҳим аҳамиятга эга. «Фикр — қиличдан ҳам кучли» деган гап бор. Дарҳақиқат, ўрнида ишлатилган сўз, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, маъноли фикр ҳар доим одамларнинг хулқ-атворида таъсир кўрсатади. Бу жараёнда эзгу фазилатлар соҳиби сифатида тарбияланган кишини одатда «бамаъни

одам» деб таърифлашади. Бундан фарқли тарзда вайронкор ғоялар таъсирига тушганларга нисбатан «бузғунчи одам» ибораси қўлланади.

Мулоқот жараёнида фикрга, бирон-бир ғояга эга бўлиш масаланинг бир жиҳати бўлиб, унинг бошқа муҳим жиҳати ана шу ғоя ва фикрларни баён эта олиш қобилиятидир. Инсоний муносабатлар соҳасида етук мутахассис деб эътироф этилган Дейл Карнегининг кучи ва машҳурлиги, аввало, унинг гапириш, фикр юритиш ва ўзгаларни тинглаш қобилиятида намоён бўлган. У бир вақтнинг ўзида юзлаб одамларга мурожаат қила олар ва тингловчилар вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмас экан. Демак, нима ҳақида гапириш эмас, у тўғрида қандай гапириш ҳам ўта муҳим. Ана шундай таъсирчан гапириш маҳорати ва санъати — риторика фани бўлиб, у одамдаги нотиклик ва ўзгаларни ўз қарашларига эргаштира олиш маҳоратини назарда тутади. Мафкуравий тарбия ва таъсир жараёнида ҳам гапга чечанлик, сўз бойлиги ва уни бошқаларга етказа олиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўз — ғоявий таъсир воситаси. Ғояларни халқ, айниқса ёшлар авлоднинг онгига етказишда сўз асосий таъсир воситаси бўлган ва бўлиб қолади. Шу сабабли қадимги Грецияда риторика мактаблари ташкил этилган ва нотиклар махсус қоидалар ҳамда қонунлар асосида омма олдига чиқиб сўзлашга ўргатилган. Одамлар онгига муайян ғоя, асосан, шу йўл билан сингдирилган. XX асрга келиб, риторикага оид классик ёндашув ҳам қайта кўриб чиқилди. Американинг Йел шаҳридаги риториканинг тажриба мактаби 60-йилларда кўплаб тадқиқотлар ўтказиб, мафкуравий тарғибот ва таъсир учун фақат сўз ҳамда нутқни энг самарали восита дейиш етарли эмаслигини исбот қилди. Чунки омманинг сиёсий қарашлари ва онгига таъсир кўрсатишнинг бошқа механизмлари ҳам бор. Олимларнинг эътироф этишларича, мафкуравий фикрлар

маълум бир қарашлар тизими бўлиб, унда мантиқ етакчи ўрин тутди. Лекин инсон онги ҳар доим ҳам мантиққа бўйсунмайдими. Бу йўл ёки восита аниқ фанлар соҳасига, умуман, илм-фанга тааллуқли деб ҳисобланади. Маълум бўлишича, одамни ўзи ишонишни хоҳламаган нарсага ишонтириш ўта мушкул иш экан. Чунки у ўзининг шахсий қарашлари, манфаатларига мос келадиган нарсаларгагина ишонади. Яъни, оммага чиройли илмий иборалардан кўра, табиий, одатий, кундалик ҳаётда ишлатиладиган иборалар, сўзлар тизими тезроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Таъриба ўткир сиёсатдонларнинг ҳеч қачон ўз нутқларида мураккаб, илмий иборалардан фойдаланмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тингловчига таъсир этувчи ва унинг ишончини уйғотувчи нутқ шундай бўлиши лозимки, уни тинглаганлар ҳар бир ифода этилган сўз устида камроқ ўйланиши, аксинча, таниш, ўзига ёқимли нарсалар хусусида гап бораётганини қалбан ҳис қилиб туриши керак. Демак, нотик нутқда ишлатиладиган, жамият ва халқ манфаатини ифодаловчи ижтимоий рамзлар — сўзлар, иборалар, шиорлар, нарса ёки ҳодисалар ўша тингловчи талаб-эҳтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига бевосита алоқадор бўлгандагина таъсирчан ҳамда ишончли бўлади.

Мафкуравий таъсирнинг яна бир муҳим хусусияти борки, у ҳам бўлса, муайян қарашлар тизимини бирдан, бир вақтнинг ўзида ифода этишга интилмаслик. Чунки оддий тингловчи алоҳида фикрлар орқали ўша мафкуравий тизимнинг туб моҳиятини англаб олиши мумкин. Масалан, миллий кадриятларимизнинг аҳамиятини уқтириш учун уларнинг барчасини бир бошдан санаб ўтиш шарт эмас. Яъни, она меҳр-муҳаббатининг нақадар улкан куч экани, бунга алоқадор ноёб удумларимиз борлигини англаш учун оддий она алласининг таъсирчанлигини англаш ҳам кучли кечинмаларни уйғотиши мумкин.

Ишонч ва эътиқод — ғоявий таъсир объекти. Инсон ишончсиз, эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшай олмайди. Шахс эътиқоди шаклланиши моҳиятан ижтимоий омилларга бевосита боғлиқ деб қаралади. Бу масалага эътибор ортиб бораётганининг боиси шундаки, шахсдаги бирон-бир ғоя ва мафкурага мойиллик ҳамда мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги ишонч ва эътиқод муҳим аҳамиятга эга. «Ишонч» ва «эътиқод» одамнинг муайян қараш, таълимот, назария, ҳаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойилларини эмоционал-ҳиссий қабул қилиш жараёнида шаклланган собит фикр ва тасаввурлар мажмуини ифодаладиган тушунчалар. Бошқача айтганда, ишонч ва эътиқод муайян қадриятлар, диний ёки дунёвий маслақлар, ижтимоий муносабатларнинг инсон қалбидаги яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслақ, ишонч каби турғун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам деб атаимиз.

Шу сабабдан ҳам муайян ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантириш мафкуравий таъсирнинг энг асосий мақсадидир. Негаки, бундай ишонч-эътиқодсиз ғояни одамлар онгига сингдириш, уни ҳимоялаш, сақлаш ва келажакка етказиш борасидаги ишларнинг самараси тўғрисида гапириш қийин. Тўғри, баъзида бу эзгу ғоя ва мафкурага нисбатан ишончсизликни ҳосил қилиш, эътиқодни ўзгартиришга тарғиб этиш шаклида рўй бериши ҳам мумкин. Бундай ҳолда бирон-бир ғоя ва мафкурага нисбатан ишонч-эътиқоднинг кучайиб бориши, бошқасига нисбатан сусайиб боришини англатади.

Бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай жамият ўз ҳаёти учун муҳим бўлган ғояларга ишонч-эътиқодни муттасил мустаҳкамлаб туриши, ўзига хос мафкуравий таъсирни ана шу вазифани бажаришга қаратиш лозимлигини англатади. Жамият учун зарур бўлган ғоялардан кўзланган мақсадларни

амалга ошириш, аҳолининг, айниқса ёш авлодни ёт ва бегона мафкуралар таъсиридан ҳимояланиши, унда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади. Агар биз ёшларимизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашни шакллантира олсак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олийжаноб шахслар бўлиб камолга етади. Шу маънода, шахс эътиқоди ундаги барқарор фикр, тасаввурлар, билимлар мажмуи, мафкуравий дунёқараш ҳамда бу соҳадаги иммунитет аслида ана шундай эътиқодлар асосида шаклланади.

Шахснинг маънавиятини белгиловчи бошқа кўплаб ижтимоий-руҳий асослардан фарқли ўлароқ, эътиқод ва ишонч нисбатан барқарор ҳамда уйғун бўлиб, уни осонликча, тез фурсатда ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун уларнинг табиатини ўрганиш эътиқод ўзгаришига таъсир кўрсатиш омилларини аниқлаш масаласи билан бевосита боғлиқ. Инсоннинг турли зарарли эътиқодларга берилиш ҳолати ҳам учраб туради. Масалан, баъзи мутахассислар этник зиддиятлар ҳамда диний эътиқодлар шаклланиши ва ўзгаришига эътибор бериб, ушбу жараёнга хос умумий қонуниятларни ўрганган. Машҳур америкалик психолог Гордон Олпортнинг фикрича, эътиқод ва этник зиддиятлар ўзига хос умумлашган кўникмалар бўлиб, агар шахсда муайян бирор миллат вакилларига нисбатан салбий муносабат ёки зиддият мавжуд бўлса, демак, унда бошқа бир миллат вакилларига нисбатан ҳам худди шундай муносабат такроран намоён бўлиши мумкин.

Инсоннинг инсонлиги, унинг ҳаётдаги ўрни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг шу жамият қонун-қоидалари, қадриятларига нисбатан ишончи ва эътиқоди билан белгиланади. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида фақат битта нарсга эътиқод қилади. Масалан, франциялик машҳур сайёҳ Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни ҳамма кўрган. Бир қарашда, у бутун умрини

денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлагандек туюлади. Денгиздан жуда узоқда яшаган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчининг ҳаёти ва ишлари кераксиз бир нарсадек туюлади. Лекин бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон жуда юксак қадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа соҳалардаги хизмати кам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак эътиқоди учун ҳурмат қилади. Демак, эътиқодсизликдан қўрқиш керак, агар ҳеч нарсга ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам, аввало, фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳар доим лафзига амал қилади, яъни бир нарсани қиламан, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишини охирига етказди. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод шахсдаги журъат, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқ.

Ишонч ва эътиқод ёш авлоднинг жамиятдаги ҳуққини белгиловчи омил бўлгани учун ҳам уларни шакллантиришга энг аввало, жамоатчилик, оила ва барча турдаги таълим муассасалари жалб этилади. Бу жараёндаги ҳар бир омилнинг

таъсир кучи ишонч ва эътиқоднинг шаклланганлик даражасида яққол намоён бўлади. Бунда таъсир кўрсатувчи манба — шахс ёки гуруҳ, таъсир мазмуни, ахборот ёки маълумот, таъсир воситаси ёки маълумот етказувчи тармоқ ҳамда таъсирни қабул қилувчи ўртасидаги боғлиқлик муҳим аҳамият касб этади.

Мафкурачи бу соҳадаги асосий таъсир кўрсатувчи шахс бўлиб, у аввало, тажриба, билим, ишонтира олиш қобилияти, равон нутққа эга ва ўзига ишончи бор киши бўлмоғи лозим. Мафкурачиларнинг асосий иш услуби ўзида мавжуд билим, тушунча, ғояларни асос қилиб олган ҳолда биринчи навбатда ёшларда, қолаверса кенг халқ оммаси онгида мустаҳкам ишончни шакллантириш, уларга таъсир кўрсатиш ва ўзига тақлид этишга чорлашдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан — монолог, диалог, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгаллашини талаб қилади. Мафкурачи ўз нутқида нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Агар у ўзига берилган минбарда фақат сўз ва иборалар тизимидан фойдаланиш билан чекланса ёки қоғозга туширилган матндан четга чиқолмаса, уни аудитория тингламайди, унга ишонмайди. Шунинг учун хиссий таъсир усуллари — ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика ва пантомимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи психологик механизмлар эканини унутмаслик керак.

Мафкура тарғиботчисидан талаб қилинадиган яна бир муҳим ҳислат гапираётган кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотиққа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида воизнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимлар аудиториясида мантиқий, илмий

таҳлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.

Ахборотнинг мазмуни, яъни мафкурачининг нима ҳақида гапираётгани ҳам мафкуравий таъсирда муҳим ўрин тутати. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (ҳиссиёт уйғотувчи) маълумотлар тез таъсир қилади. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак. Масалан, ўқимишли, тушунган одамлар аудиторияси далилларга таянган, асосли маълумотни тез қабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлилар, маълумот даражаси пастроқ шахслар кўпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотга ўч бўлади. Бундайлар улардаги айрим негатив ҳис-туйғуларни қўзғатувчи маълумотларга нисбатан ҳам фаолроқ бўлади. Шунинг учун ҳам касалликка қарши ёки зарарли одатларга қарши қаратилган рекламада кўпинча даҳшат уйғотувчи расмлар берилади. Ёки фикрни ўзгартириш учун берилаётган маълумот тингловчида мавжуд бўлган билимлардан кескин фарқ қилса ҳам унда янги маълумотга нисбатан ишонч ва уни қабул қилишга мойиллик кучли бўлади.

Мафкуравий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар биринчисига газета, журналлар, китоб ва дарсликлар, ёзма манбаларда мужассамлашган маълумотлар кирса, иккинчисига маъруза ўқиш, дарсни баён этиш, мунозара ва суҳбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий ғоялар турли бадий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин. Муҳими, улар амалга оширилаётган ғояга хизмат қилиши, мафкуравий таъсирнинг самарадорлигини таъминлаши лозим.

Бу жараёнда маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини уларнинг оммабоплиги, билдирилган ёки ифода этилган ғояларнинг содда, ихчам ва раvon баён

килинишига кўп нарса боғлиқ. Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда теран муносабат шаклланади.

Ҳар бир ижтимоий таъсирда бўлгани каби бирламчилик ва иккиламчилик самараси қонунияти ҳам бор. Унинг моҳияти шундан иборатки, дастлаб қабул қилинган маълумотнинг мазмуни одамга кучлироқ таъсир қилади. Лекин, иккинчидан, тингловчи томонидан охирида эслаб қолинган маълумот ҳам хотирада мустаҳкам ўрнашади. Буни ҳам мафкуравий таъсир жараёнида, албатта, инобатга олиш зарур. Масалан, ёшлар ва болалар билан миллий ғояларимиз хусусида олиб бориладиган суҳбатларда тарбиячи ёки мураббий аввалдан саволлар тартибини ишлаб чиқиши лозим, бунда ишлатиладиган таянч иборалар катта аҳамият касб этади. Табиийки, ҳар бир жумла ёки иборанинг конкретлиги, ҳаётийлиги ва образлилиги муҳим роль ўйнайди.

Мафкуравий таъсир жараёнида таъсир воситаси (алоқа тармоғи), яъни ғоя ҳақидаги маълумотнинг нима воситасида узатилиши масаласи ҳам муҳим. Одамларга юзма-юз туриб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш энг таъсирчан усул, албатта. Таъсир воситаси бевосита ёки бавосита бўлади. Юзма-юз учрашувлардаги мулоқот ёки таълим-тарбия жараёнидаги таълим берувчи билан ўқувчи ўртасидаги алоқа ёки ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар бевосита алоқага мисол бўлса, оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, телевидение, радио, газета ва журналлар, китоб ёки рисоалар воситасидаги мулоқот бавосита алоқани билдиради.

Мафкуравий таъсир ва ғояга ишончни шакллантиришда ижтимоий реклама ёшлар онги ҳамда идрокига таъсир кўрсатувчи кучли восита сифатида муҳим ўрин тутати. Масалан, таниқли, баобруъ шахсларнинг маданий ва маънавий меросимиз, обидаларимиз олдида туриб интервью беришлари жуда самарали бўлади. Мисол учун,

Самарқанддаги Регистон майдонида интервью бераётган шахс шаҳардаги ободончилик ишлари ҳақида гапираётган бўлса ҳам, асрий обидалар томошабинда миллий маданиятимизга ҳурмат, ундан ғурурланиш туйғуларини, ўша муқаддас қадамжоларни бориб зиёрат қилиш истагини уйғотади.

Мафкуравий таъсир қаратилган ёшлар хусусида гап кетганда, қандай инсонлар ишонувчан бўлади, қандай ёшлар соғлом ғояларни ёт, бузғунчи ғоялардан фарқлай олади, деган савол ўта муҳим. Ёшлар ҳар хил, масалан, ўзи, ўз қобилият ва фазилатлари хусусида камтарона фикр юритадиган ёшларнинг янги маълумотларга, нотаниш манбаларга ишониши, эътиқод ҳосил қилиши жуда секин содир бўлади. Улар ўзларига қанчалик ишонмаса, бошқаларга ҳам шунчалик ишонмайди. Ўзи ҳақида анча юқори фикрда юрадиганлар эса маълумотларни тез қабул қилади. Лекин ўзларидаги мавжуд фикрларга нисбатан ҳам кибор, ғурури бўлгани сабабли, бошқаларнинг фикрига тез эргашмайди. Ўзини ҳали ҳолис баҳолай олмайдиган ёшларга эса содда, тушунарли маълумотлар ёқади. Мафкуравий мавзудаги ахборотлар ҳам ҳаётий, лўнда фикрларда баён этилса, уларда ижобий муносабат шаклланади. Фаол, ижтимоий жиҳатдан баркамол, маълумотли, зиёли, янгиликка ўч ёшларга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ахборот муаммоли, долзарб, баҳсталаб бўлгани маъқул. Талабалар, магистрант ва аспирантлар, ёш олимлар ва бошқалар шулар жумласидан. Маълум сабабларга кўра тарбияси оғир кимсалар тоифасига кириб қолган, ҳаётда аниқ мақсади ва маслаги йўқ, ўз устида ишламайдиган инсонлар янгиликларга, уларнинг тафсилотларига бой бўлган ахборотга ўч бўлади. Шунинг учун бундай тоифадаги кимсаларга баобрў шахслар орқали таъсир кўрсатиш маъқул. Асосан уй бекалари, қариялар, маълум сабаблар билан ногирон бўлиб, асосий вақтини уйда ўтказадиганларни ҳаётий видеофильмлар, қизиқарли

кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб қилади. Шундан келиб чиқиб, бундай ёшлар учун мафкуравий ахборот тайёрланганда, уларнинг самимиятга ўчлиги ва инсоний эътиборга муҳтожлигини инобатга олиб иш кўрилса, самарали бўлади. Кўпроқ уй ишлари билан банд бўлгани учун мулоқот ва учрашувлар уларнинг дам олиш вақтларига мўлжалланиши, миллий удумлар, расм-русумларимизнинг ноёб жиҳатларидан фойдаланиш, таъсир вақти ва жойи масаласини маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда белгилаш мумкин.

Мафкуравий ишларни ташкил этишда аудиториянинг катта ёки кичиклиги ҳам инобатга олиниши керак. 100—200 кишидан зиёд одам бўлса, бу катта, 15—100 тагача одам бўлса ўртача, 15 тагача бўлса, кичик аудитория ҳисобланади. Мафкуравий таъсир сифати катта аудиторияда воизлик маҳоратининг ўта юқори бўлиши, кўргазмали воситалардан фойдаланишда аниқликка эришиш, саволларнинг минимал даражада кам бўлишига боғлиқ. Кичик аудиторияда эса савол ва жавобларнинг максимал миқдорда бўлиши, расмийчиликдан холи бўлишига эришиш, нотиқнинг мавзуга оид билимларни мукаммал билиши, мавзунини ёритишда ижодий ёндашув бўлиши лозим. Бундан ташқари, аудиториянинг ёш хусусиятларини, уларнинг билимлари даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ўта нозик ва масъулиятли иш. Агар бу 15 кишигача бўлган кичик аудиторияларда амалга оширилган бўлса, унда тингловчи ёшлар, тарбияланувчилар ёки талаба-ўқувчиларнинг дунёқарашларини бевосита суҳбатлар, ёзма ишлар ва уларнинг ишга, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатлари орқали аниқлаб, машғулотларни қайта-қайта ўтказиш мумкин. Агар аудитория 15 кишидан 100 кишигача бўлган ўртача катталиқда бўлса, унда тадбир ёки турли мавзулардаги йиғилишларда жам бўладиган одамлар гуруҳи

назарда тугилади, унинг самарасини бир мартада аниқлаш мушкул бўлади. Чунки, бу борада шундай қонуният борки, аудиторияни ташкил этувчи одамлар сони ортиб боргани сари, уни ташкил этувчилар бир-бирига жуда ўхшаб боради. Шунинг учун 100 ва ундан ортиқ, 200, 300 кишилиқ аудиторияни тўплаб ўтказилган маънавий ва мафкуравий тадбирлар самарадорлигини оширишда жуда кўп омиллар ҳисобга олиниши керак. Бундай шароитда баҳс юритиш, фикр алмашиш ёки ёшларнинг етказилаётган маълумотни қай даражада ўзлаштираётгани бўйича мониторинг олиб бориш анча мураккаб бўлади. Чунки бу ерда ғояларга айрим алоҳида шахслар эмас, гуруҳлар эргашади. Агар муайян гуруҳ ахборотни қабул қилишга умуман мойил бўлса, унда тинглаш қобилияти бўлади, аксинча, ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмагандай ўтираверади. Мабодо, тингловчилар орасида савол берувчилар пайдо бўлса, бу савол кўпчиликка маъқул бўлмаслиги ёки айримларга ёқиши мумкин, бундай вазиятда топқирлик ва зукколик қилиб, барчага маъқул келадиган гапларни топа олиш лозим. Шунинг учун Ватан ва юрт тақдирига алоқадор муҳим мавзулардаги учрашув ва маърузалар имкон қадар торроқ давраларда, думалоқ столлар атрофида амалга оширилиши, самарали бўлиши мафкуравий таъсир амалиётида исботланган. Ғояга ишончнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари аҳолининг, айниқса ёшларнинг ғоявий тарбиялангани, ижтимоий фаоллиги, жамиятнинг маънавий соғломлиги, ёшларнинг ўзини руҳан тетик ва бардам тутиши, кундалиқ турмушда муайян ғояга эътиқоднинг тобора кўпроқ намоён бўлиб бораётгани билан узвий боғлиқ.

Шу билан бирга, ёшлар маълумотлилиқдан манфаатдорлик қайфиятининг мавжудлиги, барчада билим савиясини оширишга интилишнинг кучайиши, газета-журнал, вақтли матбуот, нашрий ишларга талаб ва таклифнинг ортиб бориши ҳам ғояга ишонч даражасини кўрсатади.

Жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг йил сайин камайиб бориши, аёллар ва ўсмирлар ўртасида содир этиладиган жиноятчиликнинг бартараф этилиши, гиёҳвандлик ва турли зарарли одатларнинг камайиши, бу жараёнда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳам бу борадаги муҳим кўрсаткичдир. Оилаларнинг мустаҳкамлиги, ажримларнинг камайиб бориши, фуқароларда қонунларга нисбатан итоаткорликнинг кучайиши ва бутун жамият миқёсида соғлом маънавий муҳитнинг шаклланиши ушбу йўналишдаги ишларнинг самарасини намоён қилувчи мезонлардир.

Ижтимоий фикрни ўрганиш маънавий-мафкуравий таъдирлар таъсирчанлигини эзгу ғояларнинг кенг халқ оммаси ва ёшлар онгига нечоғлик чуқур сингиб бораётганини билиб олишнинг ишончли йўлларида биридир. Ижтимоий фикр гуруҳёки жамият томонидан яқдил тарзда изҳор қилинадиган умумий нуқтаи назар ҳисобланади. У кўпинча социология фани томонидан ўрганилади. Ўзбекистон шароитида ижтимоий фикрнинг асосий барометри, ўлчови маҳалладир. Маҳалла аҳли ҳар бир оилада рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақдирига бефарқ бўла олмайди, фаоллар орқали ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, одамлар онги ва қалбидаги ҳис-кечинмалар ўрганилади, Шу маънода, Ўзбекистон шароитида маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсхонаси эканлиги унинг ижтимоий фикрни бошқариш имкониятларида ҳам ўз тасдиғини топган.

Ғоявий таъсирни амалга оширишда ва мафкуравий таъсир жараёнида жамиятдаги маънавий барқарорликни таъминлаш учун ижтимоий фикрни муттасил ўрганиб бориш, бунга жамоатчиликнинг энг илғор вакиллари жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий фикрни ўрганишнинг махсус усуллари қўллаган ҳолда мутахассислар иштирокида амалга ошириладиган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Бунда, асосан, сўров усуллари — анкета ёки интервью

йўли билан жамоатчилик фикри ўрганилади. Анкета ёзма сўров шакли бўлиб, унга киритилган саволлар ёрдамида ғоя ва мафкуранинг мазмунига алоқадор масалаларнинг аҳоли, айниқса ёш авлод томонидан қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш мумкин. Анкета саволлари тингловчилар онгидаги билимлар қай даражада мустахкам экани ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Бу борада жойларда, маҳалла кўмиталари, ўқув масканларида «Ишонч телефонлари» ташкил этиш ҳам мумкин. Бунда аҳолининг хабарлари орқали рўй бераётган жараёнларга, мафкурaviй ўзгаришларга, маҳалла-кўй, турар-жойлар ва меҳнат жамоаларидаги айрим салбий ҳодисаларга муносабати аниқланади, халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардан манфаатдорлиги ўрганилади. Шу билан бирга, ҳужжатлар, ёзма манбалар ва хатларнинг мазмуни, телевидение, радио ва вақтли матбуот саҳифаларида ёшларнинг фикр-ўйлари баёнини таҳлил қилиш орқали уларнинг ғоя ва мафкура моҳиятини қай даражада тушунаётгани, уларга муносабати, бу жараёндаги иштирокини ўрганиш мумкин.

Хуллас, муайян ғоя ва мафкурани ёшлар қалби ва онгига сингдириш жараёни мураккаб, кўп босқичли, ўта масъулиятли бўлиб, улар самарадорлигини муттасил ўрганиб бориш зарур. Бу, ўз навбатида, янада маҳсулдор ва таъсирчан усулларни амалиётда қўллаш, ғояга ишончни мустахкамлаб бориш, ушбу йўналишдаги ишларнинг самарасини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан одимламоқда. Бу йўлнинг моҳияти Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислom Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилган беш тамойилда ифодаланган.

«Янгилашни ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли, деб таъкидлайди Ислom Каримов, мураккаб жараён

бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради»¹.

Бу концепциянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак;

- фақат давлат, қонуний сайланган ҳокимиятгина ислохотчи бўлиши лозим. Шундагина халқ ҳаётида ижобий натижаларга эришиш мумкин;

- аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат;

- қонуннинг барча нарсалардан устувор бўлиши;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз ўтиш².

Республикада ушбу концепциядан келиб чиққан ҳолда тоталитар тизимдан мерос бўлиб қолган ижтимоий-иқтисодий вазиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган улкан иш олиб борилмоқда.

Энг аввало, кўп укладли иқтисодиётга изчил ўтилмоқда. Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини турли шаклдаги мулкчилик ташкил қилмоқда.

«Энг муҳими, замонавий билим ва тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга тайёр бўлган, кўзи ёниб турадиган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: 1-жилд. «Ўзбекистон», 1996. — 44-бет.

² Ўша манба.

навқирон авлодимиз катта ишонч билан ҳаётга дадил кириб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Бу дунёда ҳар қайси ота-она, авваламбор, болаларини ўстириш, вояга етказиш, уйли-жойли қилишдек эзгу ниятлар билан яшайди. Айниқса, ўзбек халқининг болажонлиги, ўз боласини жонидан ҳам яхши кўриши, бу борадаги фидойилиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Бугунги кунда юртимизда эртанги кунимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, деган ёшларни кўрганимда, менда худди қанот пайдо бўлгандек бўлади. Биз бунёд этаётган бу гўзал ҳаётни эртага кимнинг қўлига топширамиз? Албатта, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз, фарзандларимизнинг қўлига! Ўзбекистонда янги авлод пайдо бўлаётганини дунё тан оляпти. Бундай авлод билан эртага, албатта, мақсадларимизга етамиз» деган эдилар И.Каримов¹.

Ислом Каримов дастлаб, миллий истиқлол ғоясини «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган иборада ифодалади. Юртбошимиз шундан сўнг миллий ғояни «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» дея янада аниқ ва соддалашган ифодада илгари сурди. Давлатимизнинг Биринчи раҳбари миллий ғоя мавзусини ривожлантириб бориб. «Озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаш» фикрини илгари сурди.

«Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб

¹ Каримов И.А. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир». — Т.: «Ўзбекистон», 2015. 253–254-бетлар.

бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор», деб таъкидлаган эди И.Каримов¹.

1993 йил апрель ойида бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган «Элни Ватан манфаати бирлаштиради» мавзуидаги суҳбатда «Мафкурани ўзгартириш, соғломлаштириш бу сизларнинг соҳангиз, вазифангиз эмасми?» — деган саволни қўяркан, Ислом Каримов шундай хулосага келади: «... бизни бирлаштирадиган битта ғоя бўлиши керак. У ҳам бўлса, шу Ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир».

Ислом Каримов тарихчи олимлар билан қилган суҳбатида (1998 йил, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари) тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаб бўлмаслиги, юксак маънавиятга эришиб бўлмаслиги масаласини илгари суради. Янги тарихимизни яратиш вазифасини қўяр экан, бусиз янги миллий мафкурани муносиб тарзда яратиб бўлмаслигини, миллий мафкурамизнинг тарихий илдизларини нималар ташкил этишига эътиборни қаратади.

Муаллиф «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини» ифода этишини таъкидлайди.

¹ Каримов И.А. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир». — Т.: «Ўзбекистон», 2015. — 267–268-бетлар.

Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданок: «Маънавиятсиз ҳеч қандай тараққиёт йўқ, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқмоғимиз зарур», — дея кўрсатма берган эдилар. Чунки, мафкура — бу истиқболнинг яратувчисидир.

Ислом Каримов, миллий мафкурани эҳтиёж даражасига кўтаради. Конституциянинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қилган (1993 йил 7 декабрь) «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги маърузасида барчанинг диққат-эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратди ва «... мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалга татбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади. Янги мафкуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир», деб алоҳида таъкидлади.

Хар қандай жамият, давлат, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётда ўзининг аниқ йўли, ривожланиш тамойилларига эга бўлгани каби, миллий ғоя, миллий мафкура соҳасида ҳам қатъий тамойилларга эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, гарчи миллий ғоя, мустақиллик мафкураси, мафкуравий профилактика ҳақида кўп гапирилган бўлсада, ҳолис, илмий-методологик таъриф берилмаган эди. Ислом Каримов 1998—2000 йиллардаги қатор чиқишлари: мақолалар, суҳбатлар ва нутқларида эътиборини шу масалага қаратади. Хусусан, «Тафаккур» журналидаги «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» (1998 йил июнь), мавзусидаги мақоласида мафкура ва мафкуравий профилактиканинг зарурлиги ҳақида тўхталиб, «Мафкура, — дейди муаллиф, — ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши

муқаррар. У энгилмас ва ҳаттоки, эгилмас мафкурадир. Зеро, мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир». Ушбу мақоладаги асосий мақсад «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»лигига қаратилган.

«Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир», — деган эдилар Ислон Каримов. — Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади, ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, мақсад миллий мафкура халқни халқ, миллатни миллат қилаверсин, қўлимизда энгилмас бир кучга айлансин».

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов «Тафаккур» журналидаги суҳбатларида «Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин», деган эдилар.

Ислон Каримов «Туркистон» газетасининг муҳбири билан қилган «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» мавзусидаги суҳбатларида (1999 йил 3 февраль) эса миллий ғоя масалаларига тўхталиб, «Миллий ғоя ... у ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади», деган эдилар.

Мақолада, шунингдек, мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига солинаётган хавфлар ҳақида тўхталиб, биринчи хавф «Ислон динини сиёсийлаштириш хавфи» («Ҳизбут-таҳрири исломия», «Ваҳҳобийлик») эканлиги, иккинчи хавф собиқ Иттифоқ ғояси «Россия-Белорус иттифоқи» атрофидаги гаплар. Яна бир хавф, бу — ўзбек тарихини сохталаштириш ғоясидир.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган «Хушёрликка даъват» (1999 йил июнь) мақоласида мафкурада диний этиқоднинг аҳамияти, диний тарбиянинг ўрни, диний-экстремизм ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етишга, энг муҳими, миллий мафкура, мафкуравий профилактика асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштириш масаласини илгари сурди. Ислом Каримов файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, педагог, психолог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар ва таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан Оқсарой қароргоҳида 2000 йил 6 апрелда миллий мафкура масалаларига бағишлаб ўтказилган «Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи» мавзусидаги йиғилишда этиборни миллий мафкуранинг асосий масалалари нималардан иборат бўлишига қаратган.

2001 йил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таклиф ва ташаббуси билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепцияси яратилди. Шунингдек, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ПҚ-451-сонли Қарори билан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва унинг таркибида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика маънавият тарғибот марказининг ташкил этилиши халқимизнинг, жамиятимизнинг энг катта маънавий ютуғи бўлди. Буларнинг барчаси ёшларни ватанпарварлик ғояси руҳида тарбиялашга хизмат қилади¹.

Ҳозирги даврда ёшларни турли хил кўринишдаги зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш ва асрашда мафкуравий

¹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи маънавият ва маърифий ишлар самарадорлигини тўғрисида»ги ПҚ-451-сонли Қарори. — «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

профилактиканинг аҳамияти энг долзарб муаммолардан биридир. Чунки дунёда мафкуравий кураш давом этмоқда. Бу курашда ёшлар унинг асосий объекти бўлиб қолмоқда. Унда муайян геосиёсий, мафкуравий мақсадлар яширин ҳолда мужассамлашганлигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ёшларнинг онги ва тафаккурига таъсир кўрсатиш орқали, уларни ёт ва зарарли ғоя ва мақсадларга ошно қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатларида, дунёқарашларида ўзгариш қилиб, мамлакатда беқарорликни келтириб чиқаришга уринадилар. Ёт ва зарарли ғоялар инсонлар ҳаёти, тафаккур тарзи, мақсад ва майлларини, урф-одат, анъаналарини ўзгартириб юборадиган таъсир кучига эга. Оқибатда ёшлар зарарли ғояларнинг таъсирида «унинг жозибасига маҳлиё бўлиб», ўзларининг мафкуравий профилактика ғояси негизларига нисбатан лоқайдлик билан қараш кайфиятида бўлишлари эҳтимоли пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ёшларни зарарли ғояларнинг таъсиридан асраш ва ҳимоя қилиш мамлакатнинг мустақил тараққиётини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Бунга «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларда (2016 йил 14 сентябрь) ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшларни зарарли ғояларнинг таъсиридан асраш ва ҳимоялашни тақозо этувчи шарт-шароит ва омиллар нималардан иборат бўлиши мумкин? Бизнингча, бунда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

- биринчидан, ёшларни ижтимоий ҳаётга нисбатан, мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлиш фазилатлари мустаҳкамланиши зарур;

- иккинчидан, уларда ғоя билан ғоянинг фарқи борлигини, ҳар қандай ғоя ҳам бунёдкор ва эзгу бўлавермаслигини фарқлаш маданиятини шакллантириш лозим;

- учинчидан, ёшларда миллий ғояга ишонч-эътиқодни ва ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш зарур.

Ёшларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий, ғоявий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари билан кўпроқ таништириш, уларни илм-фан сирларини эгаллашга, касб-хунарли бўлишга бўлган иштиёқларини рағбатлантириш, иқтидорли ва талантли ёшларни кўпроқ ибрат қилиб кўрсатиш, ёшларга яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш маданиятини янада ошириш уларни миллий ғоя ва мафкуравий профилактикага бўлган ишонч ва эътиқодларини янада мустаҳкамлайди, зарарли ғояларнинг таъсирини чуқурроқ ҳис этади, уларни инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларига, инсоният қадр-қимматига, шаъни ва ор-номусига, мустақиллик ва миллий ғоянинг бош ғоясига мутлақо тўғри келмаслигини кўпроқ тушуниб етадилар.

Зарарли ғояларни фарқлайдиганлар унга тақлид қилмайдиган бўлиб вояга етадилар. Бу билан мустақилликни мустаҳкамлашга, уни асраб-авайлашга ва ҳимоя қилишга асос бўладиган инсон маънавиятига, аниқ фуқаровий позицияга эга бўлиб борадилар.

Ёшларни турли зарарли ғоялар таъсиридан асрашдан: ахборот хуружларидан, «оммавий маданият» кўринишидаги турли ахлоқсизлик иллатларидан, янгича кўринишдаги фашистик ғоялардан, тажовузкор миллатчилик, экстремизм ва айирмачилик ҳаракатларидан огоҳ этади. Ёшларнинг маънавий-мафкуравий профилактика иммунитетининг юксалиб бориши ҳар хил зарарли ғояларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги глобал ўзгаришлар даврида бунга эътибор бериш, таълим-тарбия соҳасидаги устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар миллий-маънавий меросга, мафкуравий профилактикага, демократик қадриятларга таяниб иш кўришга, ёшларни турли зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш ва асрашга қаратилган. Бугунги кунда дунё халқлари эришаётган ютуқларни ўзлаштиришга ва мамлакат

тараққиётига жорий этишда демократик жамият қуриш мақсадлари билан бевосита боғлиқдир.

3.2. Ёш авлодни миллий истиқлол ғоясини эгаллаши ва унга амал қилиши — мустақилликни мустаҳкамлаш омилидир

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси бунёдкор ғоялар ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигидан далолат беради. Шу боис мустақиллик туфайли халқимиз, жумладан ёш авлод ўз олдига янги ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзу мақсадларни қўйди. Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол ёшларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол ғоясини шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди. Ушбу эҳтиёж билан боғлиқ саволларга жавоблар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидаги фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди. Шу асосда тайёрланиб, 2000 йилда чоп этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисолада Ислом Каримов томонидан яратилган бу таълимотнинг мазмун-моҳияти қисқа ва мухтасар тарзда баён қилинди. Ислом Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси» ўқув фанини таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши ушбу йўналишдаги муҳим ҳужжатдир. Бу борада, айниқса, Ислом Каримовнинг «Юксак манавият — енгилмас куч» асари катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу асар мазкур соҳадаги ишларнинг янги босқичини асослаб берди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғояси тасодиф эмас, балки ўзига хос фалсафий асослари,

илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит назариядир. Шу маънода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурати, қонуний ҳосиласи, халқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир. Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг ўтмишдаги ва замонавий юксак маънавияти, анъана ва удумларига таянади, адолат, эркинлик, мустақиллик билан боғлиқ туйғуларини акс эттиради. Унинг асосчиси Ислом Каримовнинг таърифига кўра, бу ғоя халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ақл-заковат, иймон-этикод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир.

Миллий истиқлол ғояси халқнинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлайди, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Унинг мақсади асрлар мобайнида интилиб келинган ва ана шу узоқ йиллик кураш орқали эришилган мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишдан иборатдир. Унинг сафарбарлик кучи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғоясига садоқат руҳида тинмай меҳнат қилишда намоён бўлади.

Истиқлол мафкураси қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан ҳамжиҳат яшаш;

- диний бағрикенглик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Миллий истиқлол ғояси ўз номи билан халқ ва унинг мустақиллиги ифодасидир. Шу маънода, у дини, эътиқоди, жамиятдаги қайси табақага мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг умуммиллий мақсадини, туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олийжаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. У мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи, айниқса ёш авлод онги ва қалбида «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган тушунчани шакллантириб, мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ёшлар тафаккури ва қалбида мустақилликка садоқат, келажак ҳақида қайғуриш, ўзлигини, халқ, Ватан қадр-қимматини тўғри англаш ва уни ҳимоя қилиш — миллий истиқлол ғояси тамойиллари моҳиятини кўп жиҳатдан белгилайди.

Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга эришиш учун юртимиз ёшларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий истиқлол мафкурасининг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Миллий истиқлол ғояси — ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурчи ҳамда масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. Бу ғоянинг моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар ётади, яъни у:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэтироф

этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

— халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

— Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этади. Бу олийжаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга, эртанги кунга бўлган ишончимизга қўп жиҳатдан боғлиқ;

— миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватаннинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади;

— кишилар қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади:

— мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;

— қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;

— миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

— халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;

— давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминлангани;

— ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимоялангани;

— жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви;

— ислоҳотларнинг тадрижийлиги тамойилларига хизмат қилиши. Эътибор берсак, кундалик ҳаётимизда ана шу тамойилларга амал қилиб келинаётганига амин бўламиз. Бу, ўз навбатида, тинчлик-тотувлик ва барқарор тараққиётимиз асоси бўлиб хизмат қилади. Истиқлол мафкураси халқимизнинг ўзига хос табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуйидаги миллий хусусиятларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутди:

— халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги. Бу маҳаллачилик, ҳашар, маросимлар ўтказиш, тўй-томошаларда яққол кўринади;

— жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

— ота-она, маҳалла-қўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

— миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

— каттага ҳурмат, кичикка иззат;

— меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи аёл зотига эҳтиром;

— сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

— ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Миллий истиқлол ғояси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг — бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди. Аслида умумий манфаатлар барча халқ ва ҳамма мамлакатлар миллий ғоялари учун бирдай хос бўлиб, уларнинг таъминланиши, энг аввало, ҳар қандай давлат мустақиллигининг асосий гаровидир. Бу манфаатлар муайян жамият фуқароларининг ҳамжиҳат меҳнати ва интилишлари туфайли таъминланади.

Миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари — халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, байрам ва маросимларидаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий руҳ берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Бу ғоянинг асосида Яратганнинг энг улуғ мўъжизаси бўлмиш инсоннинг азизлиги ва мўътабарлиги тушунчаси ётади.

Шу туфайли ҳам инсоннинг азизлиги ғояси қадимдан буюк орзу бўлиб, донишмандларимиз хаёлини банд этиб келган. Инсон ўз билими ёрдамида оламни гуллайтиб яшнатади. Аммо бу билимда нафақат яшнатувчи, балки вайрон этувчи куч ҳам мавжуд. Ҳаётда эзгулик ҳукмрон бўлиши учун билим яхшиликка, адолатга хизмат қилиши зарур. Бунинг учун эса у соғлом маънавият измида бўлиши лозим. Шунинг учун ота-боболаримиз билимни ёвузлик қўлига тутқазмасликка ҳаракат қилганлар, уни маънавият билан, иймон-эътиқод, инсоф ва диёнат билан бошқаришга алоҳида эътибор берганлар. Бу тамойил халқимиз руҳини, даҳосини акс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узвий боғлиқ. Хусусан, буюк аждодимиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг

соғлом маънавият маҳсули бўлган «Куч — адолатда» деган шиори миллий ғоянинг таркибий қисмига айланиб кетган, мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, айниқса, уни бошқаришда маънавий асос бўлиб хизмат қилган. Шу боис Амир Темур салтанатида илм-маърифат юксак қадрланган, инсоннинг шаъни, ор-номуси эъзозланган, унинг мол-мулки давлат муҳофазасига олинган. Соҳибқирон бобомизнинг: «Менинг салтанатимнинг у четидан бу четига бошида олтин тўлдирилган лаганни ёш бола кўтариб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч кимса дахл эта олмайди», деган сўзлари ҳаётий ҳақиқат бўлиб, бу халқнинг менталитетига сингиб кетган эди.

Тоталитар тузум шароитида эса инсон сунъий равишда мулкдан бегоналаштирилди. Одамлар онгига мулк эгаларига нисбатан нафрат туйғуси мажбуран сингдирилди. Бу ўзгалар мулкига кўз олайтириш, ҳатто тажовуз қилиш учун йўл очди. Одамлар бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, ўғирлик ва талончиликдан жирканмайдиган ҳолатга келиб қолди, маънавий қашшоқлик муҳити пайдо бўлди. Шу сабабли ҳам тарихий хотирани уйғотиш ва ўзликни англаш бугунги кундаги муҳим вазифадир.

Демак, миллий истиқлол мафкурасининг маъно-мазмунини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Чунки тарих — буюк мураббий. У инсонга ибратли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундайди. Тарихга берилган ҳолис баҳо миллий ғоянинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигига асос бўлади.

Бундан неча асрлар аввал яратилиб, ҳозирга қадар юртимиз кўркига-кўрк бағишлаб келаётган қадимий обидалар, осори атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналаридан далолат. Улар Ватанимизнинг шонли тарихи тўғрисида яққол тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар

бир инсон қалбида ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади. Миллатимизнинг ўзига хос шарқона турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатини ифода этувчи халқ оғзаки ижоди намуналари, «Алпомиш», «Шашмақом» каби дурдона асарлар, асрий идеалларни ўзида ифода этган миллий қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти ҳам миллий мафкурамиз озиқланадиган манбалардан. Халқимизнинг эртак ва масалларида, ривоят ва афсоналарида эзгулик, адолат, тенглик, инсоний меҳр-муҳаббат тараннум этилган. Уларда Ватаннинг муқаддаслиги, инсоннинг азизлиги, илмнинг қадрлилиги тарғиб этилган. Ҳамиша ёмонлик устидан яхшилик, ёвузлик устидан эзгулик қолиб чиқиши ва ёвуз кучларга қарши курашда ҳалоллик, ҳақгўйлик, одамгарчилик, тантилик, меҳр-оқибат каби олийжаноб фазилатлар маънавий-руҳий таянч бўлиши асослаб берилган. «Алпомиш»да инсон шаъни, йигитлик орияти ҳимоя қилинса, «Шашмақом»да халқнинг асрий орзу-умидлари юксак бадиий дид билан куйга солинган. Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимизнинг Ватан тақдири учун олиб борган қаҳрамонона курашлари, она-Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ҳар биримизда чексиз фахр ва ғурур ҳиссини уйғотади. Инсон шаъни, аввало, ўзини ҳимоя қилиш, ўз қадрини билишдан бошланади. Шу маънода, халқнинг ўзини қадрлай билиши ғоят муҳим. Чунки ўзини қадрлайдиган халқ ҳеч қачон тақдирини бировга боғлаб қўймайди. Ўз қадрини билган одам Ватанига хиёнат қилмайди. Унинг қалбида эл-юртига хиёнат қилувчи ориятсиз кимсаларга нисбатан чексиз нафрат яшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдиzlари деганда, аجدодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, энг яхши урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, мустаҳкам иймон-эътиқоди ёш авлодларимиз учун намуна

эканлиги, хато, камчилик-нуқсонлардан эса тўғри хулоса ва сабоқлар чиқариш учун асос бўлиши тушунилади.

Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий негизларини, аввало, ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, диний, афсонавий қарашлар, дунё фалсафаси дурдоналари белгилайди. Қадимги юнон файласуфи Гераклит ўзининг Шарқда ўтган ғоявий устозларини, «Авесто»дек муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга «фалсафий тафаккур бешиги» деб таъриф бергани бежиз эмас. «Авесто»да ифодаланган фалсафий тамойиллар ва миллий ғоялар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, олам ва одамнинг яралиши, инсон ва унинг камолоти ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мардлик каби комил инсон сифатлари бугунги дунёқараш шаклланишига самарали таъсир ўтказди.

Бу ғоя халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқарашини акс этган эртақ ва афсоналардан, миллий қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятидаги ибратли мисоллардан озиқланади. Унинг шаклланишида Қуръони Карим ва ҳадисларда зикр этилган ҳикматлар, дунёвий ва диний қарашлар, халқимизнинг эзгу ғоялари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада донишманд аждодларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, ўнлик санок системасини бутун инсоният учун энг қулай бўлган ҳисоблаш тизимига айлантирган, инсониятга «Алгебра» фанини ҳадя этган, алгоритмик кетмакетлик услуги ҳақидаги илк ғояни кашф қилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари, табиатшуносликка оид қатор фанларни кашф этиб, том маънода Шарқ натурфалсафасининг отаси бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари бугунги кун учун ҳам муҳим. Фалсафа тарихи, мантик, муסיқашунослик, ахлоқ сингари соҳалардан ташқари, социологияга оид илк фалсафий тизимни ишлаб чиққан Абу Наср Форобийнинг

адолатли жамият ҳақидаги қарашларининг ўз ўрни бор. Нафақат тиббиёт фанининг асосчиларидан, балки мантиқ илмида ҳам мутафаккирлардан бири бўлган, рационализм ва иррационализмни синтез қилиш асосида инсон руҳиятини нигилистик инқироздан асраб қолган, XX аср Ғарб файласуфлари, экзистенциалистлари томонидан Ғарбий Европани маънавий тушкунликдан қутқарилишида асос бўлган ана шу ғоя асосчиси — Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти ҳам бунда ўз ўрнига эга. Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Аҳмад Дониш ҳамда асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлиларнинг фаолияти ҳам миллий истиқлол ғоясининг теран томирларидир.

Бу ғоянинг фалсафаси, унинг маъно-мазмуни, асосий тушунча ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида чуқур ифода этилган. Бу асарларда мамлакатнинг ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари, олдимизга қўйилган устувор вазифаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси умуминсониятнинг бой тарихий ўтмишига, шунингдек, қадимги Шарқ, Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам таянади. Хусусан, Суқрот, Платон, Аристотель сингари мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз кадр-қимматини йўқотмай келаётган доно фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва ҳозирги замон намояндаларининг қарашлари ҳам миллий истиқлол мафкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлашда муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Платоннинг

«ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, гуманистик замонавий фалсафий оқимларда илгари сурилаётган ғоялар ҳам миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Хуллас, ўтмиш фалсафаси, азалий эзгу ғоялар ва тарих сабоқлари миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ёш авлодни эзгу идеалларга ишонтириш, уларни шу идеалларга эришиш йўлида уюштириш, олийжаноб мақсадлар сари сафарбар этишда тарихий ва фалсафий асослар бу ғоя учун улкан аҳамият касб этади. Чунки халқнинг ўз тарихини билиши, ўзлигини англаши, руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишга шайлиги унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий ғояга ишончи билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур идрок этиб, бугунги долзарб вазифалар ва келажакни англашга ёрдам беради. Эски иллатларнинг тобора барҳам топиб бориши, янгича фикрлаш ва замонавий тамойилларга интилиш истиқлол мафкурасидан келиб чиқадиغان вазифаларни тўла адо этишда муҳим ўрин тутаяди.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий таянч нуқтаси ҳам ижтимоий даражадаги миллий ўзликни англата олишида. Яъни, миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамагунча, у ўзининг обрўи, кадр-қиммати, орномуси ҳақида қайғура олмайди, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис этмайди. Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. У Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб, Қадим ўтмиш ва Буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятнинг энг кўҳна ўчоқларидан биридир. Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган

цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган.

Миллий истиқлол мафкураси ёш авлоднинг бунёдкорлик салоҳияти ва танлаган йўлининг тўғрилигини англаш омили ҳамдир. У ўтмишни келажак билан боғлайдиган маънавий кўприк бўлиб хизмат қилади. Яъни, халқимизнинг эришган маънавий бойликларига эгалик қилишига, онгимизга, шууримизга сингиб кетган ўзбекона тафаккур тарзи орқали бугунги воқелигимизни акс эттиришда, уни бошқаришда ва бой тарихий тажрибаларга таянган ҳолда келажакимизни бунёд этишда ғоявий таянч бўлади. Бу ғоя турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен — ижтимоий ҳодиса. Унда бирон-бир дунёқараш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди. Балки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, миллат ва қавмлар, гуруҳ ва қатламларнинг юқорида қайд этилган умумий манфаатларини ифодалайди.

Миллий истиқлол ғояси ёш авлодимизнинг тарихий хотирасини уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони ҳамдир. Халқнинг ижтимоий даражадаги ўзлигини англаши тарихий хотиранинг уйғониши билан узвий боғлиқ. Шу туфайли халқ ўзининг ўтмишидан сабоқ чиқаради, қай мақсад сари, қандай йўлдан бориш лозимлигини аниқлайди ва шу асосда ўз истиқболини белгилайди.

Миллий истиқлол мафкураси юқорида қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина жамият ҳаётида етакчи муҳим мафкуравий вазифаларни бажара олади. Улардан бири — ёш авлодимизни мустақил дунёқарашини ва эркин тафаккурини шакллантириш заруриятидир. Бусиз жамиятни

демократик тараққиёт йўлига олиб чиқиб бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бир қолипга солинган тоталитар тузум тазйиқидан қутулдик. Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафқуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафқурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончи ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди»¹. Бу шунинг учун зарурки, мустақил фикр юритувчи инсонгина ижобий нарсаларни бунёд қилишга, зарур моддий ва маънавий бойликлар яратишга, ҳаётни яхши томонга ўзгартиришга қодир бўлади.

Бу борада ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз лозимлиги асосий тамойилга айланиши керак. Халқимизга хос бўлган иймон-этикод, инсофдиёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш ҳам миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисмидир. Бундай олийжаноб инсоний фазилатлар аслида халқимизнинг қониди бор. Фақат тарихимизнинг муайян даврларида ёт ҳукмрон мафқуралар тазйиқи остида улар тўла-тўқис намоён бўла олмаган. Шунинг учун ҳам биз ушбу шарқона фазилатларни, улардаги инсон учун ибрат бўладиган жиҳатларни эъзозлашимиз, ривожлантириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаришимиз, уларни тарғиб этишимиз лозим. Халқимизга хос меҳмондўстлик, уй-рўзғор юритиш маданияти, оиладаги, қариндошлар, дўсту биродарлар ўртасидаги самимий муносабатлар каби одат-

¹ Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»: 3-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1995. — 34-бет.

удумларнинг ибратли жиҳатлари кўп. Лекин бу барча урф-одатлар ҳам бирдек ибратли дегани эмас. Айниқса, баъзан учраб турадиган миллий қадриятларимизга зид бўлган манманлик, ўзини кўз-кўз қилиш, исрофгарчилик, ортиқча дабдабазлик, юзаки хушомадгўйлик каби қусурлар анъаналаримизга доғ туширади.

Ватанимизнинг ютуғи ҳам, равнақи ҳам шу юртда яшовчи фуқароларнинг барчасига бирдек тааллуқли. Шу боис, ҳар бир фуқаро қалбида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Шундагина барча фуқаролар қалбида Ватан истиқболи учун фаол бўлиш, эл-юрт учун фидойилик туйғулари янада кучайиб боради. Миллий истиқлол ғояси ватандошларимиз тафаккурида нафақат ўзлигини англаш, тарихий хотирага садоқат, балки муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни келажакка омон-эсон етказиш каби тушунчаларга ҳам таянади. Бу муҳим жиҳат унинг халқ ўтмиши, мероси, тарихи билан узвий алоқадорлигини кўрсатади. Бунда халқнинг ўчмас тарихий хотираси, асрлар мобайнида асраб-авайлаб, ривожлантириб келаятган қадриятлари мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай миллий ғоя ва мафкуранинг амал қилиш тамойиллари мавжуд бўлади. Миллий истиқлол ғояси ҳам худди шундай бўлиб, унинг амал қилиш тамойиллари ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Бу тамойиллар амалий фаолият, жамиятимиз аъзоларининг яшаш тарзи, хатти-ҳаракати, фаолияти учун маънавий мезон сифатида муҳим аҳамият касб этади,

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари бир бутунликда, чамбарчас алоқадорликда намоён бўлади. Масалан, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги қонун устуворлигига, бу эса жамият ҳаётининг эркинлашуви, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига кенг имкониятлар яратади. Ўз навбатида,

миллий қадриятларга ҳурматни шакллантириш Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги каби эзгу ғояларга содиқлик туйғуларини тарбиялайди. Буларнинг барчаси бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Миллий истиқлол ғояси инсонпарварлик тамойилига амал қилишни тақозо этади. Мамлакатимизда халқимизнинг муқаддас қадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб, шунингдек, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда инсонпарвар жамият ва демократик давлат барпо этилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси ва мамлакатимиз қонунларида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари тўла қафолатланган. Бу ҳуқуқий асосга таянган ҳолда ғайриинсоний қарашларнинг ҳаётимизга таъсиридан мутлақо халос бўлиш, халқнинг куч-қудратини заифлаштирувчи айрим маънавий нуқсонларга барҳам бериш жараёни изчил амалга оширилиши керак. Бу эса демократия моҳиятини том маънода англаб етишни, ҳокимият органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар маданиятини янада юқорига кўтаришни талаб этади.

Миллий истиқлол ғояси виждон эркинлиги тамойилига ҳам таянади. Виждон эркинлиги одамзод азал-азалдан интилиб келган, хилма-хил даража ва кўринишларда амалга оширган умуминсоний тамойиллардан биридир. «Виждон эркинлиги» «эътиқод эркинлиги» тушунчасидан кўра кенг мазмунга эга. «Эътиқод эркинлиги» инсоннинг бирор-бир ғояга, жумладан динга эътиқод қўйишда ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. Виждон эркинлиги эса муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслигини ҳам англатади. Инсон диндор, динсиз, даҳрий ёки художўй бўлиши, бут ва санамларга сиғиниши, бутунлай худосиз бўлиши ҳам мумкин. У дунёвий ёки диний билимлар тарафдори сифатида намоён

бўлиши мумкин. Аммо бу — ана шу кишини айблаш учун асос бўлмайди, балки кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиши ёки бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади, демакдир. Аммо бу тамойил виждон ва бурч, жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимаслик дегани эмас. Балки, кишининг ишончи, эътиқоди соҳасидаги англаб олинган эркинлиги, жамият қонунларига мос ҳаёт кечириши демакдир.

Фикрлар ранг-баранглигини қарор топтириш — миллий ғоямизнинг тамойилларидан бири, демократик жамият барпо этишнинг асосий шарти. Демократия давлат ва жамият қурилиши, уни идора этишнинг энг мақбул шакли сифатида ҳар бир фуқарога ўз қарашларини, фикрини эркин ифода этиш учун шароит яратади. Бу эса инсоннинг мамлакат сиёсий-ижтимоий, маданий, иқтисодий ҳаётидаги иштирокини, қонунларни ишлаб чиқишда, уни ҳаётга жорий этишдаги фаоллигини таъминлайди. Миллий истиқлол ғоясининг ушбу тамойили оламдаги турли-туманлик билан инсоният дунёсидаги хилма-хилликнинг, одамлар фикрлаши, орзу-умидлари, ғоя ва мақсадлари соҳасидаги ранг-барангликнинг уйғунлигини ҳам ифодалайди. Фикрлар ранг-баранглиги миллий истиқлол мафкурасининг такомиллашишига ёрдам беради. Ана шу асосда бу мафкура хилма-хил фикрлар билан бойиб боради, турли ғояларни ўзига доимий сингдириш имконига эга бўлади.

Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги — миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамият ҳаётининг, хусусан, мафкуравий жараёнларнинг ҳам ҳуқуқий меъёрлари аниқ белгилаб қўйилган. Конституциянинг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат

мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»¹, деган қоида мустаҳкамланган. Бу, ўз навбатида, фуқаролар онгида истиқлол дунёқарашини шакллантириш, уларнинг жаҳон тажрибасини, умуминсоний демократик қадриятлар моҳиятини ўрганишни талаб этади. Миллий истиқлол ғояси эркин фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида халқ тасаввурини ўзгартириш ва янгича маъно-мазмун билан тўлдириш, ҳуқуқий давлатчиликка хос тамойилларни турмуш тарзига айлантиришда умуминсоний қадриятларга таянади. У халқнинг орзу-умидларини умуммиллий даражада юксалтириб, одамларни умумбашарий интилишлар томон етаклайди.

Миллий қадриятларга содиқлик тамойили миллий ғоянинг таянчидир. Мустақилликка садоқат ҳиссини барчада баробар шакллантириш, фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу туйғуга Шарқ, айниқса, ўзбек оилаларида болалар тарбияси жараёнида катта аҳамият берилади. Шу билан бирга, маҳалла ва мактаблар, ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари ҳам бу борада ўз ўрнига эга. Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаши, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Аждодларимиз мероси, маданий бойликлар, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш бу тамойилнинг асосий жиҳатидир.

Жамият ҳаётини демократлаштириш миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойилларидан биридир. Мамлакатимизда демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ муддатли жараён. Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2012 йил. — 5-бет.

Биринчи Президенти Ислом Каримов буни қуйидагича таъкидлаган эди: «Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир»¹. Аммо бу йўлни имкон қадар қисқа муддатда босиб ўтиш, демократияни жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омилга айлантириш, бир томондан, жаҳон халқлари анъаналарини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришни, иккинчи томондан, аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги қарашларини бугунги кунга мослаштириб, миллий қадриятларимиз заминиди жорий этишни тақозо қилади.

Маълумки, шарқона демократиянинг қатор жиҳатлари мавжуд. Бу ғоявий-фалсафий асосда шаклланган инсон-парварликдир. Масалан, Форобий, Амир Темур, Низомулмулк, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг сиёсий қарашлари негизида турли даврларда ўзига хос сиёсий маданият шаклланган. Шарқ сиёсий фалсафасининг муҳим жиҳатларидан бири «меъёр» тушунчасига катта аҳамият берилганидир. Аслида демократия — меъёрга асосланган сиёсий маданият. Бу меъёр ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва тенглик ўртасида бўлган мувозанатни ҳам англатади. Шарқда одамларнинг ҳокимият ва сиёсий муносабатларга бўлган муносабати азалдан ўзига хос хусусият касб этган ва бу сиёсий муносабатларнинг нозик жиҳатлари билан изоҳланади. Шарқ мутафаккирлари давлатни, аввало, жамият тараққиётидаги икки муҳим омил — ижтимоий

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон». — 160-бет.

барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий адолат мезонларини амалга ошириш воситаси деб тушунган, қонунчилик ва меъёрий тизимлар ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилган. Бундай анъана Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ бутун дунё меъёрий тизимига ва конституциячилигига кучли таъсир кўрсатган. Амир Темур «Тузуклар»и бунинг яққол далили. Яна бир масалага алоҳида эътибор бериш зарур. Шарқ халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори мақом ва мартабага эга бўлиб келган. Кўпгина анъанавий ижтимоий институтлар, хусусан, маҳалла ва ўзини ўзи идора қилиш ташкилотлари, асосан, жамоатчилик фикрига таянган. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри ҳар доим давлат қарорлари қабул қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган.

Хуллас, Шарқ халқлари, хусусан, мамлакатимиз аҳолисида азалдан ўзига хос демократик анъаналар мавжуд бўлган. Ўз менталитети, моҳиятига кўра, умуминсоний қадриятларга нисбатан ўта хайрихоҳлиги туфайли, халқимиз замонавий демократик қадриятларни ҳам тез ўзлаштириб олиши шубҳасиз. Бу, албатта, халқимизнинг тарихий-ижтимоий анъаналаридаги демократик ғоялар, тажрибалар, хусусан жамоа демократияси намуналари билан ҳам боғлиқ. Бугунги шарқона демократияда кадр, оқибат, андиша, катталарга ҳурмат, она-заминни ардоқлаш борасида ўзига хослик яққол намоён бўлади. Булар эса миллий истиқлол ғояси амал қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол мафкураси ҳаётни эркинлаштириш ғоясига таянади. Ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, аини пайтда, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган инсонгина миллий ғоя тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-хуқуқини таъминлаш, гуманизм

ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётининг асосий мезонига айланиб бормоқда. Жамиятда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик, порахўрлик каби иллатларнинг пайини қирқиш, одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олийжаноб фазилатларни тарбиялаш миллий ғоя таъсирчанлигини оширибгина қолмай, демократик жамият барпо этиш борасидаги интилишларимиз самарадорлигини оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолиятида эркинлаштириш жараёни амалга оширилмоқда, жамоат ташкилотларининг янги қиёфаси шаклланмоқда, яъни сиёсий тизим модернизацияси юз бермоқда. Бу жараёнга миллий истиқлол ғояси тамойилларини узвий тарзда сингдириб бориш ва уларни демократик институтлар фаолиятининг таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларни эркинлик тамойили асосида яшаш ва фаолият юритишга ўргатишда турли жамоат, ижодий, илмий ташкилотлар, институтлар, сиёсий партия ва ҳаракатлар, жамғармаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти катта. Бу борада давлат органлари, оммавий ахборот воситаларининг ташаббускорлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Бунда ушбу тамойилнинг халқимиз хоҳиш-иродаси, миллий манфаатларига мувофиқлиги, ҳар бир кишида Ватанга содиқлик ва миллий ғурур туйғусини ўстиришга йўналтирилганлиги, ҳар бир фуқаронинг амалий фаолияти, турмуш тарзи, табиатидан келиб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол ғоясининг тамойиллари шахс эркинлиги, жамият учун фойдали ишларда инсоннинг фаоллигини ошириш, умуминсоний меъёрларнинг бойитилиши, кишиларда янгича муносабатлар қарор топиши

учун кураш олиб боришни ҳам англатади. Бундан кўзланган асосий мақсад – демократик ўзгаришлар ҳаётимизнинг муҳим йўналишига айланган ҳозирги даврда миллий истиқлол руҳида фикрловчи, ўз фаолиятида бунга амал қилувчи комил инсонларни вояга етказишдан иборат. Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишиларгина яратади, уни янги босқичга олиб чиқади. Бундай кишиларни вояга етказмай туриб, миллий истиқлол ғояси тамойилларининг амалга ошганлиги тўғрисида фикр юритиш қийин. Бу эса ана шундай кишиларни тарбиялаш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

3.3. Мафкуравий профилактика руҳида тарбияланган ёшларнинг Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамият барпо этишдаги ўрни

Ёшлар масаласи ҳамма вақт омма эътиборини жалб қилиб келган. Ўзбек халқининг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний «Менга ёшларни кўрсатсангиз, мамлакатимиз эртаси қандай бўлишини айтиб бераман», деганида минг бор ҳақ эди.

Жаҳоннинг машҳур ёзувчиси Чингиз Айтматов «Агар мендан ҳаётимиздаги энг лаззатли онлар тўғрисида сўрашса, шубҳасиз, ёшлигимни, инсон руҳининг ёшлигини айтган бўлардим», деган эди. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакат ўзига хос тарзда ёшлар сиёсатини белгилаб олади.

Ўзбекистоннинг файласуф, психолог, жамиятшунос олимлари ўртасида умуман, ижтимоий психология ва хусусан, ёшлар психологиясининг фалсафий-методологик муаммоларига, шу жумладан, талаба-ёшлар психологиясига қизиқиш кучайгани яққол сезилмоқда.

Шунинг учун ҳам талаба-ёшларнинг ижтимоий руҳиятини назарий-амалий ва илмий таҳлил қилишни бугунги кун ҳаётининг ўзи тақозо этаяпти. Чунки ёшлар

жамиятнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 62 фоизини болалар, ўсмирлар, 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Талаба-ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий юксалишининг муҳим субъектларидан бўлиб, ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таъсир ўтказадилар ва ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайдилар.

«Бу йўлда энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир», деб таъкидлаган эдилар Абдуғаниевич Ислом Каримов.

Ўзбекистоннинг эртанги порлоқ келажаги қандай бўлиши ана шу талаба-ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялашда маънавий мерос имкониятларидан фойдаланишга, маънавий-мафкуравий дунёқарашига, ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнлардаги фаоллигига боғлиқ бўлади.

Дунёқараш билан боғлиқ қоидалар, миллий урф-одатлар, анъаналар ва маданият ҳам ёшларнинг демократик давлат қуришдаги фаоллигига таъсир кўрсатади.

Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» асарида илгари сурилган мафкуравий ғояларда мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш, жумладан, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, жамиятимизда аёллар, кексалар ва ёшларнинг ўрни, уларга янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ масалалар; ҳар бир ҳудуд ва минтақа бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган режалар, устувор лойиҳалар; қадимий ва янги тарихимиз ҳақида, собиқ советлар тузуми моҳиятини фош этадиган мисоллар, бугунги кунда дунёнинг айрим

худудларида бу тузумни тиклашга бўлаётган ҳаракатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлари ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини куйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани китобнинг қимматини янада оширади.

Давлатимиз Биринчи раҳбарининг сайловолди учрашувларидаги маърузаларида кейинги 7 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар билан узвий боғлиқ ҳолда қилинган қиёсий таҳлили, ҳар қайси ҳудуднинг келгуси ривожини белгилаб берадиган асосий истиқбол режалари аниқ факт ва қадамларда акс эттирилади.

Таъкидлаш жоизки, Биринчи Президентимизнинг сайловолди учрашувларидаги чиқишлари яна бир ўта муҳим масала — Ватанимиз мустақиллиги биз учун энг буюк неъмат, улкан имкониятлар манбаи эканини чуқур англаб, уни бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатардан огоҳ бўлиб яшашга дунёга очик кўз билан

қараб, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олишга даъват этиши билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Яқин ўтмишда, мустабид тузум даврида бошимиздан кечирган оғир кунлар ҳақида Юртбошимизнинг яна бир фикрига эътибор берайлик:

«Юртимизда 90-йилларда юзага келган муаммонинг илдизи собиқ тузум даврига, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган, пахта етиштириш энг катта мақсад саналиб, ҳатто, одамларнинг ҳаёти ва саломатлигидан устун турган ўша мустабид замонга бориб тақалади.

Халқимиз ўша пайтда чидаб бўлмайдиган шундай азоб ва уқубатларга гирифтор этилган эдики, бунини сўз билан ифодалашнинг ўзи қийин. Далада ишлаб турган одамларнинг устидан самолётдан заҳарли дорилар сепилгани, қанча-қанча болалар сариқ касаллиги ва бошқа дардларга йўлиққани бу залда ўтирганларнинг ҳали эсидан чиққани йўқ.

Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тўлалигича кейинги авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг келажак олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади.

Ўша машъум кунларни кўрган кишилар, фахрийларимиз ҳаёт эканидан фойдаланиб, бу борада кўпроқ маълумот тўплаш, уларни тизимлаштириш устида ишлайдиган олим ва мутахассислар бўлса, мен бундай ташаббускор одамларни шу муқаддас заминни севган ватанпарвар, юртпарварлар деб қабул қиламан ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрман.

Инсоннинг табиати шундайки, вақт ўтиши билан ёмон воқеалар унинг эсидан чиқади. Бир томондан қараганда, бу тўғри. Чунки инсон бошидан кечирган бахтсизликларни, эзилган кунларини эслашни хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабоқ чиқариб яшаши лозим.

Мен, авваламбор, ёшларимизга қарата айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди».

Давлатимизнинг Биринчи раҳбари бу ҳақда куюниб гапира туриб, нафақат яқин тарихимиз, балки ўтмишимизнинг бошқа даврлари ҳақида ҳам ҳаққоний фикр билдирган, тарихимизда рўй берган аччиқ ҳақиқатлардан барчамизни огоҳ этганлар:

«Тарихимиздаги оғриқли даврлардан хулоса чиқариб яшашимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлатни куриш учун маърифатли, тарихни биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак.

Авваламбор, Ватанини жонидан азиз кўрган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган насиҳатларини юрагимизга, қон-қонимизга, суяк-суягимизга мустаҳкам жо қилишимиз лозим ва болаларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз даркор».

Чиндан ҳам, бир ҳақиқатни барчамиз тан олишимиз керак. Бугунги кунда нафақат ёшларимиз, айни пайтда, ёши улуғ юртдошларимизнинг ҳам аксарияти яқин тарихимиз ҳақида тўлақонли тасаввурга эга эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сайловолди учрашувларида ўтган асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Марказнинг Ўзбекистонда «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тухмат ва бўҳтонлар билан амалга оширган оммавий қатағонлари ҳақида Ислом Каримов томонидан билдирилган ҳаққоний фикрлар ҳар бир юртдошимизни ҳаяжонга солмасдан қўймайди.

Муҳтарам Биринчи Юртбошимиз билдирган бу фикрлар, аввало, факт сифатида ноёблиги, яъни бошқа манбаларда учрамаслиги билан ғоят муҳим бўлса, иккинчидан, улар

мустақиллигимиз ва миллий давлатчилигимизнинг асосчиси, ҳаётнинг жуда кўп машаққатли синовларини бошидан ўтказган, шу синовларда тобланган, Ватанимиз озодлиги ва ободлиги учун ҳаётини бағишлаган инсон, улкан давлат арбоби томонидан айтилгани билан янада беқиёс аҳамият касб этади.

Биринчи Президентимиз ўз халқини севиш, унинг тарихи, маданияти билан фахрланиб, ғурурланиб яшаш ҳақида фикр юритар экан, айти пайтда ўтмишда эл-юртимизга нисбатан уюштирилган зулм ва зўравонлик, қатағон ва тазйиқлар учун бирон-бир халқ ёки миллат эмас, аксинча, фақат зўравон тузум айбдор эканини унутмасликни таъкидлаб, бу борада бирёқлама қараш ва ақидаларга, шовинизм, миллатчилик каби хавфли иллатларга берилиб кетиш номақбул эканидан огоҳлантиради: «Биз аламзада эмасмиз, кечаги ҳаётдан норози бўлиб, кимгадир қандайдир талаб қўйишдан ҳам йироқмиз. Кимлардир бир вақтлар юртимиздан улкан бойликларни олиб кетган бўлса, майли, бойлик топилади. Аммо шуни билиб қўйинглар, бизнинг энг катта бойлигимиз — бу халқимиз, ёшларимиздир».

Ўзбекистонда Биринчи Президент Ислон Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар барчамизга яхши маълум. Ана шу ишларнинг узвий давоми сифатида олдимизда турган долзарб мақсад-вазифалар сайловолди тадбирларида кенг ёритилиб, таҳлил этиб берилган.

Энг муҳими, бу вазифаларнинг барчаси мамлакатимизни янги босқичда тараққий эттиришга қаратилган стратегик дастурнинг ажралмас бир қисми ҳисобланиб, уларнинг бирини бажармасдан туриб, иккинчисини адо этиб бўлмайди.

Айни шундай қараш ёш авлод тарбиясида марказий ўринда туриши, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизга нафақат шароит ва имкониятлар яратиб бериш, айни пайтда уларни шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлишга даъват этиш, «менинг даврим келади, деб эмас, аксинча, ўз даврим, ўз келажагимни ўзим яратаман», деб яшашга ўргатиш ҳаёт талаби эканига ушбу маърузаларда алоҳида эътибор қаратилди.

«Бугунги учрашувимизда мен ёшларимизга қараб айтмоқчиман: агарки қачон биз хоҳлаган замон келса, ана ўшанда муродимизга етамиз, деган фикр билан бемалол юрадиган бўлсак, билиб қўйинглар, бундай замон ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди, — деган эди Биринчи Юртбошимиз ёшларга мурожаат қилиб. — Ўзимиз истаган замон учун курашиш, керак бўлса, ўзимизни, бутун борлиғимизни беришимиз лозим. Шундай интилиш билан яшасак, нафақат ўз ҳаётимиз, балки келажак авлодларимиз ҳаётини, уларнинг эртанги ёруғ кунини ўзимиз, қўлимиз билан барпо этган бўламиз».

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда айни шу борада амалга оширилаётган тарихий ишлар туфайли ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, онгимиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгармоқда. Ёшларимиз билан бирга барчамиз ҳам ўсиб-улғайиб, мутлақо янги одамларга — мустақил юрт эгаларига айланмоқдамиз. Бундай туб ўзгаришлар моҳиятини англаш учун кечаги ва бугунги кунимизни қиёслаш, таққослаш кифоя.

«Ҳозирги кунда юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, энг муҳташам, энг кўркем бинолар бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият, санъат ва спорт масканлари эмасми?

Илгари бундай иморатлар қаерда эди? Биз, айтайлик, кимнидир ҳайратда қолдирмоқчи бўлсак, меҳмонларни қаерга олиб борар эдик? Қорамоллар боқиладиган фермага.

Шунча сигиримиз бор ва улардан йилига бунча сут олинади, деб мақтанар эдик. Бугун биз нима билан мақтаняпмиз, мақтаниш объекти ва субъекти ким бўлди? Бизнинг таълим-тарбия масканларимиз ва уларда ўқиётган болаларимиз эмасми? Айни шу йўлни танлаганимиз энг тўғри, тарихий қадам бўлди. Чунки бизнинг эртанги кунимизни ким қуради — болаларимиз қуради, индинги кунимизни ким қуради невараларимиз қуради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, энг тўғри йўл таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, янада мустаҳкамлаш йўлидир. Биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Янги-янги мактаблар қуриш, замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш, коллежларни битириб чиқаётган болаларимизни тўлиқ иш билан таъминлаш масалалари доимо эътиборимиз марказида туради».

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, Ислом Каримов ҳар қайси вилоят ёшларининг ҳудудларини айни улар яшаётган ҳудуд ютуқларига, уларнинг олдида турган вазифаларни эса улар туғилиб вояга етган воҳа, шаҳар ва албатта, мамлакат тарққиётига оид вазифаларга боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Бундай диалектик қараш, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни ўз туғилиб ўсган юрти билан бирга, бутун Ўзбекистоннинг тақдири ва келажагини ўз тақдири ва келажаги деб билишга ундаши, уларнинг қалбида она Ватанга фарзандлик меҳри ва садоқатини кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Бу фикрни куйидаги мисол ҳам тасдиқлайди:

«Ёшлар ҳақида мен бошқа вилоятларда ҳам кўп гапираман. Бугун Тошкент вилоятининг ёшларига қарата, болаларим, сиз шундай бир замонда яшаяпсизки, ўзингизни кўрсатишингиз, бор имконият ва салоҳиятингизни ишга солишингиз мумкин, деб айтмоқчиман. Ўзингиз қаранг, сизларнинг бугун ҳар қадамда ташаббус кўрсатишингиз учун қандай имкониятлар яратилган. Яъни, сизнинг

қалбингизда ўз юртини севиш, шу юрт учун ёниб яшаш туйғуси бошқача бўлиб, бу — сизларнинг бахтингиз, десак, тўғри бўлади».

Биринчи Президентимизнинг сайловолди учрашувларидаги нутқ ва маърузаларида баён қилинган устувор йўналишлар, долзарб фикр ва ғоялар ҳақида, уларнинг бугунги ва эртанги тараққиётимиз учун нақадар улкан аҳамиятга эга экани хусусида, албатта, узоқ сўз юритиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг барчаси халқимиз, Ватанимиз тақдири ва истиқболига бевосита дахлдор экани, тараққиётимизнинг янги уфқларини белгилаб бериши билан эътиборимизни тортади, қалбимиз ва онгимизга муҳрланиб қолади.

Яна бир муҳим томони шундаки, ушбу китобда чуқур маъноли, теран ҳаётий фалсафа билан йўғрилган шундай ёрқин, таъсирчан фикр-мулоҳазалар борки, уларни ҳеч иккиланмасдан ҳикматли иборалар, афоризм сифатида қабул қилиш мумкин.

Хурматли китобхон, қуйида келтирилаётган баъзи мисоллар билан танишиб, ўзингиз ҳам бу фикрга ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлаймиз:

«Биз учун ягона мафкура, бу — Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир».

«Мустақилликка, сиёсий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, иқтисодий мустақилликка эришиш керак. Ўзини бошқа бировларга ипсиз боғлаб бермаслик керак».

«Бировнинг қўлига ва юзига қараб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустақиллиги тўлиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шу: фақат ўз куч-қудратига ишонган халқгина ўз мурод-мақсадига етади».

«Бу дунёда қуруқ гапга эмас, аввало, ҳар томонлама ишончли, синалган, ҳаётнинг ҳақиқий синовидан ўтган одамларга ишониш керак».

«Хаётда мақсадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу ҳам бўлаверади, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинглар, ҳаммамизнинг душманимиздир».

«Эзгу мақсадларимизга етиш учун бугун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмасак, ўзимизни қийнамасак, эртага ҳаёт бизни қийнайди. Бу бешафқат ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик зарур».

Албатта, мухтарам Биринчи Президентимизнинг сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқ ва маърузаларидан олинган бундай ихтибосларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Жойларда бўлиб ўтган бу учрашувлар фақат тайёр маъруза матнлари билан чекланмагани, фақат монолог бўлиб қолмасдан, жонли ва самимий мулоқотлар шаклида икки-уч соатлаб давом этгани, халқ билан, жамоатчилик билан чинакам маърифий суҳбатларга айланиб кетгани айниқса эътиборлидир.

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, Ислом Каримовнинг мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби бўлиб шаклланиши ва майдонга чиқишида унинг сиёсий тафаккури, нотиклик маҳорати нақадар катта аҳамият касб этганига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳар бир масалага миллий манфаат ва яна бир бор миллий манфаат нуқтаи назаридан, конструктив ва креатив асосда ёндашиш, қиёсий-таҳлилий, фактик ва аналитик фикрлаш, — тарих, замон ва келажакни ўзаро боғлиқ бир бутун диалектик ҳодиса сифатида қуриш, идрок эта олиш, ҳар қандай масалада жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик — буларнинг барчаси китоб муаллифининг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин хусусиятлардир. Мамлакатимиз раҳбари ёши, миллати, эътиқоди ва касбу коридан қатъи назар, турли кишилар билан мулоқотда бўлар экан, уларнинг барчаси учун тушунарли бўлган оддий ва содда сўз ва

ибораларни ишлатади. Аммо мушоҳада миқёсининг кенглиги, мақсаднинг аниқлиги, мантиқнинг кучлилиги, нутқнинг ҳароратли ва таъсирчанлиги, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва тақдирига бевосита дахлдор экани билан бу чиқишлар минг-минглаб одамлар юрагида, қалбида акс садо беради.

Мазкур тўплам билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиқлолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улуғ мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсоннинг — бетакрор шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди эканига замин бўлади.

Шахснинг ижтимоий етуклиги унинг ривожланиши мезонлари, уни ижтимоий ҳаётга жалб этиш натижаси сифатида воқе бўлади. У ёш авлоднинг таянч таълимни тугатиши, касб-кор эгаллаши ҳамда фаоллик касб этиши, касбий мажбуриятларни ва раҳбарлик функцияларини бажариши, сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиши ва улардан фойдаланиши, қонун олдида тўлиқ жавоб бериши, никоҳдан ўтиши ва фарзандли бўлиши билан бир вақтга тўғри келади. Бошқача айтганда, ёшлар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлангач, уларни фаолиятнинг хилма-хил турларида рўёбга чиқаришга қодир бўлгач, жамиятда шахс сифатида ижтимоий етуклик касб этади.

Ўзига хос психологияга эга, нисбатан мустақил ижтимоий-демографик гуруҳ бўлган ёшларни қуйидаги кичик гуруҳларга бўлиш мумкин: 1-, 2-ўқувчи ва ишловчи ёшлар; 3-, 4-қишлоқ ва шаҳар ёшлари; 5-ижодкор ёшлар. Бундай тасниф ёшларнинг ўзига хослигини чуқурроқ акс эттириш имконини беради, социологик жиҳатдан ўрганиш

доирасини кенгайтиради, унинг ижтимоий психологияси хусусиятини кузатиш ва татбиқ қилиш имконини беради. Лекин бунда биронта ҳам ёшлар гуруҳи устунликка эга бўлмайди. Ижтимоий типлаштириш ёш авлоднинг энг муҳим аломатлари ҳамда хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

3.4. Ахборотлашган жамият ва унинг мафкуравий технологияларидан ОАВ тизимида тўғри фойдаланишнинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялашдаги маъно-мазмунни ва аҳамияти

Маълумки, «информация» тушунчаси дунёқарашни ифодаладиган билимларнинг ифодаси сифатида қадимдан мавжуд бўлган. Кибернетиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани «алоқа» ва «бошқарув» тушунчалари билан бирга кенг қўлланишига олиб келди. Ҳозирги вақтда ахборотлар ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш алоҳида илмий соҳа — информатика (лот. таништириш, тушунтириш, шарқ тилларида хабар, ахборот) соҳасини ташкил этади. Ана шу соҳа билан боғлиқ шаклланган «информациология» (лот. таништириш, тушунтириш ва юнон. сўз, таълимот) тирик ҳамда нотирик табиатдаги ва умуман, оламдаги барча жараёнларни ахборотлар асосида умумлаштириб ўрганувчи фан ҳисобланади.

Жамиятнинг компьютерлашуви ва Интернет туфайли вужудга келаётган муаммоларнинг муҳим спектри ижтимоий тараққиёт, унинг манбалари, босқич ва ривожланиш мезонлари билан боғлиқ. Ахборотлар соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши, уни автоматлаштириш усуллари ривожлантирилиши компьютерларнинг яратилиши ва кишилар ҳаётининг турли соҳаларини ком-пьютерлаштиришга олиб келди. Бу эса ўз навбатида, «Информацион жамият» назариясини майдонга келтирди.

Бу назария ҳозирги замон индустриал жамият тўғрисидаги таълимотлар (Дж. Белл, У. Ростоу, З. Бжезинский ва бошқалар) доирасида илгари сурилган. Унинг муаллифлари О. Тоффлер, Е. Масуда, Дж. Пелон, Дж. Мартин ва бошқалар ҳисобланади. Бу муаллифлар инсоният ҳаёт тарзи моделини анъанавий-индустриал (саноатлашган) ва постиндустриал кўринишда қараб, сўнгги босқич келажагини ахборотли-техникавий ёки ахборотли-экологиявий тарзда юз беришини башорат қилганлар. Компьютерлашувни умумсоциологик позициядан туриб англаш жамият тараққиётининг янги «триада» шаклидаги концепциясини илгари суришни тақозо қилди. Бу концепциялардан кенг тарқалгани америкалик социолог Д. Беллга тааллуқли бўлиб, у асосий ижтимоий ривожланиш босқичи сифатида аграр, индустриал ва постиндустриал жамиятларни ажратиб кўрсатади (постиндустриал жамиятни кейинчалик у информацион жамият деб атаган). ХХІ аср бошига келиб постиндустриал жамият фазасига, Д. Белл ҳисоблашича, АҚШ, Япония, Ғарбий Европа давлатлари қадам қўяди.

Агар индустриал жамият, Д. Белл фикрига кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш учун машиналар ва инсонларни уюштиришдан иборат бўлса, постиндустриал жамиятда эса марказий ўринни билим, хусусан, назарий билим эгаллайди. «Постиндустриал жамият рамзи» ва «ХХ аср иккинчи ярми жамиятини трансформация қилиш омили» компьютер ҳисобланади. У «оммавий жамият бошқарув аппарати бўлиб, ижтимоий ахборотни қайта ишлаш механизмидир. Унинг катта ҳажми социал алоқаларнинг кенгайиб бориши билан деярли биргаликда ўсиб боради». Кўриниб турибдики, ҳозирги замонда жамиятнинг глобаллашгани ва ахборотлашгани (интернетлашгани ҳам) аниқ далил. Хўш, бу далил жамиятнинг соҳаларида қандай намоён бўлмоқда? Иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш нисбатида биринчисининг ҳисобига иккинчисининг

кенгайиши рўй бермоқда. Маънавий-маданий соҳадаги туб ўзгаришлар оммавий руҳиятда, таълим тизимида, ҳар бир инсон савиясида ўз ифодасини топмоқда. Одатда, бу соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳалар ўзгаришларига замин тайёрлайди. Маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар даставвал фаннинг янги рационал кўринишларида ҳаёт ва инсон ҳақидаги билим тармоғи бўлган биологияда вужудга келмоқда. Дастлаб микроорганизмларга татбиқан шаклланган ген инженериясида ҳозирги вақтда инсон геноми, ирсийликнинг генетик коди масалалари жиддий ўрганилмоқда. Илмий тадқиқотлар доирасига алоҳида кишиларнинг ўта сезгирлик қобилятини, биомайдонини ўрганиш киритилмоқда. Инсоннинг имкониятлари, қобилятлари ва қатор сифатлари тўғрисида янги қарашлар пайдо бўлмоқда. Шунингдек, оламнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қонуниятларига, коинотдаги жараёнларнинг кишилар ҳаётига таъсирига оид масалалар бўйича ҳам янгича нуқтаи назарлар шаклланимоқда. Компьютерлаштириш кишилиқ жамияти динамикасининг навбатдаги йўналиши сифатида, ҳаётнинг қатор соҳаларида бўлгани каби, санъатда ҳам жадал татбиқ этилмоқда. Маориф соҳасида жиддий ўзгаришлар бўлмоқда.

Жумладан, кечаётган фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиш, ўқитиш ишларининг самарадорлигини янада ошириш имконияти яратилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар бўлган АҚШ ва Японияда ХХІ асрда ялпи электрон олий таълимга ўтиш вазифаси кун тартибига қўйилмоқда. Сиёсий соҳада ҳам ахборотлашув инқилоби туфайли жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Чунончи, давлат ҳокимияти марказлашганлиги ўрнига шахс эркинлиги салмоғи ошиб бормоқда. Натижада ҳар бир фуқаронинг демократик қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этиши таъминланади. Бошқа томондан қараганда, давлат марказлашганлигининг кучсизланиши ахборотларга эғалик қилиш натижалари билан ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Информацион жамият белгилари ташқи сиёсат соҳасида, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. АҚШдан ташқари қатор мамлакатлар, жумладан, Хитой, Япония, Германия, Россия жаҳон миқёсида етакчи ўринга даъвогарлик қилмоқда. Айни вақтда минтақалараро иттифоқларнинг (масалан, Ғарбий Европа, Шимолий Америка) ўрни кучаймоқда. Шунингдек, халқаро ташкилотларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жамиятнинг ахборотлашуви ижтимоий, технологик, иқтисодий, сиёсий ва маданий механизмларнинг оддийгина боғлиқлиги эмас, балки уйғунлашган, умумий ривожланиш жараёнидир. Ахборотлашув анъаналари ва жараёнлари таҳлили ривожланган информацион жамиятларда барча ёки деярли барча интеллектуал индустрия марказлашуви, улар асосий интеллектуал ресурслар манбаи, сақловчиси, технологиялар ишлаб чиқарувчиси, асосий маданий ва ижтимоий-гуманитар захиралар эгаси бўлишини кўрсатмоқда. Дунёнинг бошқа давлатлари эса информацион технологиялар ва информацион маълумотлар харидори бўлиб, улар нисбатан оддийроқ маҳсулот ишлаб чиқарувчига айланиб боради. Мазкур масалалар билан шуғулланаётган баъзи мутахассислар бу ҳол ресурсларнинг импорти ва тикланмайдиган хом ашё ресурслари экспорти жараёнлари билан боғлиқ бўлган масалалар долзарблигини оширади, деб ҳисобламоқда. Бу, айниқса, ўзига хос «информацион колония»ларга айланиб бораётган давлатлар учун ниҳоятда муҳим. Ана шу нуқтаи назардан, инсоният билимининг умумий захираси, информацион алоқадорлик, интеллектуал дахлсизлик муаммолари ҳам эътиборни талаб қилади. Бу масалалар мазкур мавзуга сиғмайди, бироқ уларни англаш ва ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Интернет тизимидан тўғри фойдаланишда ёшларни гоявий ҳимоялашдаги маъно-мазмун ва аҳамиятига тўхталганимизда улар қуйидагилардан иборатдир. Бугунги дунё мислсиз кўламдаги ахборотлар оқимининг босими остида

яшамоқда. Инсоният ҳаётининг барча соҳалари унинг асосий структуравий элементи бўлган Интернет тизими билан қамраб олинган. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб кўпгина мамлакатлар ахборот ривожланиши йўлига — Интернет, мультимедиа, космонавтика, ОАВ, уяли, радио ва сунъий йўлдош алоқасига асосланган ахборот тизимига ўтди. Шунинг таъкидлаш керакки, бугунги кунда ахборот технологияси соҳасида сифат жиҳатидан ҳам жуда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Агар биринчи компьютерлардан 30-йилларда электромеханик реле асосида ҳисоблаш мақсадида фойдаланилган бўлса, 60-йиллардаги иккинчи авлоддан бошлаб компьютерлар ярим ўтказгичли транзисторлар асосида тайёрланмоқда. Илгари бу компьютерлар бир-бири билан жуда яқин масофада боғланган бўлса, эндиликда дунёнинг хоҳлаган нуқтасидаги компьютер бошқа жойдагиси билан бемалол боғланиши мумкин. Компьютерлараро узатилаётган хабар эса оддий ёзишма, шахсий мактуб ёки инсоният ва халқлар тақдирига хавф солаётган террористик ҳаракатлар дастури бўлиши ҳам мумкин. Компьютерларнинг бешинчи авлоди ҳатто интеллектуал вазифаларни ҳам ечишга қодир. Компьютерларнинг олтинчи ва еттинчи авлодлари ҳар бирининг процессорида 80—100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади. Улар бугунги кунда бутун дунё бўйлаб рўй бераётган воқеалар оқимида мос ҳолда ахборотларни Интернет тармоғи орқали тарқатмоқда.

Техник мўъжизалар дунёни забт этаётир, сўзлашув ҳажми ҳам сезиларли ошиб бормоқда, дунёда мобиль телефон абонентлари сони оддий телефон абонентлари сонидан анча ошиб кетди. Бир қарашда, ахборотлар дунёсидаги алоқа тизими — уяли телефонлар ва Интернет ғоялар фалсафасига алоқадор эмасдек туюлади. Аммо айнан ана шу тизим инсоният ҳаёти ва алоқалари тузилмасида катта инқилобий

ўзгаришга олиб келдики, ҳозирча мутахассислар асосан унинг ахборот алмашув функциясига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Фақат кейинги йиллардагина ушбу тармоқлар нихоятда тезлик билан тарқалаётган ғоялар оқими эканлиги аёнлашиб, унинг таъсири билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Бу янги технологиядан инсоният жамияти тараққиётини жадаллаштириш эмас, балки унинг тараққиётига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бунга кибертерроризм яққол мисол бўла олади. Кибертерроризм (кибер – уруш) – компьютер ва Интернет тизимларига ҳужум маъносини англатади. Бу ҳодиса 1990 йилларда биринчи марта содир этилди. Унинг мақсади муайян ҳужжатлар бирон-бир компьютерда сақланганини ҳисобга олиб, унинг фаолиятида узилиш ҳосил қилиш, муҳим ахборотларни йўқотиш, пул ишлаб олиш ҳисобланади. Масалан, 2005 йил августида кибергуруҳлар Шри-Ланка давлатининг «Қора тигрли Интернет» номли электрон почтасига ҳужум қилганлар, 2006 йилда хакерлар ҳиндларнинг ядро қуролини синаб кўришига қаршилик қилиб, Бадҳа шаҳридаги Хинд атом тадқиқотлари марказининг компьютердаги қайд дафтарчасини ҳамда электрон почтасини йўқ қилишган. 2008 йилда биргина Канада давлатида турли маҳкама ва ташкилотларнинг компьютер захирасига 862 та ана шундай хуружлар содир этилган. Кўпгина ҳолларда бундай хатти-ҳаракатлар банкларга қаратилган бўлиб, баъзида хакерлар мўмайгина пул ишлаб олган ҳоллар ҳам кузатилмоқда.

Шунингдек, кибертеррористлар ўзларининг баъзи бузғунчи ғоя, мақсад ва вазифалар»ини тарқатишда уяли телефон ҳамда Интернетдан ҳам фойдаланишмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатилган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телеэкранлар орқали доимий намоиш этиладиган жангари фильмлар, ёш авлодга, айниқса болаларга мўлжалланган бузғунчи

ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган «вирус»ларни тарқатиш бунга яққол мисол бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалар глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатларини теран англаш, унинг жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, айниқса, маънавий соҳасига таъсирини чуқур идрок этишни, ғоялар фалсафаси нуқтаи назаридан ҳар томонлама жиддий ўрганишни тақозо этади. Глобаллашувнинг миллий давлатчилик, халқларнинг азалдан мавжуд бўлган қадриятлари, урф-одат ва анъаналарига нисбатан таҳдиди, миллий тараққиёт тамойилларини сақлаб қолиш ва мустақилликни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар ҳам ушбу феномен (ҳодиса)нинг турли жиҳатларига муттасил эътиборни талаб қилади.

Ана шу сабабдан ҳам бугунги кунда ёш авлодни мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, халқимизнинг барча қатламлари, айниқса ёшлар қалби ва онгида бунёдкор ғояларга ишонч ва эътиқод туйғусини шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, аҳолининг маънавий камолоти учун масъул бўлган барча давлат ва жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти самарасини, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Мустақиллик ўзбек матбуотини, оммавий ахборот воситаларини ўз миллий заминига қайтарди, оёққа турғизди, ўзбек давлатчилигининг асл ифодачисига, ғоявий ҳимоячига айлантирди, унга ҳуқуқий пойдевор яратди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шундай дейилган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги

учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди»¹.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтиб: «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимиз яхши тасаввур этамиз», деб таъкидладилар.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Қўрилган чоратadbирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари 1514 тани (01.02.2017 йил ҳолатига) ташкил этди. Улардан 704 таси газета, 254 таси журнал, 17 таси ахборотнома-бюллетен, 4 таси ахборот агентлиги, 63 таси телевидение, 36 таси радио, 165 тадан зиёди эса веб-сайтлардир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2012 йил. — 13-бет.

Мавжуд босма даврий нашрларнинг 43 фоизи, телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади¹.

Ахборот ва сўз эркинлигининг мамлакатимизда юқори даражада таъминланиши биринчидан, фуқароларнинг конституцион шахсий ҳуқуқларини кафолатлаш билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим олиш жараёнида ўзига керакли ахборотни ишончсиз ва ноҳолис ташқи ахборот манбаларидан эмас, балки мамлакатда рўйхатга олинган ва ҳар бир берилган ахбороти учун жавоб берадиган манбалардан олишига имконият яратади.

Демократик ислохотларни, миллий ғояни ҳаётга татбиқ этишда, янгича онг, янгича тафаккур, янгича дунёқарашни шакллантириш, оммани ғоявий қуроллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлиб:

— биринчидан, оммавий ахборот воситалари мустақилликни мустаҳкамлашга, эркинлик ва ислохотларни амалга оширишга, янгича тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда барпо этилаётган ўзига хос демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамият оммавий ахборот воситалари фаолиятининг кўламини, мақсад ва вазифаларини белгилаб беради;

— иккинчидан, оммавий ахборот воситалари миллий мустақилликнинг Ватан, халқ, миллат тақдиридаги ўрни ва аҳамиятини, ўтмиш режалари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти мисолида ёшларни ғоявий тарбиялайди, уларда Ватанга садоқат, мустақилликка муҳаббат туйғуларини авж олдиради;

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: «Ўзбекистон», 2010 йил. — 28-бет.

— учинчидан, оммавий ахборот воситалари демократик ислохотлар аҳамиятини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини одамлар, ёшлар онгига етказди. Инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва жамият ўртасида воситачилик вазифасини бажаради;

— тўртинчидан, ахборот воситалари ижтимоий фикрни шакллантирувчи омиллардан бири. У жамоатчиликни ҳокимиятни бошқаришда қатнашишга жалб этади, қонунлар, қарорлар қабул қилишда қатнашишга даъват қилади, шу тариқа уларни сиёсий, ғоявий руҳда тарбиялайди;

— бешинчидан, мустақил Ўзбекистонда ахборотларнинг мафкурадан мутлақо холилиги назарда тутилади, жамиятнинг холисона, ҳаққоний, хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжи қондирилади;

— олтинчидан, мамлакат аҳолисини, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардор қилади ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаларида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласи алоҳида устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин

ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадио дастурларини тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотлар амалга оширилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кун сайин жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли ҳам, улардан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, таълим соҳасида фойдаланиш асримизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб бормоқда. 1997 йилда давлатимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг

сифат босқичида мамлакатимизда АКТни жорий этиш, таълим тизимида хорижий янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ва унинг ижобий тажрибаларини жалб этиш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, таълим самарадорлигини ошириш, таълимнинг юқори сифат даражасида ўқув машғулоти ўтишни таъминлаш, мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини мустақил назорат қилиш имконини юзага келтириш, билим оловчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ахборотни мустақил ўрганишнинг турли услубларини қўллаш, ўқув материалларни ўрганиш вақтини тежаш ва бошқа бир қатор масъулиятли вазифаларни амалга оширишда АКТдан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Бу борада таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини замонавий АКТ, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами». — 2004 йил, 6-сон), Биринчи Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли Фармони («Халқ сўзи», 116 (2944)-сон, 2002 йил, 1 июнь) мувофиқ, бугунги кунда мавжуд вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари томонидан таълим соҳасида АКТ хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда олий таълим олишга интилаётган ёшлар салмоғи кундан-кунга ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар мамлакатимизда 2005 йилда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар

сони 263600 нафарни ташкил этган бўлса, 2006 йилда ушбу кўрсаткич 278700 нафарга, 2007 йилда 286300 нафарга, 2008 йилда 300000 нафарга етганини, 2009 йилда эса мамлакатимизнинг 60 дан ортиқ олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалар сони 300000 дан ҳам ошганини эътироф этиш ўринли. Олий таълим муассасаларида бир компьютерга тўғри келадиган талабалар сони эса 2006 йилда 14,9 та, 2007 йилда 14,4 та, 2008 йилда эса 12,8 нафарни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич 10,9 тани ташкил этди.

Бу рақамлардан шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда таълимга, хусусан, олий таълимга бўлган талаб йиллар давомида ортиб бормоқда. Демак, бугунги ёшларнинг тафаккури ва онги ўсмоқда. Улар келажакда жамият учун керакли шахс бўлиб етишишлари учун замон талабига жавоб берадиган кадрлар орасида ўз ўринларини топишлари кераклигини англаб етганлар. Келажак авлод кун сайин янгиланиб бораётган технологиялар билан ишлаш, маркетинг ва менежмент фаолиятини яхши билган ҳолда ишлаб чиқаришда фаолият юритиш, янгиликлар яратиш қобилиятига эга бўлиши керак. АКТни таълим жараёнига жорий этиш бўйича жамиятимизнинг тез суръатлар билан ўсиб боровчи эҳтиёжлари олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида электрон дарслик ва қўлланмалар, виртуал стендлар, интеллектуал тизимлар, АКТ воситалари ва Интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш, шунингдек, масофавий таълимни жорий этиш билан боғлиқ назарий ва амалий тадбирлар бажарилишини тақозо этади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда АКТнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳам масофавий таълимни амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар мавжудлигини билдиради. Интернет хизматининг тобора юксалиб бораётгани, ўқитиш жараёнида ундан тўғри ва унумли

фойдаланишга бўлган эҳтиёж юртимиз таълим тизимида АКТнинг миллий стратегиясини изчил жорий этишни тақозо этмоқда. Ушбу стратегия ўзида олий таълим масканларини АКТ билан таъминлаш орқали иқтисодий-ижтимоий таълим сифатини ошириш, электрон ўқув дастурларини яратиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг АКТдан фойдаланиш билим ва кўникмаларини ошириш каби жараёнларни ўз ичига олади. Машғулотлар чоғида АКТдан кенг фойдаланиш ўқув материалларини талабалар томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш самарадорлигини юксалтиради.

Айтиш лозимки, таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳасида ўзига хос муҳим аҳамият касб этса, таълим фаолияти эса жамият иқтисодий ривожланишининг муҳим бир бўлаги ҳисобланади. Шу сабабли иқтисодий таълим жараёнини ахборотлаштириш орқали шахснинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг иқтисодий билим ва малакасини ошириш, тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш мумкин. Ҳозирги кунда нафақат таълим соҳасига, балки миллий иқтисоднинг барча тармоқларига Интернет, электрон тижорат, электрон бизнес, виртуал тижорат, виртуал таълим, масофавий ўқитиш, виртуал стенд технологияларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон ахборот ҳамжамиятини ривожлантириш ҳақида гап кетганда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўнгги 10 йил давомида жами 2,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 40 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Натижада барча шаҳарлараро ва халқаро ҳамда 98 фоиз маҳаллий телефон станциялари рақамлаштирилишига эришилиб, бу аҳолига замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишда қўл келмоқда. Интернетнинг www.uza.uz, www.google.co.uz, www.ziyonet.uz, www.islom.uz, www.ziyo.uz, www.lex.uz, www.norma.uz, www.kun.uz, www.gazeta.uz, www.parliament.gov.uz ва шу каби бошқа сайтларидан унумли фойдаланиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, кейинги йиллардаги компьютер технологияларининг тезкорлик билан ривожланиши уларнинг ўқув жараёнига кенг миқёсида жорий қилинишига олиб келди. Маълумки, 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Шу асосда Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, бу концепцияда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди: ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий баъзани янада такомиллаштириш; фойдаланувчиларнинг шахсий хатини химоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

Бу эса талабаларга таълим-тарбия бериш жараёнида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Маълумки, нафақат бизнинг давлатимизда, балки бутун дунё миқёсида ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан ахборот технологияларидан фойдаланиб, давлатлар ва инсонлар хавфсизлигига, уларнинг руҳий-психологик ва жисмоний соғлом ўсишларига зарар етказиши мумкин бўлган турли жиноий хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳолатларининг хавфи ортиб бормоқда.

Бутун жаҳон Интернет тўри дунё ахборот маконининг ажралмас муҳим бўғинига айланиб бўлди. Ҳозирда Интернетдан нафақат компьютер тармоқлари орқали, балки космик алоқа йўлдошлари, планшет, кабель телевиденияси, радиосигналлар, уяли алоқа воситалари орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёшлар маънавиятини янада шакллантириш учун ОАВ ва Интернетдан тўғри фойдаланиш талаб этилади. Улардан тўғри фойдаланган ҳолатдагина биз ёшлардан, уларнинг маънавий оламида энг эзгу ўй ва ғоялар ҳамда улкан марраларни ҳеч иккиланмасдан кутиш мумкин.

IV БОБ. ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТАРҒИБОТНИНГ АҲАМИЯТИ

4.1. Ёш авлодни ғоявийлик руҳида тарбиялашда замонавий тарғиботнинг ўрни ва роли

Ҳар қандай даврда мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган мамлакатда шаклланаётган янги ғоялар тизимининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш зарурати сақланиб қолади. Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларни ғоявий тарбиялаш, уларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат туйғуларини шакллантиришни назарда тутди. Шу асосда шаклланган замонавий фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик ғояси руҳида сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай ғояни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдиришда шу соҳада олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот, таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам аҳолининг 15–20% га яқин қисми таълим тизими билан қамраб олинган. Ўз-ўзидан бу тизим доирасида ёшларга ғоя ва мафкура соҳасидаги билимлар ҳам сингдирилади. Тўғри, дунё мамлакатларида аҳолини таълим тизими билан қамраб олиш даражаси бир хил эмас. Аммо, бу мазкур тизимнинг ғоя ва мафкура тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши тўғрисидаги хулосани йўққа чиқармайди. Муайян мамлакатда таълим тизими аҳолининг қанчасини қамраб олган бўлмасин, қолган қисми орасида ҳам маърифий фаолият, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш зарурати сақланиб қолаверади.

Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши ғоявий тарбиядир. «Ғоявий тарбия» тушунчаси инсон онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий,

сиёсий, ҳукуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра, ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, лицей, коллеж, университет ёки академияни оламизми — ҳаммасида бериладиган таълим-тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу жараён боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, маънавият тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Муайян халқ, жамият, давлат, ижтимоий гуруҳ, сиёсий партия ёки ҳаракат мафкурасини бошқа бир ижтимоий субъектга мажбуран сингдириш бу борадаги мақбул бўлмаган усул ҳисобланади. Чунки мафкура — муайян ижтимоий субъект (ёки субъектлар)га хос мавжуд эҳтиёжлар, тилак, орзу-умидлар ҳамда манфаатлар асосида ўша субъектнинг қарашлари, тасаввурлари дунёси ҳамда ғояларининг маҳсули сифатида яратилади. Унда бошқалар манфаатлари ифодаланмаслиги ҳам мумкин.

Шундай экан, ўзгалар манфаатини кўзловчи мафкурани бошқа бир халқ онгига зўрлаб сингдириш нотўғри. Муайян мамлакат халқининг ўз ғояси ва мафкуравий қарашлари бор, бу қарашлар тизими ўша мамлакат вакилини ўз юрти билан фахрланиш, унинг келажаги учун қайғуриш, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилишга ундаши табиий. Лекин бу қарашларга суянган ва уларни чуқур таҳлил қилиб ўрганган ҳолда биз ҳам фақат шундай қилсак бўлар экан, биз ҳам фақат шу йўлдан борайлик, деб бўлмайди. Чунки ҳар бир жамият ривожининг ўзига хос қонуниятлари мав-

жудки, ўша жамият аъзолари ўзларининг туб мақсад ва манфаатларини улар асосида шакллантиради. Ғоявий тарбия ана шу жараёнга хизмат қилади, аслида унинг таркибий қисми ва узвий бўлаги ҳисобланади.

Ҳар қандай ғоявий тарбиянинг мақсади — жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, умуман, аҳолида пировард натижада жамият ривожига туртки берувчи ғояларнинг онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлашдан иборат. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, умр кечираётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурига миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ҳамда келгусидаги манфаатларини ифодаловчи соғлом ғоялар, фикрларни сингдириш ва бу халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топишига эришиш лозим. Бу жиҳат мамлакатимиздаги мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан бири, замонавий тафаккур ва мустақиллик дунёқарашини шакллантиришнинг асосидир.

Муайян ғоя асосида шаклланган дунёқараш — у ҳақдаги тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва идрок мажмуи бўлиб, у шахсни ҳаётда ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга ундайди. Дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ёшлик ва ўспиринлик йиллари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу давр нафақат дунёқараш шаклланиши учун, балки агар маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлса, уларни ўзгартириш учун ҳам қулай. Шу боис кўплаб мафкуравий таъсирлар, асосан, ёшларга, уларнинг қалби ва онгига қаратилган бўлиши табиий.

Ёш авлодни ғоявийлик руҳида тарбиялаш воситалари тушунчаси инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш

тарзи, мафкуравий омиллар, ғоялар ва қарашларга таянадиган таъсир объектлари мажмуини ифодалайди. Унинг мазмун-моҳияти Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилган. Мазкур асарга таянган ҳолда ғоявий тарбия мезонларини шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ — миллат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва бошқаларни қамраб олувчи тарихни, минг йиллар давомида ривожланиб келаётган аграр маданий анъаналарни, географик шарт-шароитга алоқадор тарихий муносабатларни ва бошқаларни ифодаловчи моддий мерос; иккинчи гуруҳ — халқимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим-тарбия, шунингдек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожига муҳим ўрин тутган мутафаккирлар ва уларнинг асарлари, халқ ижодини қамраб олувчи маданий мерос; учинчи гуруҳ — халқимизга хос анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, турмуш тарзи билан боғлиқ бошқа маданий омиллар; тўртинчи гуруҳ — халқ кадриятлари, тафаккур тарзи, халққа хос мафкуравий хусусиятлар, руҳият ва ўзаро ижтимоий муносабатлар; бешинчи гуруҳ — ҳозирги жамиятимизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясида катта таъсирга эга, умуман мафкуравий дунёқараш шаклланишида бош роль ўйнайдиган таълим-тарбия масканлари, ОАВ, кутубхона, театр, санъат саройлари ва шу каби бошқа мафкуравий таълим воситаларини ўз ичига олади.

Ёш авлоднинг ғоявий тарбияси масаласига келганимизда, ҳар бир давр ва жамиятга хос бўлиб, бунда давлат ва жамият олдида масъулиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсади ҳам ётади. Ҳар қайси халқ ёки миллатни унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва

анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллар сифатида хизмат қилади. Масалан, шу заминдан етишиб чиққан буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари катта. Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб иншоотлар, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради ва мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-мафкуравий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради ва табиийки, инсоннинг ғоявий дунёсини шакллантиришда қандай кучли таъсирга эга бўлганига эътиборимизни жалб қилади.

Ғоявий тарбияда халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутиб, у миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, уни авлодлардан авлодларга ўтказиб, тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқариб, ўзлигини доимо сақлаб келаётган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олийжаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ўзида ифода этади. Шу ўринда ёш авлодни ғоявий тарбияси ме-зонларидан бири бўлган муқаддас динимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий

қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт — бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, ёш авлоднинг ғоявий тарбияси мезонлари шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказadi. Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-иждодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим. Жамият эса ўз заминининг мутафаккирлари, дини ва кашфиётлари, маърифат, илму фан, маданият каби соҳаларидан буларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг ғоявий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришда, уни намуна қилиб кўрсатишда фойдаланади. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини авлодларга етказиш масаласи барча учун, биринчи галда, зиёлилар, бутун жамоатчилик учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос мафқурасини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, oilанинг ўрни ва таъсири беқийсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, oilа бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган мафқуравий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори oilа шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан oilа муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар

қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг гоёвий асосини ташкил этади.

Ёш авлодни гоёвий тарбияси мезонлари ҳақида сўз кетганда, маҳалланинг ўрни ва таъсири хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақл ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қилинади. Ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртдаги мафкуравий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлган киши, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўлади.

Гоёвий тарбия мезонларидан яна бири илму маърифат, таълим-тарбия бўлиб, уларга инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови сифатида қаралган. Келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда фарзандларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш иши таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси

бўлиб қолади. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Таълим муассасалари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаолари, миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларига хизмат қилади. Бу борада жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш, таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурлар яратиш, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш, мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга йўналишлардир.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир босқичи, ўз навбатида, миллий ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутди.

Ёш авлодни ғоявийлик руҳида тарбиялашда мактабгача таълим муассасаларининг ўрни. Бу ўринда ҳар бир ота-она ўз фарзандининг мактабгача тарбияси, унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етиши лозим. Бунда оиланинг мактабгача таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришишни назарда тутиш зарур. Бу даврдаги барча мактабгача таълим-тарбия муассасалари болалардаги умумий саводхонлик ва

мактабдаги таълим-тарбияга тайёрлаш жараёнининг муҳим ва зарурий босқичи сифатида қаралади.

Ёш авлодга бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида, барча ўқув қўлланмалар ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим. Шу билан бирга, Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, она тилимизга муҳаббат уйғотиш, миллий қадриятларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш, оиланинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш, дин ва дунёвий билимларнинг ўзаро қарама-қарши эмаслигини англатиш, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботловчи далиллар келтириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим омили эканлиги тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш бу борадаги зарур билимларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланган

эди. Ҳозирги кунда истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирда икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрлар мисолида маънавиятнинг юксалишини кузатиш мумкин ва табиийки, бундай шароитда ғоявий тарбия мезонлари ҳам даврга мувофиқлашиб боради.

Ёш авлодни ғоявий тарбияси мезонларидан бири масъулият туйғуси билан яшаш ҳиссини шакллантиришдир. Масъулият одамнинг ҳар бир иши, фаолияти натижасини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима қила олиши, ўз бурчини англай олиш хусусиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қилади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи, салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади. Бу борада шахсий ва фуқаролик масъулиятининг уйғунлигини англаш лозим. Биринчиси — шахснинг кундалик фаолиятидан келадиган шахсий жиҳатни назарда тутса, иккинчиси — жамият манфаатларини назарда тутди, аммо улар бир-бирига мутлақо қарама-қарши эмас. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнақини ўйлайди. Бугунги кунда мустақил Ватанимиз фуқаролари учун асосий мақсад Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса, демак, ҳар бир юртдошимиз фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини ана шу ғояларни амалга ошириш борасидаги фаолият белгилайди.

XX аср охирида Ғарбда кенг тарқалган назариялардан бирига кўра, одамлар масъулият нуқтаи назаридан икки

тоифага бўлинади. Биринчи гуруҳ ўз ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули деб фақат ўзини тасаввур қилади. Улар кўпроқ «Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман» деган фикрда бўлади. Иккинчи гуруҳ эса барча воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар — ота-она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишлар, қўни-қўшни, ҳуллас, масъулият менда эмас, бошқаларда деб ҳисоблайди.

Иккинчи хилдаги масъулият кўпроқ ўсмирларга хос бўлиб, уларнинг деярли 84 фоизи масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил экан. Америкалик олим Дж. Роттер масъулиятни ўз зиммасига олишга ўрганган болаларда хавотирлик, нейротизм, асабийлашув, жаҳолат каби салбий сифатлар кам учрашини аниқлаган. Бундайлар ҳар кимнинг фикрига эргашиб кетавермасдан, кўп нарсани ўзлари, ўз қарашлари асосида ҳал этади, масъулиятни ўзига олади. Кузатувчилар масъулиятни ҳис қилган болалар ҳаётга тайёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўлиши ва уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйғулари ҳам юксак даражада шаклланишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғояси руҳидаги мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда она-Ватан олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, маҳалла, меҳнат жамоаси, оила ва яқин кишилар ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Замонавий дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантириш борасидаги ғоявий тарбиянинг бир қатор шарт-шароитлари ва омилларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий муҳит ёшларда эзгу ғояларга хизмат қиладиган соғлом эътиқод ва замонавий дунёқарашни шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Шунинг

учун ҳам Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни, бой маданий, илмий-адабий меросни холис ва чуқур ўрганиш, буюк аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, халқ маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борадаги ишлар мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, ушбу йўналишдаги қўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, ёшларни қўллаб-қувватловчи жамғармаларнинг ташкил этилиши ўзига хос ижтимоий муҳитни шакллантирди. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлоднинг буюк келажак бунёдкори бўлиб вояга етишишида муҳим ўрин тутмоқда.

Ёшлар тарбиясида Биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилган бунёдкор ғоялар тизими ва унинг асосида шаклланган миллий истиқлол ғояси муҳим аҳамиятга эга. Унинг энг асосий ғоялари бўлган — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсон, диний бағрикенглик айнан келажакимиз бўлган ёшларнинг тарбияси учун хизмат қилади. Ёшларни эзгу идеалларга ишонтириш, уларни шу мақсадларга эришиш йўлида уюштириш, сафарбар этишда бу ғоялар улкан аҳамият касб этади. Чунки ёшларнинг халқимиз тарихини билиши, ўзлигини англаши, руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмалари ва омилкор фаолиятга шайлиги ана шу ғояларга ишончи асосида шаклланади. Бу, ўз навбатида, бугунги авлоднинг ҳаётда рўй бераётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок этиб, ўзини долзарб вазифаларни бажаришга сафарбар этишига ёрдам беради.

Сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши бу борада муҳим аҳамият касб этади. Айнан ана шу йўналиш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат

қилади. Бунда давлат ва жамоат ташкилатлари, айниқса сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамияти катта. Улар ўз фаолияти билан фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига асосланган демократик жамият барпо этиш ғоясининг амалга ошишига хизмат қилади. Ўзбекистондаги ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос ва қонуний кафолатларга эга. Фуқаролар учун қайси сиёсий партиянинг қарашларига қўшилиш ёки қўшилмаслик ихтиёрий бўлиб, бундай эркинлик ёшларни фикрлашга, ўзича мустақил йўл танлашга хизмат қилади. Ҳар бир партиянинг ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида миллий истиқлол мафқурасининг асосий тамойилларига амал қилиши ҳаётнинг бош мезонидир. Чунки халқ манфаатлари, истиқлол ғоялари, қайси сиёсий ва мафкуравий кучга мансублигидан қатъи назар барча юртдошларимиз учун муқаддасдир. Бу аслида том маънодаги сиёсий маданиятнинг белгисидир.

Ёш авлоднинг билим даражасини ошириш ғоявий тарбиянинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ёшларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган тарихий ҳужжатлардир. Улар ҳар бир ёшнинг билим даражасини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Агар ўсмир ёки ўспиринда ёшлиқдан китобга, билимга меҳр шаклланмаган бўлса, унинг билими саёз, тушунчалари тор бўлса, у соғлом ғояни зарарли ғоядан, дунёвийликни даҳрийликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди. Ғоявий соғломлик ҳар қандай ғайритабиий фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастлар билан асосли ва танқидий мунозара олиб боришни, ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонч-эътиқод туйғусини камол топтиришни тақозо этади.

Ёш авлодни замонавий тафаккурининг шаклланиши мафкуравий тарбия ва ғоявий янгилинишлар жараёнининг муҳим хусусиятидир. Таъкидлаш лозимки, инсон ўзи учун одатий бўлиб қолган фикрлаш тарзидан осонликча воз кечолмайди, чунки эскича фикрлаш бир қарашда қулай бўлиб кўринади. Бунини арифметикадаги мантиқ билан алгебрадаги мантиқ қоида-сига қийинлаш мумкин. Арифметикани ўзлаштирган бола алгебрадаги айниёт, теоремаларни руҳан қийналиб қабул қилгани каби, инсон тафаккури ҳам ижтимоий ҳаёт ўзгаришларини бирдан қабул қилолмайди. Лекин янги давр, янги-ча ислохотлар, демократия, бозор муносабатлари айнан тафаккур ва фикрдаги ўзгаришларни тақозо этади. Зеро, бу ривожланишнинг, тараққиётнинг асосий шартидир. Шунинг учун миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларининг кенг омма қалби ҳамда онгига сингиши бирданига, тез ва бир текисда бўлиб берилади. Бу мураккаб, босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён бўлиб унда бошқа ижтимоий қатлам вакиллари-дан фарқли ўлароқ, ёшлар ташаббускорлик кўрсатиши, ўз дунёқараши ва эътиқоди билан бошқаларга таъсир кўрсатиши керак.

Ёш авлоднинг мулоқот маданиятини шакллантириш ҳам ғоявий тарбияда ўз ўрнига эга. Зеро, у инсонга хос маънавий эҳтиёж бўлиб, ҳар бир кишидаги умумий маданий савиянинг муҳим кўрсаткичидир. Инсон ўзининг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрларини бевосита мулоқот жараёнида намоён қилади. Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳам мулоқот ҳисобланади. Чунки инсон қалбида, онгида шаклланган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни беқиёс. Шу боис аудиторияларда

ўқитувчи ва ўқувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулоқотга таълим-тарбия жараёнида катта аҳамият берилади. Оилада ота-она, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, муносабатлардаги самимият даражаси ҳам ёшларда соғлом фикрнинг, шарм-хаё, меҳр-оқибат, ифбат, ибо, назокат, лафз, масъулият каби ижобий фазилатлар ва интеллектуал сифатларнинг намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Бу ҳол меҳнатга тўғри муносабат, ҳалоллик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, аяш, урф-одатларни муқаддас билиш жараёнида амалга ошади. Бундай сифатларни ўзлаштира олган ҳар бир ўғил-қизда оилапарварлик, юрт-парварлик сифатлари ривожланиши муқаррар.

Ҳозирги даврда, бу борада, ижтимоий фанларнинг маъно-мазмунини ва уларни ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, ёшларни мустақил фикрли бўлишга, ижобий ўзгаришларга бефарқ бўлмаган, чуқур билимларга интилиб яшашга ўргатишни тақозо этади. Таълим жараёнида ижтимоий тренинг машғулотларининг миллий менталитетга мос шаклларида самарали фойдаланиш тарихий ва маданий меросни чуқур ўрганиш билан бир қаторда илғор, замонавий билимлар эгаси бўлишга интилишнинг ошишига туртки бўлади. Таълим муассасалари учун ўқув қўлланмаларидан тортиб, синфлар ва аудиторияларгача барчасини ғоявий таълим берувчи ижтимоий рекламалар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқдир. Ёшлардаги соғлом дунёқараш ва илмга иштиёқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имкониятларидан тўла фойдаланиш ва жамиятнинг кенг қатламлари вакиллари таълим-тарбияни такомиллаштириш ишига сафарбар этиш зарурати сақланиб қолмоқда.

Хуллас, ёш авлодни ғоявийлик руҳида тарбиялаш, бу йўналишдаги тарғибот ва ташвиқот жараёни мураккаб, кўп босқичли ва ўта масъулиятли бўлиб, унинг таъсирчанлиги-

ни муттасил ошириб бориш зарур. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг замонавий усуллари амалиётда қўллаш, миллий истиқлол ғоясига ишончни мустаҳкамлаб бориш, ушбу йўналишдаги ишларнинг самарасини оширишга ёрдам беради. Энг муҳими, ҳар биримиз мамлакатимизда жисмонан соғлом ва маънан баркамол, билимли ва малакали ёшларни вояга етказиш учун бутун кучимизни сафарбар этиш бугунги куннинг талаби эканини чуқур англамоғимиз ва бу йўлда фаол ҳаракат қилмоғимиз лозим.

4.2. Дунёнинг мафкуравий манзараси ёш авлоднинг янгича тафаккурлар услубида ифодаланиши

Ер юзининг ҳудудий жиҳатдан турли минтақа ва қитъаларга бўлинишини география дарсларидан яхши биламиз. Жаҳоннинг сиёсий харитасига қараб, мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда Ер юзининг ҳудудий бўлинишини бемалол тасаввур қила оламиз. Инсоният XX аср охирига келиб, бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар шулар жумласидан.

Шу билан бирга, дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам жадалламоқда. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон эканлиги аниқ. Бунга шак-шубҳа йўқ, албатта. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноксиз урушлар бўлгани ҳам маълум. Бу жараёнда эса уруш куруллари мунтазам такомиллашиб борганини биламиз. Мазкур урушлар то XX асргача асосан, бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки муайян минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский,

Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни босиб олиш учун олиб борган урушлари кўлами жиҳатидан ажралиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳоланмоғи керакка ўхшайди. XX асрда рўй берган икки жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринли эканига ишонч ҳосил қилинди. Бу жараёнда қирғин қуроллари мислсиз даражада такомиллашди ва бугунги кунга келиб улар бутун Ер сайёрасини бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир.

Шу нуқтаи назардан қараганмизда дунёнинг мафкуравий манзарасига таъсир кўрсатиш, халқлар ва давлатларни ғоявий тажовуз ҳамда таъсирлар исканжасида сақлаш учун уринишлар ҳам кучайиб бораётир. Сиёсий амалиёт ва илмий адабиётларда мафкуравий тажовуз, мафкуравий уруш, мафкуралар кураши каби тушунчалар кенг қўлланилган бўлиб қолди. Бугунги кунда кўплаб мутахассислар томонидан дунёнинг географик, сиёсий ва бошқа хариталари бўлганидек, унинг мафкуравий манзараси мавжудлиги тўғрисида ҳам турли фикрлар илгари сурилмоқда. Жумладан, бу борада дунёнинг мафкуравий манзараси, идеосфера каби атамалар қўлланилмоқда.

Муайян давлат, минтақага хос мафкуравий манзара ёки ҳар бир жамиятнинг идеосфераси мавжудлиги тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд.

Дунёнинг мафкуравий манзараси тушунчаси муайян даврда жаҳон давлатлари ва халқлари, Ер юзининг турли минтақалари ва ҳудудларида мавжуд бўлган хилма-хил ғоя ва мафкуралар, таълимот ва назариялар, сиёсий доктриналар, шу соҳада рўй бераётган ғоявий-мафкуравий жараёнлар, мазкур масалага бағишланган қарашлар, маълумотлар ва далилларда акс этган билимлар мажмуини

ифодалайди. Бутун дунё миқёсида таъсир кучига эга бўлган ғоя ва мафкуралар ўз кучи ва кўламига кўра, ушбу манзарада кўп ҳолларда етакчи аҳамият касб этади. Муайян минтақа ёки алоҳида давлатга хос ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳам бунда ўз ўрнига эга. Бу борада, айниқса, иқтисодий салоҳияти ва сиёсий нуфузига кўра, дунёда етакчи ҳисобланган давлатларнинг ўзга мамлакатларга нисбатан қўллаётган сиёсий ва мафкуравий доктринасига алоҳида эътибор бериш лозим. Жаҳоннинг кўплаб минтақа ва ҳудудларида ана шу мамлакатларнинг таъсири сезилиб туради, бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида яққол намоён бўлади.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда турли воситалар орқали дунё идеосферасида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, терроризм ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидан. Натижада, дунёда ёш авлод қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бормоқда.

Ғоя ва мафкура соҳасига оид билимлар ривожини натижа-сида Дунёнинг мафкуравий манзараси тушунчасининг мазмуни бойиб, такомиллашиб бормоқда. Бу борадаги турли моделлар, қараш ва фикрлар ушбу тушунчанинг маз-мун-моҳиятини аниқлашга хизмат қилади.

Бутун инсониятга хос идеосферани ифодалайдиган мазкур тушунча XX аср охирига келиб муҳим аҳамият касб эта бошлади. Олим ва мутахассислар бу ҳақда кўплаб тахмин, гипотеза ва қарашларни илгари сурган. Уларнинг фикрлари турлича бўлса-да, аммо ҳар бир замонга хос мафкуравий манзара бўлиши тўғрисидаги асосий ғоя ўзгармай қолмоқда. Яъни, дунё мафкуравий манзарасининг турлича изоҳлари ва унга хилма-хил ёндашувлар ана шу доирада намоён бўлмоқда.

Бу дунёнинг мафкуравий манзараси тушунчаси узук-юлуқ тасаввурлар, бир-бири билан боғланмаган қарашлар йиғиндиси экан, дегани эмас. У яхлит, узвий боғлиқликдаги хулоса ва фикрлар мажмуидан иборат фалсафий тушунчадир. Мазкур тушунча ифодаладиган билимлар муайян тизимни ташкил қилади ва инсоният, унинг ғоялари тўғрисидаги турлича қарашлар, хилма-хил ёндашувлар синтези сифатида намоён бўлади. Шу маънода, ушбу тушунча ғоя ва мафкуралар, уларга хос воқеа-ҳодисаларни англаш жараёнида интегратив (умумлаштирувчи) функцияни бажаради. У ёш авлод ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳалари учун умумий асос, доим назарда тутиладиган хулоса ролини ҳам ўтайди. Масалан, бугунги кунда шу соҳада тадқиқот олиб бораётган изланувчилар инсоният ҳаётида ғоя ва мафкуранинг муайян аҳамиятга моликлиги масаласини махсус текшириб ўтирмайди балки ўз тадқиқотларида шу соҳадаги билимларга таянади, холос.

Дунёнинг мафкуравий манзараси тушунчаси парадигма хусусиятига эга бўлиб, инсоният ҳаёти ва Ер юзидаги ғоя ҳамда мафкуралар ҳақидаги умумий жиҳатларни, мақсад ва тамойилларни ифодалайди. Мазкур тушунчанинг илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнига доир режалар ҳамда изланишларнинг мақсад ва вазифаларини белгилай оладиган назарий, методологик хусусиятлари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Унга хос хусусиятлар борасида турли соҳа мутахассислари турлича фикр юритади. Масалан, тарихчилар масалага ўтмиш, ворисийлик нуқтаи назаридан ёндашиб, дунё мафкуравий манзарасининг хилма-хил моделлари, уларнинг тарихий асослари ҳақидаги қарашларга таянади. Улар ўз тадқиқотларида инсоният тарихининг асосий даврларига алоҳида эътибор қаратади. Бу соҳада эътироф қилинадиган ҳар қандай шаклдаги мафкуравий манзарада тарихийлик ва ворисийлик учун асос бўладиган устувор тамойиллар ўз ўрни, аҳамиятини сақлаб қолади.

Бундай ёндашув қанчалик теран ва илмий бўлмасин, дунё мафкуравий манзараси тўғрисида, асосан, тарих фани ютуқларини акс эттиради, холос.

Аслида дунёнинг мафкуравий манзараси кенг маъно, серкирра мазмунга эга бўлиб, муайян давр кишиларининг тафаккур услуби ва фикрлаш тарзини, давлатлар ва халқларнинг ўзаро муносабатлари, тараққиёт моделлари ва тамойилларини белгилайдиган аниқ билимларни ифодалайди. Дунёнинг мафкуравий манзараси жаҳондаги мавжуд ғоя ва мафкуралар ўртасидаги тартиб, алоқадорлик, уларнинг генезиси, амал қилиши, мафкуравий полигон ва майдонлар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муносабатларини ифодалайдиган назарий хулосалар, илмий асосланган билимлар, турли ёндашувлар, қарашлар ва тасаввурлар мажмуини англатадиган тушунча.

Дунё манзараси тушунчаси ўзининг генезисига, ривожланиш босқичларига эга. Биринчи босқич классик манзара, иккинчи босқич ноклассик манзара, учинчиси эса постноклассик манзара каби номлар билан ифодаланиши мумкин. Классик манзарада, асосан, қадимги даврдан ўрта асрларнинг охиригача, яъни тараққиётнинг бир чизиқли, ўтмишдан келажакка томон узвий боғлиқликда амалга ошадиган ҳаракати тўғрисидаги тасаввурларга асосланган билимлар мажмуи тушунилади. Бунда кўпроқ ўтмиш ўзидан кейинги даврни, у эса, ўз навбатида, келажакни тўғридан-тўғри белгилаб беради, деган қараш устувор. Дунёнинг бу тахлит тушуниладиган манзарасида гўёки ҳамма нарса аниқ, дунёдаги катта империяларнинг ғояси ва мафкураси ҳукмрон, бу борадаги энг асосий жараёнлар шу доирада амал қилади, деган қараш асосий тамойилга айланди. XIX — XX асрлардаги дунёни бўлиб олиш учун кураш икки жаҳон уруши ва Иккинчи жаҳон урушидан кейинги икки қутбга асосланган дунёнинг мафкуравий манзараси масалага жиддий қараш лозимлигини кўрсатди. XX асрнинг охирига

келиб эса кўп қутбли ҳолат шаклланиши билан бу йўналиш жаҳон давлатлари, айниқса, кучли мамлакатлар сиёсатини кўп жиҳатдан белгилайдиган омил ва воситага айланди. Бундай талқин ўтган асрдаги кўплаб сиёсатшунослар ва мутахассислар диққатини тортган Цивилизациялар тараққиёти, Индустириал жамият, Постиндустириал жамият, Идеологизация, Деидеологизация, Реидеологизация ҳақидаги турли қарашлар ва мулоҳазаларга асосланади.

Дунёнинг мафкуравий манзарасини тушунишнинг яна бир жиҳати — Ер юзидаги мамлакатлар, қитъа ва материклар ўртасидаги доимий ва узвий боғланишлар билан тавсифланиб, бу боғлиқлик шу йўналишдаги воқеалар сабабини тушунтириш учун қўлланидиган мезон даражасига кўтарилган эди. Мазкур тамойилга асосланиш узоқ вақт ҳақиқий назарияни яратишнинг мақсадга мувофиқ усули ва у дунёнинг мафкуравий манзарасини ташкил этадиган хусусиятлар орасидаги умумийликни изоҳлашга ёрдам беради, деб ҳисоблана бошлади. Ушбу моделнинг табиий-илмий негизлари Ер юзи одамзод учун умумий макон экани, турли минтақа, цивилизация, қитъа ва материкларда жойлашган давлатлар ўртасидаги мустаҳкам алоқани таъминлайди, деган ҳулосага асосланган эди. Шу сабабдан бу тасаввур ва моделлар нисбатан узоқ вақт дунёнинг мафкуравий манзараси тўғрисидаги фикрлар орасида устувор аҳамиятга эга бўлди.

Лекин бундан фарқли равишда ҳар бир мамлакатнинг ўз мақсади ва манфаатлари ҳам бор. Дунёнинг мафкуравий манзарасида, аввало, ана шу миллийлик жиҳати устувор аҳамият касб этади, деган қарашлар ҳам мавжуд. Масалага бундай ёндашувнинг икки хил жиҳати бўлиб, бунда, бир томондан, ҳақиқатан ҳам миллий давлатчилик ва мустақил тараққиёт йўлидан бориш мақсадлари, иккинчидан эса айрим давлатларнинг буюк давлатчилик, дунёда ёки бирон-бир минтақада гегемонлик даъвоси ўзига хос тарзда намоён

бўлади. Бу ҳол дунё мафкуравий манзарасидаги сабабий боғланишнинг унчалик кучли эмаслиги, умумий тизимдаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликнинг мустаҳкамлигига ҳалақит бериши кўзга ташланади. Дунёнинг бундай манзарасида миллийлик, яъни нарс ва воқеалар жараёнининг алоҳидалиги тамойили макон ва замоннинг уйғунлигини таъминлайди ҳамда уларнинг яшаш усулини ифодалайди. Алоҳидалик бунда ўз ўрнига эга бўлиб, унинг ҳаракати, фаолияти умумий жараёнга мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин. Ана шундай ўзига хослик ва умумийликнинг диалектик асоси сифатида намоён бўладиган сабабият шакли статистик қонуният тарзида талқин қилинади, унинг динамик жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилади.

Дунёнинг манзарасини бундай тушунишга асосланган онг ва тафаккур билан қуролланган кишилар кўп ҳолларда ғоя ва мафкура соҳасидаги баъзи умумий ҳодисаларни изоҳлаш ёки унга таъсир кўрсатишда ожизлик қилади. Айнан ана шундай тафаккур тарзи XX асрнинг сўнггида, кўп қутбли дунё шаклланиши ва глобаллашув жараёни таъсири кучайиши муносабати билан намоён бўла бошлади. Бунда, бир томондан, бугунги дунёда ғоя ва мафкурага муносабатнинг ўзгаргани, бу соҳага эътибор кучайиб, у сиёсатнинг муҳим қисмига айлангани билан боғлиқ оқибатлар масаланинг ниҳоятда жиддийлигини кўрсатади. Иккинчи томондан, глобаллашувнинг миллий давлатчилик тамойиллари, халқларнинг минг йиллар давомида шаклланган менталитети ва қадриятларига ўтказаетган салбий таъсири ҳам кўплаб мамлакатларда ижтимоий жараёнлардаги ўзгариш ёки ислохотларнинг тақдирини белгиловчи соҳаларни асраб қолиш ва ўзлигини ҳимоя қилиш зарурлигини англатади. Аммо, бу глобаллашув инсониятни орқага бошлади дегани эмас, зеро, унинг тараққиётга катта ижобий таъсир кўрсатаётганини инкор этиб бўлмайди.

Ҳозирги даврга келиб, одамзод мисли кўрилмаган ютуқларга эришди, жумладан, космонавтика, кибернетика, универсал технологиялар, ахборот ва интеллектуал билиш каби соҳаларда ўтган асрлар билан қиёслаб бўлмайдиган кашфиётлар қўлга киритилди. Аммо айнан шу даврда инсоният ядро уруши, экологик бўҳронлар, маънавий бузилиш каби умумбашарий муаммолар қаршисида қолди, уларни ҳал қилиш одамзоднинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

XX асрни халқаро ҳаёт ва давлатлараро муносабатларнинг энг мафкуралашган даврларидан бири дейиш мумкин. Якка мафкура ҳукмронлигига асосланган давлатларнинг мавжуд бўлгани, дунёнинг айнан мафкура асосида кутбларга бўлиниши, ана шунга таянган икки кутблилик ва «совуқ уруш» сиёсати бу асрнинг мафкуравий қиёфасида катта из қолдирди. Буларнинг барчаси мафкуралашув, яъни идеологизациянинг амалиёти ва оқибати қандай бўлишини кўрсатиб турибди. Шу асрда вужудга келган фашистик давлатлар, собиқ иттифоқ ва унинг иттифоқчилари айнан мафкуралашувнинг, ягона ғояни мутлақлаштириш, унга қарши ёки фарқ қилувчиларни аёвсиз йўқотишга асосланган тузумнинг яққол намунасидир.

Худди шу асрда инсоният деидеологизация, яъни мафкурасизлик назариясини ҳам қўллаб кўрди. Бундай қарашга кўра, жамият ўз-ўзича, мафкура ўз йўлида амал қилиши, давлат асосан ташқи сиёсат, стратегик йўналишлар ва мамлакат ҳимояси билан машғул бўлиши зарур; кимнинг ғояси қандай, у қайси мафкура таъсирида экани ҳар бир одамнинг ўз инон-ихтиёрида; демократик жамиятда бу масалада давлат ва жамият бетараф бўлиши, унга индивиднинг эркинлиги нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Ҳаёт бундай қарашнинг нафақат илмий-назарий жиҳатдан асоссизлигини, балки амалий жиҳатдан ўта зарарли эканини кўрсатди. Лекин ўтган асрнинг ўрталарида шаклланган

бундай ёндашув баъзи мамлакатларга ўз таъсирини ўтказди. Бу айрим давлатлар ҳудудида неофашистик, террорчилик оқимлари ва уларнинг ғоялари ўрнашиб олиши, баъзи мамлакатлардаги маънавий бузилиш тарзида намоён бўла бошлади.

Ана шундай шароитда, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб дунёнинг мафкуравий манзарасида реидеологизация жараёни кўзга ташлана бошлади. Жамиятнинг бошқа жабҳалари қатори ғоя ва мафкура соҳасида ҳам давлатнинг ислохотчи бўлиши, фикрлар ранг-баранглиги доирасида бу масала эътибордан қочирилмаслиги, муайян халқ ҳаёти ва мамлакат ҳудудида бу борада нималар содир бўлаётгани ҳамда воқеалар ривожининг қандай боришига бефарқ бўлмаслик лозимлиги реидеологизациянинг моҳиятини белгилловчи асосий йўналишлардир. Бунда ҳар қандай ҳолатда яқин ва узоқ келажакни белгилаш ҳамда тараққиётда турли йўللardan бориш, хилма-хил йўналишларга эга бўлиш мумкин. Реидеологизациявий ёндашувда давр мутаносиблигини, тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш муҳим ўрин тутди. Чунки мазкур ёндашув нуқтаи назаридан гоҳида оддий ва арзимас таъсир ҳам ривожланишнинг йўналишини, жамиятдаги ҳамкорлик муҳитини ўзгартириб юбориши мумкин.

Шу маънода, бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида рўй бераётган жараёнларнинг таҳлилига тизимли ёндашишни талаб этади. Ушбу манзара эса тез-тез ўзгарадиган турли омиллар ва жараёнларга боғлиқ. Бу борадаги энг асосий тамойил субъектларнинг бир йўналишдан бошқасига, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тез сакраб ўта олиши ҳамда ҳамкорлар ва мақсад-муддаоларнинг тез ўзгариб туришидир.

XX асрнинг охирига келиб, табиий ва ижтимоий фанлардаги ютуқлар натижаси ўлароқ, дунёнинг мафкуравий манзарасига, убиан боғлиқ табиат ва жамият, маънавийлик ва моддийлик, инсон ва табақалар, турли қатламлар ва гуруҳлар

ўртасидаги муносабатларга синергетик ёндашув шаклланди. Табиий-илмий соҳалардаги кўплаб кашфиётлар аввал харбий соҳада қўллаб кўрилгани кейин бошқа жабҳаларга татбиқ этилгани каби, фалсафанинг кўплаб услублари ҳам даставвал табиий фанлар доирасида шаклланган. Дунёнинг мафкуравий манзарасига синергетик ёндашув тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Синергетика нафақат табиий соҳалар, балки ғоя ва мафкура билан боғлиқ жараёнларнинг ўз-ўзини ташкил этиши ва бошқариши каби ҳолатларнинг моҳияти ва қонуниятларини изоҳлашга ёрдам беради. Бироқ жамиятни, жумладан, ғоялар тизими ва мафкуравий жараёнларни таҳлил этишда синергетик тамойилларнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда уларни жамият ҳаётига қўллашнинг мураккаб жиҳатлари борлигини ҳам унутмаслик лозим. Бунда жамият ҳаётининг серқирралиги бениҳоя мураккаблиги, ўзигахослиги, айниқса, инсон тафаккури, руҳий олами, ғоя ва мафкура билан боғлиқ ранг-баранг ҳодисаларга эътибор бериш зарурати муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги давр фанида шаклланган «информация» (ахборот), «информацион майдон», «мафкуравий майдон», «мафкуравий полигон» каби тушунчаларнинг фалсафада кенг қўллана бошлагани жамият қонуниятларини таҳлил ва талқин этишда илмий ёндашувларнинг гуманитар соҳага тобора чуқурлашиб бораётганидан далолат беради.

XXI аср бўсағасида пайдо бўлган янги синергетик қарашлар ғоя ва мафкура соҳасида мавжуд муаммоларни зиддиятлашув асосида эмас, балки ўзаро мулоқот, ҳамкорлик негизида ҳал этишга интилиш лозимлигини кўрсатади. Бу жараён ўзининг ички хусусиятига кўра плюралистик, кўп имкониятли, демократик характерда бўлиб, бутун дунёда унинг амалга ошишини вақт жиҳатидан бир пайтда, замонда эса ягона модель билан ифодалаб бўлмайди. Шу боис демократия ва тараққиёт тамойилларига хос мураккаб тизимнинг синергетик талқини инсоният

тараққиёти ҳар бир тизимнинг (яъни шахс, миллат, давлат, жамият, синф, қатлам ва бошқаларнинг) ички хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида доимо янги ва бетақрор йўлдан боришини кўрсатади. Бу эса айнан мустақиллик йўлидан бораётган мамлакатлар учун, бир томондан, бутун инсониятга хос умумий андозаларни ўрганиш, уларни ижодий қўллаш, иккинчи томондан эса миллий тараққиёт моделларини амалга оширишда ички имкониятларга таяниш, белгиланган мақсад сари собитқадамлик билан бориш усулининг тўғри эканлигини исботлайди.

Дунёнинг мафкуравий манзарасини тасаввур қилиш шу йўналишдаги ёш авлоднинг тафаккурлаш услубининг қай даражада шаклланганига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда уни илмий тушунтиришда хилма-хил қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Улар масалани турли томондан ёритишга ёрдам беради, бир-бирини тўлдиради, ранг-баранг фикрларни умумлаштиришга имкон яратади. Бу эса дунёнинг мафкуравий манзарасини фалсафий изоҳлаш чегаралари кенгайиб, масаланинг мазмун-моҳиятини англаш даражаси ўсиб бораётганидан ҳамда ўзига хос ёш авлоднинг тафаккурлаш услуби шаклланаётганидан далолат беради.

Бундай шароитда янги эришилган билимларни аввалгилари билан таққослаш жараёнида, бир томондан, олдиндан мавжуд бўлган билимлар чуқурлашади, кенгаяди ва аниқлашади, иккинчи томондан, янги билимлар тўпланади ва такомиллашади. Янги эришилган билимларни англаб олишда мавжуд назариялар тизими ҳамда тамойиллар билан бир қаторда, турли ғоялар ва мафкуралар ҳақида олдиндан тўпланган билиш тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд илмий тамойиллар, назариялар ҳамда ўтмишда тўпланган тажриба ёрдамида бу борада янги эришилган билимларни акс эттириш ва англаб олиш ёш авлоднинг мафкуравий тафаккур услубига хос асосий белги ҳисобланади.

Мафкуравий тафаккур услуби муайян халқ, миллат ва бошқаларнинг вакили сифатида бирон-бир ижтимоий муҳитда яшаётган инсондан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Инсон билан боғлиқ бўлган ҳодисалар каби тафаккур услуби ҳам ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади. У жамият тузилиши, дунёдаги давлатлар, халқаро ташкилотлар ва бошқа ижтимоий омилларга бевосита боғлиқ. Зеро, ғоянинг моҳияти айрим кишига хос бўлган алоҳида эмас, балки умумижтимоий муносабатларда намоён бўлади. Шунга кўра, ёш авлоднинг мафкуравий тафаккур услуби турлича ғоявий-маънавий муносабатлар мажмуи билан белгиланади.

Даврнинг тафаккур услуби. Инсоният тарихи далолат берадики, хилма-хил ижтимоий-тарихий даврларга турли тафаккур шакллари мос келади. Ҳар бир даврнинг, демак, биз яшаётган даврнинг ҳам ўзига хос тафаккур услуби мавжуд бўлиб, у турфа шаклларда намоён бўладиган тарихий ҳодисадир. Демак, ҳар қандай бошқа усуллар сингари, тафаккур усули ҳам ижтимоий-тарихий воқеликнинг инъикосидир. Бунда ғоя ва мафкура омили катта аҳамият касб этади. Ушбу масалани ўрганишнинг муҳимлиги шундаки, у дунёнинг муайян давр манзараси билан узвий алоқадорликда намоён бўлади ва шу давр кишисининг онги ҳамда тафаккури шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ўз даври тафаккури таъсирини сезмайдиган, ундан таъсирланмайдиган, бу алоқадорликни ҳис қилмайдиган инсон бўлмаса керак. Давр қандай бўлса, одамлар ҳам шундай бўлади, деган иборада худди шу маъно мужассам. Ўз давридан бегона, унинг ғояларини билмайдиган, қонуниятларини англамайдиган, замонасининг хусусиятларини тушунмайдиган кишини ҳақиқий инсон дейиш қийин. Ҳар қандай даврнинг тафаккур услубида ўша замоннинг устувор ғоялари асосий ўрин эгаллайди, муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Масалан, инсоният тарихида алоҳида босқич бўлган ибтидоий даврнинг оддий ишлаб чиқариш усули унчалик ривожланмаган жамоавий тасаввурни туғдирганки, у орқали ибтидоий одамни қуршаб турган ғоявий, маънавий ва ижтимоий муҳитдаги ҳодисаларни идрок этишга ҳаракат қилган. XIX аср бошларида француз олими Л. Леви-Брюль «Ибтидоий тафаккур» китобида ибтидоий одам тафаккур услубининг хусусиятларини асослаб берган эди. «Ибтидоий одамлар тафаккури ўз асосига кўра мифологикдир, — деган эди у, — чунки ибтидоий инсон идрокининг зарур элементини ташкил этувчи жамоавий тасаввурлар моҳият-этибори билан мифологик тасаввурлар асосига қурилган. Бизнинг тафаккуримиз ундай бўлмай қолди, ҳеч бўлмаганда бизни ўраб турган нарсаларга тааллуқли тафаккуримиз ундай эмас»¹. Бундан кўриниб турибдики, ибтидоий давр тафаккур услуги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бизнинг давримиздаги тафаккурдан сифат этибори билан фарқ қилар эди.

Ўрта асрлар даври тафаккур услубида диний-илоҳий ғоялар устувор бўлиб, улар ўша замон кишисининг онги ва дунёқарашили белгилар эди. Ижтимоий тараққиёт натижасида янги даврларга хос ҳаёт тарзининг вужудга келиши тафаккур услубида ҳам янги сифатий ўзгаришларга замин ҳозирлади. Инсониятнинг моддий ва маънавий ривожланиш тарихи кўрсатадики, гарчи кейинги даврлар тафаккур услубида мифологик ва диний-илоҳий элементлар сақланиб келаётган бўлса-да, у ибтидоий тафаккурдан қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бунда, энг аввало, атрофдаги мавжуд нарса-ҳодисаларни акс эттириш ва фикрлаш ибтидоий жамиятдагидек оддий идрок эмас, балки муайян ғоявий асосда шаклланган мураккаб тасаввурлар орқали амалга оширила бошлайди. Модомики, ҳар бир халқ,

¹ Леви-Брюль. Л. Первобытное мышление. — М.: «Дефа», 1999. — С.26.

миллат ва давлат ўзига мос келадиган алоҳида манфаатларни ёқлар экан, унинг тафаккур услуби ҳам турли йўналишларга эга бўлиши табиий.

Дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг асосида ётган чуқур қонуниятларни билиш зарурати гоё ва таълимотлари аниқ ифодаланган турли фалсафий оқимлар, мактаблар вужудга келишига сабаб бўлди. Улар муайян манфаатларни ифода этиб, етакчи дунёқараш ва ҳаёт қоидалари сифатида инсоннинг атрофдаги оламни ҳамда унинг ривожланиш қонуниятларини назарий ва амалий ўзлаштиришига хизмат қилади. Шу билан бир вақтда ҳозиргача бўлган тараққиёт даврларига хос мафкуравий тафаккур услубида янги билимларни, хулоса ва мулоҳазаларни илмий асослаб олиш муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ҳолат, асосан, ўрта асрлардан кейин ва ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти шароитида ҳақиқатан ҳам умумбашарий аҳамият касб этди. Ҳар бир даврнинг тафаккур услуби ривожланишида ибтидоий давр учун характерли бўлган оддий (пралогик) тафаккурдан формал мантиқ қоида ва қонунлари асосида амалга ошадиган, мантикий фикрлашга, яъни тафаккур жараёнида муҳокаманинг аниқлигига, зиддиятсизлигига, изчиллигига асосланиши бу борада туб сифат ўзгариши юз берганидан далолат.

Собиқ иттифоқ даврининг тафаккур услубида устувор бўлган яқка мафкуранинг таъсири кучли эди. Аслида давлат ва жамият, ички ва ташқи сиёсат, ҳатто одамларнинг маиший ҳаёти ҳам шу мезон билан ўлчанар эди. Дунёнинг мафкуравий манзарасини тушуниш ва талқин қилишда ҳукмрон мафкуранинг устуворлиги ҳаддан ташқари мутлақлаштирилган эди. Ер юзининг қайси жойида бўлишидан қатъи назар, мавжуд бўлган ёки янги шаклланган гоё ва мафкурада иттифоқ мафкурасидан кескин фарқ қиладиган тамойиллар бўлса, у аёвсиз танқид остига олинар, душман деб эълон қилинар эди. Бу эса, ўз навбатида, ўша

давр кишисининг онги ва тафаккуридан ўрин олгани ва уларга жиддий таъсир этгани шубҳасиз.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда кишилар онги ва дунёқараши, тафаккур услуби ва янги сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда, унда ижтимоий жиҳатдан илгаригидан тубдан фарқ қиладиган янги замонавий жиҳатлар вужудга келмоқда.

Даврнинг тафаккур услуби тушунчаси энг умумий маънода ундаги воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини, ўша замоннинг ўзига хос хусусиятлари, эҳтиёжлари, манфаатлари, ижтимоий муносабатларига мувофиқ келадиган билимлар, ғоялар, назариялар, дунёқараш ва методологик тамойилларга мувофиқ тарзда инъикос этилиши ва англаб олиш усулини ифодалайди. Бу таърифда барча даврларга хос тафаккур услубининг умумий белгилари ўз аксини топган. Ундан келиб чиққан ҳолда, муайян давр тафаккур услубининг айрим ўзига хос белгилари ва аниқ турларини ажратиш қийин эмас. Лекин бу ёндашувнинг аҳамияти фақат шу билангина белгиланиб қолмасдан, балки илмий ва амалий фаолият учун ғоят муҳим бўлган қатор методологик хулосалар чиқаришга имкон беради.

Биринчидан, даврнинг тафаккур услуби рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларининг инсон онгида тўла ва чуқур инъикос этилиш даражасига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, тарихий ривожланишнинг турли даврларида тафаккур англаб олиши лозим бўлган тушунчалар, тамойиллар, қонунлар тизимига боғлиқ. Иккинчидан, ҳар қандай даврнинг тафаккур услуби жамиятнинг ижтимоий тузилиши, миллий анъана ва урф-одатлар, шахснинг индивидуал ҳаёти, мақсад-муддаолари, шунингдек, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар мажмуи билан белгиланади.

Ҳозирги даврнинг мафкуравий фикрлаш шакли замонавий тафаккурнинг бутун бойликларини ўзида мужассамлаштириб, ғоя ва мафкура соҳасидаги асосий тушунчалар, қонунлар, категориялар тизимнинг мантиқий билимлар тузилмасини ташкил этади. У ушбу соҳадаги воқеа-ҳодисаларнинг турли-туман муносабатларини, ҳаракати ва тараққиётини, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини тўғри акс эттириш ва тушунишга имкон беради. Бундай ўзгарувчан ва ҳаракатчан тафаккур ғоя ва мафкураларнинг диалектикасига тўла мос келиб, ўзининг аҳамиятини йўқотмайди. Балки у ҳозирги замон шароитида ҳам ғоя ва мафкурани, уларнинг хусусиятларини англашнинг энг муҳим усули ҳамда мантиғи сифатида намоён бўлади.

Муайян илмий назария, методология ва дунёқараш принципларига таянган мафкуравий тафаккурнинг аниқ ва равшанлиги воқелик кечаётган воқеаларни бирон-бир нуқтаи назардан таҳлил қилишга, уларнинг келажакдаги ривожланиш тенденциялари ҳақида ҳолисона ҳулоса чиқаришга, амалиётда тўғри фойдаланишга имкон туғдиради. Айнан ана шундай тафаккур услуби истиқлол даврида устувор аҳамият касб этмоқда.

Тарихда турли даврларнинг тафаккур услублари мавжуд бўлган. Уларнинг ҳар бири ҳақиқатни очиб бера оладиган универсал услуб ўрнини босишга ҳаракат қилган. Лекин кўпчилиги тарихий тараққиёт жараёнида, янги давр талабига жавоб бера олмагани учун муайян даражада инкор этилди. Масалага фалсафа тарихи нуқтаи назаридан ёндашилса, софистик, эклектик, метафизик, механистик ва бошқа тафаккур усулларини мисол сифатида келтириш мумкин. Гарчанд улар бугунги кунда ҳам стихияли тарзда, аҳён-аҳёнда қўллансада, аммо ҳозирги давр тафаккурининг устувор услуби бўла олмайди. Худди шунингдек, диалектик ва бугунги кунда кўпчиликнинг эътиборини тортаётган синергетик услублар ҳам мутлақ, яккаю ягона услуб

бўлиб қолиши даргумон. Улар ҳам умуминсоний тафаккур «пиллапоя»ларида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бошқа услублар қаторидан ўзига хос жой эгаллайди. Инсоният бу усулларнинг ҳар бирини керакли соҳада ва зарур бўлганида қўллашни ўрганиб олган ҳамда амалиётда бу тажрибага таяниб, фаолият юритаверади.

Масалан, софистик тафаккур Қадимги Юнонистонда вужудга келган ва ўша даврнинг тафаккур усулидир. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юнон тилидаги «sopism» сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли ва кўчма маъно-мазмунга эришиш усули, дея талқин этилади. Бу усул қўлланганда фикр мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. У нафақат Қадимги Юнонистон балки ўрта асрларда Европада ҳам кенг тарқалган. Қадимги Грецияда нотиқлик ва до-нишмандликда ном чиқарган файласуфлар софистлар деб аталган, кейинги даврларда эса сўз билан кишиларнинг бошини қотириш усулларини усталик билан қўллаб, уларни чалғитадиган одамларга нисбатан ҳам софист ибораси қўлланган. Ҳозиргача ҳам бу тушунча ана шу қўлланиб ва тушунилиб келмоқда. Бугунги кунда агар бу усул ёлғон хулосаларга олиб келса, нега кўпгина доно кишилар ундан фойдаланган, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, инсоният тарихида ҳурфикрлилик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни тўғри ифодалашнинг иложи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бундай ҳолни инквизиция ҳукмрон бўлган ўрта асрлар Европасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Ўша даврда баъзи зиёлилар ўз фикрини қандайдир тарзда ифодалаш учун ана шу усулни қўллашга мажбур бўлган. Умуман олганда, «дўппи тор келиб қолган» замонларда фикрни Гулханийнинг машҳур «Зарбулмасал» асари каби ифодалаш ҳоллари учраб туради. Бунини ўрта

асрлар Европасига нисбатан олсак, унда Сервантеснинг «Дон Кихот» асари нима сабабдан шундай ёзилгани, унинг бош қахрамони эса нима учун шамол тегирмонларига қарши жанг қилгани ва бу лавҳалар замирида қандай ботиний мазмун яширингани аниқ бўлади.

Ўрта асрларда вужудга келган метафизик тафаккур софистик тафаккурдан фарқ қилади. Диалектика мутлақлаштирилган собиқ иттифоқ даврида метафизика «ўлик метод» сифатида талқин қилинар. Бунда асосан механистик метафизика назарда тутилар эди. Кейинги асрларда фалсафий тафаккур услубига айланган метафизика бир оз кенг маънода, яъни диалектикага зид услуб сифатида ҳам қўлланила бошланди. Метафизиканинг ана шу янги талқинида диалектика сингари ниҳоятда кўп томонлари намоён бўла бошладик, уни тадқиқ этиш илмий билиш ва амалиётда муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, ҳалигача баъзи фалсафа мутахассислари ҳамда бу фан бўйича дарс берувчи айрим ўқитувчилар диалектика ва метафизикага нисбатан бир томонлама ёндашув асосида чиқарилган, алмисокдан қолган собиқ иттифоқ давридаги хулосадан унчалик узоқлаша олмаяпти. Собиқ иттифоқ фалсафасида устувор бўлган бу хулоса метафизикани тафаккур услуби сифатида бутунлай асоссиз деб ҳисоблайди, уни «ўлик» ва «қуруқ» услуб деб эълон қилади.

Аслида муайян услубнинг ўрни ва аҳамияти қачон, қандай шароитда қўл келиши, фойда бериши, тадқиқотчини мақсадига етказиши билан белгиланади. Шу боис, ҳар бир услуб ҳаётбахш бўлиб, уларнинг барчасидан ўз ўрнида фойдаланган маъқул. Қолаверса, олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлса-да, бу жараён доимо ҳам ниҳоятда тез содир бўлавермайди. Биз эса дунёдаги нарсалар, ҳодисалар ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қолганмизки, гўё кечадан бугуннинг фарқи йўқдек, кеча кўрган кишига бугун дуч келганимизда унда ҳеч қандай

ўзгаришлар бўлмагандай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз, нималаргадир ана шундай муносабатда бўламиз. Аслида эса улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз. Худди шундай, бизнинг умримиз ҳам кечадан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб борамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор берилавермайди. Шу тариқа мактабни тугатиб қўйганимизни, улғайганимизни, болалик ортда қолганини гўёки билмай қоламиз.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ҳам ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ этилган асарлар, тадқиқотлар йўқ. Қолаверса, уни диалектика билан бутунлай қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан ана шундай ёндашув собиқ иттифокда диалектикани мутлақлаштиришга, метафизикага эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланилмасликка сабаб бўлди.

Синергетика таълимотини диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Юқорида биз бу усул ҳақида мухтасар фикр юритдик. Синергетиканинг XX асрдаги шахдам одимлари ўрта асрларда Европада аниқ фанлар соҳасида индукция ва дедукция усуллариининг муваффақиятли қўлланилиши, катта мавқега эга бўлгани ва пировард натижада, фалсафий методга айланилиши эслатади. Бу методни XX асрда табиий фанларнинг фалсафа соҳасига киритган энг катта услубий ютуқларидан бири

сифатида баҳолаш мумкин. Аммо бу унинг диалектикани бугунги давр тафаккур услублари орасидан бутунлай суриб чиқаради, дегани эмас. Зеро, ҳозирги давр тафаккурида ҳар бир таълимот, услуб ва методнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Диалектиканинг аҳамиятига келганда эса унинг ижтимоий билимлар соҳасидаги ўрни ва инсоният тафаккуридаги кадр-қиммати катта ва у бугунги тафаккур услубларининг асосийларидан бири бўлиб қолаверади. Худди шундай синергетика ҳам фанларнинг охири ва мутлақ услуби эмас, балки тараққиёт натижасида ўзгариб борадиган ва муттасил тақомиллашадиган ижодий тафаккур мевасидир.

Кишилиқ жамияти тарихи бунёдкор ғояларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айти пайтда, бузғунчи мафкураларнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб, мудҳиш қиёфасини намоён қилишига ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бутун тарихи давомида хилма-хил иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, улар турли даврларда янги шакл-шамойил, хусусият касб этди. Бугунги кунда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка, охир-оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам Ер юзи минтақалари халқлари, жумладан ёш авлоднинг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдониға, мафкуравий полигонға айлантилмоқда. Ана шундай шароитда халқнинг, айтиқса ёш авлоднинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив, воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият тараққиётиға, Ватан ва халқ манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлашға хизмат қилиши лозим.

XXI асрга келиб дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб турган сиёсий манзара тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагерь тарқалиб кетди. Унинг энг катта

ва тоталитар тузум ҳукмрон бўлган асосий давлати — собиқ иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклади.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган ғоя ва мафкуралар жаҳондаги, муайян мамлакатлардаги тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Баъзи мамлакатлар ҳаётида турли ғоя ва мафкураларнинг салбий оқибатлари ва таъсирини кузатиш мумкин. Баъзиларида дунёвий ёки диний ғоялар устунлиги сезилиб турса, аксарияти демократик тараққиёт йўлига ўтганини эълон қилган. Ана шундай шароитда дунёнинг мафкуравий манзарасида ўз ўрнига эга бўлган баъзи ғоя ва мафкураларни баҳолашда уларнинг мазмун-моҳиятига, бугунги кундаги амалиётига аҳамият бериш зарур.

Дунё эса демократия ниқобидаги ўзаро мафкуравий кураш майдонига айланмаслиги керак. Мафкуравий қарама-қаршилик эмас, ўзаро мулоқот, турли манфаатларнинг ўзаро кесишадиган нуқталарини топиш йўлида маданиятлараро мулоқот тамойилини танлаш йўли дунё ҳамжамиятининг тараққиёти манфаатларига мос. Зеро, демократик давлат ва жамият қурилишининг турли хил моделларини тан олиш ҳам демократиянинг ҳолисона талаби. Унинг ҳаётбахшлиги ҳам шунда намоён бўлади. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида мамлакатимизда бу соҳада эришилаётган ютуқлар бунга яққол мисол бўла олади.

Кўриниб турибдики, маънавий-маърифий ишлар ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратаётган мамлакатимиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу интилишларни ўзида мужассамлаштирган

ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлган миллий истиқлол ғояси ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. «Мен, — деб ёзган эдилар Биринчи Президентимиз, — Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир»¹ деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир»². Шу маънода, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган истиқлолни ҳимоя қилиш мумкин. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, минтақамиз бундан буён ҳам цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган макон бўлиб қолаверади.

Мазкур масалада инсоният ҳаётида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни кўзлаётганини англаб етиш ҳамда бу борада аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида изчил ва таъсирчан тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. — 93-бет.

² Шу манба

4.3. Мафкуравий тажовуз ва унга қарши ёш авлод онгида миллий хавфсизликни таъминлаш зарурлиги

Мафкуравий тажовуз ва унга қарши ёш авлод онгида хавфсизликни таъминлаш муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. Мафкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузгунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг, айниқса ёшларнинг диний, миллий ҳиссиётларидан, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда мафкуравий тажовуз деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёш авлод қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузгунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Бундай тажовуз фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятига халақит қилиш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш ёки уларни конституцияда кўзда тутилмаган бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чақиришда намоён бўлмоқда. Миллий истиқлол ғояси ўзининг мазмун-моҳияти билан ана шу каби мафкуравий тажовузларга қарши тура оладиган кишиларни жумладан ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада барча фуқароларнинг огоҳлиги, фаоллиги, эзгу ғояларга хизмат қилишга тайёрилиги катта аҳамият касб этади.

2012 йил 31 август тонги. Тошкент. Шаҳидлар хотираси хиёбони. Бўз анҳори ҳам бир тўлғаниб, озодлигимиз учун

жон берган боболар руҳига сажда қилиб ўтаётир, гўё. Мустақил Ўзбекистонда ҳар йил шу куннинг тонгида халқ эрки, юрт озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотирланиб, руҳлари шод этилади. Тонгда тинчлик қадри ўзгача сезилади. Айниқса, дунёнинг узоқ ва яқинидан ички низолардан оҳ тортаётган халқлар фарёди эшитилиб турса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Яқин Шарқни чулғаб олган нохуш воқеаларга бизнинг муносабатимиз ҳақида сўзлаб, биз бу ҳудудда можаролар тезроқ тугаб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини исташимизни баён қилган эдилар. Бу нотинчлик ичкаридан эмас, четдан келгани, кимлардир четдан туриб, халқнинг орасини бузаётганидан огоҳлантирган арабларнинг бошига тушган бу бало кимларнингдир режаларига кўмак бериши ҳақида халқимизга маълумот бериш кераклиги ҳақида сўзлаган эдилар.

Агар биз бу балонинг томирини тушунтириб берсак, одамлар хабардор бўлса, турли-туман ножўя гаплар чекинади. Бизга нима, деб юрсак, бу калтабинлик бўлади. Арабистон халқлари бошига тушган бу фожиа, келишмовчилик албатта ўтиб кетади. Фақат чидам ва аҳиллик керак. Тинчликнинг қадри нимада юзага чиқади? Кўринади? Шукроналикда. Ён-атрофимизда, дунёда содир бўлаётган воқеалар, уларнинг оқибатлари ҳақида ҳаққоний маълумотлар шукроналикка асос беради. Чунки нотинчлик ҳеч қачон бир жойда турмайди. Тўлқинланиб, янгиланиб, қўшни давлатларга албатта етиб келади.

Шунингдек, одамларга ён-атрофимизда бўлаётган сиёсий ўзгаришларни тушунтириб бориш жуда муҳимлигини таъкидладилар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов. Арабистон тинчлик дини — ислом туширилган замин. Буюк муҳаддислар Имом Бухорий, ат-Термизийлар мероси шарофати билан пайғамбаримиз ибратларини ўқиб, аҳил яшаб келаётган араб халқларининг тинчлиги нега

бузилди? Худо берган ер ости бойликлари ҳисобига тинч ва фаровон яшаётган араб мамлакатларида нега сокинлик — кескинликка, аҳиллик — биродаркушликка, тинчлик — можароларга, барқарорлик — беқарорликка айланди?

Баҳор. Яхшилик, ҳаёт, муҳаббат рамзи. У ҳар йили инсониятга қувонч, дала-дашт, саҳроларга яшиллик олиб келади. Лекин қишда келтирилган «араб баҳори» 2010 йил 18 декабрдан бошлаб Тунис, Миср, Ливия, Баҳрейн, Сурия, Яман, Иордания, Марокко, Жазоир, Уммон, Қувайт, Мавритания, Судан ва бошқа мамлакатларга ўлим, ёнғин, вайроналик, парокандалик, биродаркушлик, инқироз олиб келди (Evronews (24/04/09)). Баҳрейнда сунний раҳбарлар адолатсизлигига қарши шиаларнинг оммавий тартибсиз намоишлари бўлиб ўтди. Баҳрейнга Саудия қўшинлари киритилди.

Сурияда оппозиция кучларига қарши самолёт, вертолётлар ишлатилмоқда. Одамларнинг уйи куйган, қурбонлар бор деган уруш хабарлари тарқатилмоқда. Кимлардир уни «араб баҳори», кимлардир «араб баҳори ва қиши», кимлардир «араб уйғониши», «панараб инқилоби», яна кимлардир «араб қўзғолони» деб атади. Лекин бу иборани мафкуравий таҳлил қилиб, кейинги воқеалар билан боғлаб қарасак, ғалати хулосалар келади кишига. «Араб баҳори» ибораси инсониятнинг аниқ миллий, маданий, ҳудудий, сиёсий, ижтимоий чегараланган сегментни англатади. Яъни, манзилли. Бир томондан, уни айтаётганлар ҳам, эшитаётганлар ҳам ўз эътиборини араб оламига қаратади. Иккинчи томондан, (миллий ўз-ўзини идентификациялаш орқали) мамлакатидан, диний мансублигидан қатъий назар ҳар бир араб бу иборани менга тегишли, деб қабул қилади. Демак, бу ибора устида ишлаганлар арабларнинг миллий туйғуларини нишонга олишган. Бу иборани ҳар бир араб онги ва қалбининг калитига айлантириш кўзда тутилган. «Баҳор» сўзини совуқ, ҳиссиз айтиб ҳам, эшитиб ҳам

бўлмайди. Бу сўз фақат ижобий, романтик ассоциацияларни уйғотади. Гап саҳролар мамлакати — Арабистонда орзиқиб кутиладиган, санокли, гўзал яшил кунлар ҳақида кетяпти. Айниқса, ёшларда. Шундай эмасми? Демак, бу медиавирусни яратганлар олдиндан ўз объектлари (араблар)ни ва уларнинг орасидан ўзларига керак бўлган қатлам (ёшлар)ни, ёшлар учун энг ёқимли, кўп маъноли сўз (баҳор)ни топишган. Одатда воқеани у содир бўлган давр, фасл билан боғлаб гапиришади. Бироқ, «араб баҳори» атамаси билан боғлиқ воқеалар хронологияси, мазмунида мана шу мантиқ йўқ. Яъни, қишнинг бошидаги — 18 декабрь воқеалари баҳорий воқеа деб кўрсатилмоқда. Нега? Демак, бу иборада араб ёшларининг эртанги кунга умидлари, баҳорий кайфияти, миллий туйғулари шу икки сўзда мужассам қилинган. Демак, «араб баҳори» ибораси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас. У пухта ўйланиб, жамиятнинг энг тажрибасиз ва таъсирчан қисми — ёшлардан фойдаланиш учун тайёрланган. Бу эса бахтиёр «араб баҳори» бу — замонавий ИТ воситалари орқали амалга оширилган мафкуравий операция эмасмикин, деган саволни уйғотади. Айрим араб зиёлиларининг Интернетда тарқатган фикрларига қараганда «араб баҳори» — улкан фитна. У арабларга кулфат, уни олиб келганларга баҳорни ваъда қилади. Буни англаган миллионлаб араблар бундай «қонли баҳор»ни четдан олиб келиб ёйганларни лаънатламоқда. Араб халқининг ичидан чиқиб, бузғунчиларга шериклик қилган сотқинларни ер муштраб қарғамоқда. Шундай дамларда беихтиёр «Юксак маънавият — енгилмас куч»даги мана бу фикрни эслайсиз: Маънавий таҳдид деганда, аввало тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион

хуружларни назарда тутиш лозим...»¹ деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Айни пайтда ахборотнинг аксарият қисми Интернет орқали дунёга тарқалмоқда. Интернетдаги ахборотнинг ҳажми жуда катта бўлиб, кенг қамровли турли-туман мавзулар ёш авлоднинг онгига салбий таъсир ҳам кўрсатмоқда. Яъни, информацион жараён ижобий бўлишдан ташқари ўзининг салбий томонлари билан ўзига хос маънода фожиадир. Тараққиёт жараёнида ҳар бир ахборот кучли стратегик мақсадда амалга оширилади. Бугунги кунда айрим кишилар реаллик ва нореалликни ажрата олмайди. Профессор Ф. Мўминовнинг илмий мақолаларидан бирида «Интернет давлат идоралари ходимлари, ҳуқуқшунослар, журналистлар, қисқаси, барча учун жиддий янгилик, аниқроғи жумбоқ бўлиб қолди ...»² деб бежиз айтилмаган (Ф. Мўминов. «Интернетда муаллифлик ҳуқуқи»).

Интернет орқали тарқалаётган ахборот бугунги куннинг глобал муаммоларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув даврида ахборотга бўлган талаб юқорилиги боис, ёш авлод ўзига керакли бўлган турли хил маълумотларни олади. Айни пайтда тараққиёт жараёнида Интернетда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолис ёки ҳаққонийлигига ишониш долзарб масаладир. Мисол учун, Интернетдаги айрим хабарлар бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундайди. Ҳозирги вақтда бундай ахборот тарқатиш усулларида турли экстремистик гуруҳлар, бузғунчи ташкилотлар фойдаланиб келаётгани бутун дунёни ташвишга солмоқда. Тараққиёт жараёнида телефон орқали компьютерга уланиб дунёнинг

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият — енгилмас куч». — Т.: «Маънавият», 2016. — 13–14-бетлар.

² Мўминов Ф. Интернетда муаллиф ҳуқуқи. Илмий мақолалар тўплами. — Т.; 2006 йил. — 32-б.

хоҳлаган бурчагидаги ёш авлод билан мулоқотда бўлиш ва ўзига керакли ахборотни олиши мумкин. Ахборот ёшлар ҳаётига турли йўналишлар орқали таъсир ўтказади. Ахборот асрида «мавҳумлашув» юз бермоқда яъни, ахборот қудратли воситага айланиб бутун дунёни ташвишлантирадиган муаммоларнинг келиб чиқишига туртки бўлмоқда. Масалан, собиқ иттифоқ тузумида инсоният ядровий хуружлардан «чўчиган» бўлса, ахборотлашган глобал тармоқ тизими ёш авлодга катта имкониятлар очиб беришдан ташқари жиддий ташвишлар ҳам туғдирмоқда.

Ахборот асрида Интернетдан ахборот тарқатиш ва қабул қилиш оддий ҳол бўлиб қолди. Интернетда «кибертерроризм» вужудга келган. Бунда эса айрим шахслар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда агрессив мақсадда ахборот хуружини уюштиради. Интернет орқали тарқалаётган ахборот хуружи аждодларимиздан мерос бўлган миллий қадриятимизга ҳам таъсир кўрсатади. Миллийлигимизни сақлаб келаётганимиз, мустақил давлат бўлиб дунёга танилаётганимиз сабабли айрим давлатлар глобал тармоқ орқали ахборот хуружини уюштиришга ҳаракат қилади. Бугунги кунда Интернетда мафкуравий таъсир ўтказиш ниҳоятда ўткир қуролга айланиб келаётгани, турли хил сиёсий кучлар гегемон давлатларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани ва глобал жараёнда Интернетнинг роли катта эканлигини ёшларимизга тушунтиришимиз керак. Бунинг учун биз, авваламбор, олийгоҳларда Интернет журналистикасига оид фанларни ўқитишни йўлга қўйишимиз ва кенгайтиришимиз лозим. Бугунги кунда давлат хавфсизлигини таъминлашда халқ манфаатларига зид бўлган ахборот тарқатилишининг олдини олиш энг муҳим вазифа эканлигини англаб, айрим мамлакатларда глобал тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Хитой мамлакатада махсус «Ватанпарвар хакерлар» деб номланган Интернет хавфсизлигини таъминловчи ташки-

лот мавжуд. Ушбу ташкилотда 20 мингдан ортиқ компьютер мутахассислари фаолият юритади. «Ватанпарвар хакерлар» мамлакатга хавф солувчи «номаъқул» ахборот хуружларининг олдини олишади. Ҳозирги пайтда, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатида «Интернет ҳимоячилар» гуруҳи ташкил этилган ва «ҳимоячи»ларга 1,5 миллиард АҚШ долларида ортиқ маблағ сарфланади. Бу эса глобал жараёнда ўз мамлакатида «номақбул» ахборот олишни чеклайди. Бундан ташқари, Ҳиндистон давлатининг Техника институтидаги Электрон хавфсизлик факультетида «Интернет ҳимоячилар»и фаолият юритмоқда, ҳар йили ушбу факультетни муваффақиятли тугатган 10 нафар талабалар «Интернет ҳимоячилар»и сафига ишга қабул қилинади. Хулоса қилиб айтганда, Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг 64% ёшлар бўлгани учун «номақбул» ахборот хуружидан сақланишимиз керак. Чунки, бундай маълумотлар миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий дунёсига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Айрим ёшлар беихтиёр ахборот олиш, шунингдек, тарқатиш субъектига айланганини сезмаган ҳолда Интернетдан видеолавҳалар ва миллий маънавиятимизга тўғри келмаган маълумотларни кўчириб олиб, дўстларига тарқатмоқда. Глобаллашув жараёнида ахборот хуружи ёшларимизнинг онгига, жамият тараққиётга, миллий менталитетимизга таҳдид солмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда давлатимиз жамият ва фуқаролар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда ахборот-коммуникация соҳасида қатор қонунлар қабул қилинди ва ишлаб чиқилипти. Шунга кўра, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда фарзандларимиз билан ота-оналар иштирокида тушунтириш ишларини йўлга қўйиш лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Интернет журналистикани янада ривожлантириш эса, ўз навбатида, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий дунёсининг юксалишига

ва «номақбул» ахборот хуружининг олди олинисига хизмат қилади.

Очиқахбороткоммуникациятизимида ахбороттаҳдидларини баҳолаш ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари. Шах турли мафкуравий таҳдидлардан қандай йўллар билан сақланиши мумкин? Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун аввало эгоцентризм каби тушунчаларга изоҳ бериш даркор. Эгоцентризм сўзи лотинча «ego» — мен ва «centrum» — доира маркази сўзларидан олинган. Маъноси — ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида қотиб қолган инсон атроф-муҳит ва одамларга ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради.

Психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари — билишга оид, ахлоқий ва коммуникатив эгоцентризмлар фарқланади. Охиргиси — бошқаларга бирор хил маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликда намоён бўлади. Назаримизда, замонавий информацион хуружларнинг муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустақил фикр бўлиши лозим. Демак, очиқ ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга ўргатиш орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулоқоти тизимида кўпроқ тарбияланувчининг фазилатларига боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар ўқувчи ёки

талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом эътиқодини тарбиялашнинг иложи йўқ. Иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўқувчи учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин.

Демак, бугун таълим муассасаларида таълим олаётган, лекин минг афсуски, ўз мустақил фикрига эга бўлмаганлар билан ишлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш даркор:

Биринчидан, хулқ-атвордаги хатоликлар энг аввало фикрлаш тарзидаги хатоликларнинг оқибати бўлгани учун талабаларнинг негатив фикрлаш тарзи схемасини ўзгартириш лозим. Иккинчидан, фикрлаш тарзига таъсир кўрсатиш учун педагоглар ўзларининг тушунтириш услубларини, тарбия методларини ўзгартиришлари лозим. Яъни, илгари, юқори тонларда, директив оҳангда, «катта роли»да талаба билан мулоқот қилган педагог, энди керак бўлса, «тенгма-тенг», демократик оҳангда, босқичма-босқич хатти-ҳаракатларни биргаликда таҳлил этишга ўтишлари лозим. Учинчидан, ўқувчи-талабаларнинг ўз-ўзини идрок қилишини, ўзига бўлган баҳосини ўзгартириш, яъни талабани ижобий ишларга йўналтириш орқали ўзига бўлган баҳосини ўзгартиришга эришиш керак. Ниҳоят, шундай вазият яратиш лозимки, ўқувчи ижобий тажриба орттирсин, яъни ўзига, оиласига ёки синфдош дўстларига, мактабига манфаатли иш қилиб, олқиш олсин, яъни уларни жамоат ишларига кенг жалб этиш амалиётини кенгайтириш, бу ишдан манфаатдорлигини ошириш лозим. Демак, таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир педагог ёшларга мустақил фикрлашлари учун шароит яратиши лозим, акс ҳолда унинг онги тайёр шаблонлар, стереотипларга шу

қадар ўрганадики, улар охир-оқибат ҳар қандай бидъат ёки ёт ғояларга эргашиб кетаверадиган бўлиб қолади. Яъни, дарсни ташкил этишнинг ноанъанавий усулларига кенг йўл очиш, дарс жараёнида ўқувчилар билан интерактив мулоқотни ташкил этиш, улар миясининг яхшироқ ишлаши, қизиқиши ва мустақил фикрлашига ёрдам беради.

Психологик манбалардан яна шу нарса маълумки, ёшлар мустақил фикрлашлари учун таълим жараёнининг ўзида жорий этилган тартибларда бюрократияни минималлаштирилишига эришиш керак. Чунки эски таълим тизими ўқитувчининг айтганини, у ёзган маъруза матнини айнан кўчириб ёзиб келиш, айтиб беришни талаб қиларди. Бу ҳолат мияни автоматик ишлашга, зомби каби ёдланган бир хил қолипда бўлишга ўргатади, бундай мияда албатта ўзига хос вакуум ҳосил бўладики, бу ваккумга кейинчалик бошқа ёт ғоя ва тушунчалар жуда тез сингади, чунки мия деярли тормозланган, ҳар қандай бошқача хабар унинг миясига осон кириб олади. Демак, давримиз педагоглардан, раҳбарлардан ўз иш услубларини ўзгартириш, мулоқот қобилиятларни такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бу унинг таъсир кўрсата олиш хислатининг самарали бўлишини талаб этади. Бу эса бевосита ёшларда мустақил, эркин тафаккурнинг ривожланиши учун реал замин бўлади.

Ўқитувчилар ёшларни турли ёмон таъсирлардан асрашда ахлоқий қадриятлардан фойдаланиши ва бунда ахлоқий таъсир кўрсатиш технологиясидан оқилona ўз фаолиятида жорий эта олиши лозим бўлади. Ахлоқийликка ўргатиш, ахлоқан ва маънан юксак бўлиш, умуман тазйиқни, куч ишлатишни рад этади. Маъмурий тазйиқ ёшларни ёт таъсирлардан асраб қололмайди. Бунинг ягона йўли — ўқувчи билан муносабатда гуманистик тамойилларни жорий этиш, эркин фикр алмашилиш муҳитининг яратилишидир. Зеро, мамлакатимизда қурилаётган эркин

фуқаролик жамиятининг асосчиси Илом Каримов бу эзгу ишларни амалга оширишда ҳамиша ёшларга, уларнинг мустақил фикрли, иқтидорлиларига ишонар эдилар.

Ёзувчи А. Қаҳҳор «бирор-бир асар ўқувчида қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошласа, ғояси ўшанда» деган фикрни билдирган. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ёшларни турли ёт ғояларга берилиб кетмасликлари учун уларни эзгу ғояларга ундаш керак ва бу ғоялар уларнинг маслагига айланишига эришмоқ лозим. Шундагина ёш авлодни турли бузғунчи ғоялардан сақлай оламиз.

ХУЛОСА

Мустақиллик ўзбек халқига тарихи, маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб ривожлантиришга, миллий истиқлол ғояси, ғурур ва миллий тафаккур туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг жорий этилишини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган таркибий ва функционал ўзгаришларни тақозо этмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосий сифат хусусиятлари жамият базасини тубдан қайта қуриш, энг аввало, мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва истеъмол, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш шакллариининг ўзгариши, иқтисодий районлаштириш эҳтиёжлари ва бозор, бозор муносабатлари томон жуда муҳим иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бундай шароитда ёш авлод ижтимоий-иқтисодий ўзаро алоқалар ҳамда ўзаро муносабатларни ўзгартиришнинг энг фаол бўғини бўлиб қолади.

1. Ёшлар, 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган, анча кенг имкониятларга эга бўлган алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳни ташкил қилади. Ёшлар муаммосида жамиятда рўй бераётган барча жараёнлар акс этади, бу эса ўсиб келаётган авлод ўйлаши лозим бўлган роль фавқулодда муҳимлигидан далолат беради.

Миллатлар ва халқлар учун масъулиятни ўз зиммасига олган давлат ўз олдида қуйидаги конкрет вазифани қўяди: ёш авлодни ижтимоий муносабатларнинг хилма-хил шаклларида ўтишга тайёрлаш; уларни мафкуралаштириш оқибатларидан халос қилиш, интеллектуал салоҳиятини банддан озод қилиш, уларга ҳуқуқий кафолатлар бериш. Шу боис ёш авлоднинг ижтимоий ривожланиши диалектикасини улар мустақил ҳаётга қадам қўя бошлагач дуч келадиган реал зиддиятларни ҳисобга олиб таҳлил қилиш энг муҳим назарий-методологик муаммолардан бири ҳисобланади.

Ёш авлод тушунчасининг илмий тадқиқи ва таҳлили, уларнинг барча хусусиятларининг сабаб-оқибат боғланишларини, тарихий вазиятни, жамият ривожланиши босқичларини, жорий ижтимоий ўзгаришлар ҳамда янгилашниларни очиб бериши даркор.

Жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири жисмонан соғлом ва ақлан ривожланган ёшларга соғлом психика ҳамда психология негизда таълим ва тарбия бериш жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири, чунки миллий тикланиш муаммосига ёшлар маънавияти, маданияти, ахлоқи ва саломатлигидан айри ҳолда қараб бўлмайди.

2. Ижтимоий онгнинг ушбу даражаси ривожланишидаги алоҳида босқич бўлган ёшларнинг ижтимоий онги ва психологияси кечинмалар, рағбатлар, манфаатлар, тасаввурлар, идеаллар, анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, пировард натижада ижтимоий муносабатлар тизими билан, шу жумладан, ижтимоий муносабатлар характери билан белгиланадиган нуқтаи назарлар ва мойилликларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялашнинг моҳияти ва ўзига хослиги шундаки, уларнинг онги ва психологияси умуман мослашувчан, берилувчан, таъсирчан, кўплаб ахборотни ўзлаштиришга қодир бўлади. Ёшликда иқтисодий ва сиёсий қарашлар, дунёқараш барқарорлик касб этади, ўзлигини англаши ривожланади, турмуш тарзи ва фикрлаш тарзи таркиб топади, хулқ-атвор услуби ўзгаради. Бу жараёнлар негизда ёш авлоднинг аҳволи босқичма-босқич ўзгаради, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кенгаяди. Айни маҳалда ёш авлодни ғоявий ҳимоялашнинг қарор топиши ва ривожланиши нафақат объектив иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий балки субъектив-психологик омиллар билан ҳам тақозо этилган диалектик жараёндир.

Дунёқараш билан боғлиқ қоидалар, миллий урф-одатлар, анъаналар ва маданият ҳам ёшларнинг ғоявий ҳимояланишига таъсир кўрсатади.

Шахснинг ижтимоий етуклиги унинг ривожланиши мезонлари, уни ижтимоий ҳаётга жалб этиш натижаси сифатида воқе бўлади. У ёш авлоднинг таянч таълимни тугатиши, касб-кор эгаллаши ҳамда фаоллик касб этиши, касбий мажбуриятларни ва раҳбарлик функцияларини бажариши, сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиши ва улардан фойдаланиши, қонун олдида тўлиқ жавоб бериши, никоҳдан ўтиши ва фарзандли бўлиши билан бир вақтга тўғри келади. Бошқача айтганда, ёшлар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлангач, уларни фаолиятнинг хилма-хил турларида рўёбга чиқаришга қодир бўлгач, жамиятда шахс сифатида ижтимоий етуклик касб этади.

3. Ўзига хос психологияга эга, нисбатан мустақил ижтимоий-демографик гуруҳ бўлган ёшларни қуйидаги кичик гуруҳларга бўлиш мумкин: 1-, 2-ўқувчи ва ишловчи ёшлар; 3-, 4-қишлоқ ва шаҳар ёшлари; 5-ижодкор ёшлар. Бундай тасниф ёшларнинг ўзига хослигини чуқурроқ акс эттириш имконини беради, социологик жиҳатдан ўрганиш доирасини кенгайтиради, унинг ватанпарварлик ғоясининг хусусиятини кузатиш ва тадбиқ қилиш имконини беради. Лекин бунда биронта ҳам ёшлар гуруҳи устунликка эга бўлмайди. Ижтимоий типлаштириш ёш авлоднинг энг муҳим аломатлари ҳамда хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Ёшларни ғоявий жиҳатдан ҳимояланишини шакллантириш ҳамда ривожлантириш узоқ давом этадиган диалектик жараён бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа ўзгаришларга бутунлай боғлиқ.

4. Ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги ислохоти ва эволюцияси, миллий тикланиш, маънавий қадриятлар

қайтадан жонланаётган даврда ёшларни ғоявий ҳимояланишини шакллантириш мақсадида аждодлар билан авлодлар, халқнинг тарихий ўтмиши билан келажаги ўртасидаги алоқа тикланмоқда, тажриба, билим, анъаналар ва маданий меросни тўплаш ва қолдиришда ворисийликка амал қилинмоқда. Лекин бу ўтмишдаги анъаналаримизга кўр-кўрона, онгсизларча риоя этиш эмас, балки улардан халқнинг ўзини-ўзи ахлоқий ва маънавий камол топтириш жараёнларини чуқурлаштирадиганларини пухталиқ билан танлаш ҳамда фойдаланишдир.

5. Ёшларнинг ғоявий ҳимояланиш профилактикасини билиш ва зарур ижобий йўналишда шакллантиришда «турмуш тарзи» категориясини тўғри тушунишнинг аҳамияти катта.

Ёш авлод томонидан аждодлар турмуш тарзининг, кадриятлар нормалари ижобий элементларининг мерос қилиб олиниши ҳамда ўзлаштирилиши оиладаги, мактабгача муассасалардаги, умумтаълим мактабларидаги, лицейлардаги, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги, меҳнат жамоаларидаги муайян мақсадни кўзлаб олиб борилган ғоявий-тарбиявий ишлар жараёнида ижтимоий муносабатлар бутун мажмуи таъсири остида амалга оширилади. Ҳозирги ёшларнинг умумқабул қилинган стандартларга мувофиқ келувчи турмуш тарзини шакллантириш ижтимоий турмуш ва хулқ-атворнинг мавжуд нормаларини шунчаки ёдлашдан иборат бўлмаган боқий диалектик жараёндир.

Айни маҳалда ёшларнинг турмуш тарзини шакллантиришда ёшларнинг ўз ҳаётий йўлини шахс сифатида фаол танлаш, шахсий тажриба асосида кадрият йўналишларини муайян мақсадни кўзлаб ишлаб чиқишнинг роли катта. Ҳозирги пайтда ёшларнинг меҳнатини, турмушини, дам олишини ташкил қилишда, хилма-хил маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришда маълум ютуқларга эришилганига қарамай, ижтимоий муносабатларнинг янгича типига

ва бозор иқтисодиётига ўтишдаги илк қадамлар билан боғлиқ бўлган, ҳозирги шароитда жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширила боришига кўра, аста-секин бартараф этиладиган камчиликлар ҳам мавжуд. Ёшларнинг мафкуравий ҳимояланиши уларнинг онгида, фикрлашида ва хулқ-атворида ҳам шунга мувофиқ сифат ўзгаришларга олиб келади.

6. Республикада мустақиллик қўлга киритилгани ҳамда миллий хусусиятлар ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилгани аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг ватанпарварлик ғоявий ва ижтимоий онгида ўз аксини топмоқда. Ёшларнинг миллий истиқлол ғоясини ўзлаштириши уларнинг янгича иқтисодий фикрлаш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболлари ва бунга эришиш борасидаги янгича нуқтаи назар шаклланмоқда. Ёшларда мафкуравий оннинг ривожланиши асосида уларнинг психологиясида, онгида кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ тушунчалар, тасаввурлар шаклланмоқда.

Ёшлар аста-секин ҳўжалик юритишнинг, тадбиркорликнинг фаол субъектига айланиб бормоқда, давр талаб қилаётган ишчанлик фазилатларини, хусусий мулкчилик ва ахлоқ элементларини касб этмоқда. Айни маҳалда, бошқа истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар билан мулоқотга кўра жаҳон ҳўжалик алоқаларининг диалектик бирлигини, иқтисодий ривожланишнинг умумий қонуниятларини аста-секин тушуниб бормоқда. Бунда ёшлар давлатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Ёшларнинг рўй бераётган ўзгаришлардаги иқтисодий фаоллигини кучайтириш уларнинг билимига, касбий маҳоратига, фуқаролик позициясига тўғридан-тўғри боғлиқ.

7. Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши ўзбек халқи учун маънавий янгилашнининг, бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаётида, мафкуравий профилактика ҳамда ижтимоий онг шаклларида юз бераётган жараёнларни янгича англашнинг бошланиши бўлди.

Мустақил Ўзбекистоннинг анъавий-ахлоқий янгилашининг асосий белгиларига қуйидагиларни киритиш зарур: миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш; ҳар бир киши маънавий салоҳиятини ўзи рўёбга чиқариши; ватанпарварлик, гуманизм.

Бу жиҳатлар жамулжам бўлгани ҳолда Ўзбекистоннинг ҳозирги ёшлари аҳолининг кўп сонли ижтимоий гуруҳи сифатида халқнинг миллий тикланишида, республикада чинакам мустақил давлатчилиқни қарор топтиришда, унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида улкан роль ўйнашидан, жамиятда ижтимоий барқарорлик ҳамда сиёсий мувозанатнинг муҳим омилларидан бўлиб қолишидан далолат беради.

Маънавият ва ахлоқийликни аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг мафкуравий онги ва уни янада ривожлантириш ҳамда камол топтириш руҳида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишидир. Халқларнинг маънавий меросига авайлаб муносабатда бўлиш, нодир тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ҳамда таъмирлаш, Ўзбекистон халқлари томонидан яратилган, бинобарин, унинг миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш ва мамлакатга қайтариш, қадимги ва ҳозирги маданий қадриятларни билиш ҳамда кўпайтириш, миллий маданият ҳамда халқнинг ўзига ҳослигининг ифодачиси бўлган ўзбек тилини ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг чинакам мустақиллиги ҳамда равнақини таъминлашга, бутун халқимиз ва жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси фаровонлигига қаратилган сиёсатнинг таркибий қисмларидир.

Ғоялар фалсафаси мамлакатимизда эндигина ўз ўрнини топиб бораётган фанлардан биридир. Бугунги кунда унинг турли масалаларини ҳар томонлама ўрганиш, ғоя ва мафкуралар амалиётининг ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ таҳлил қилишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада ғоя ва мафкура соҳасининг тараққиёт босқичлари, ўтмишдаги оқимлар ва мактаблар, уларнинг шу соҳадаги назариялари ва таълимотлари, Ғарб ва Шарқ цивилизациясининг бу билан боғлиқ тушунча ва тамойилларини қиёсий ўрганиш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврдаги глобал муаммолар, яъни Ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро уришининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш, аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий неъматлар яратилиши мутаносиблигига эришиш, жаҳон аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш, очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш, маънавий муҳит софлигини таъминлаш билан боғлиқ ғояларнинг ўрни ва аҳамиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ҳам долзарб вазифага айланди.

Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашув, Ўзбекистоннинг турли цивилизациялар бешиги эканлиги, бошқа цивилизациялар билан ўзаро таъсири масалаларини ўрганиш ниҳоятда муҳим. Инсоният ҳаётининг барча соҳаларидаги ахборот инқилобини, ахборотлашган жамият белгиларини, Интернет тармоғининг шаклланиши ва инсоният онги ва тафаккурига, ғоялар дунёсига таъсирини илмий изоҳлаш ҳам асосий вазифалардир. Бугунги кунда фаннинг барча соҳалари каби ғоялар фалсафасида ҳам бир томонламаликдан холи бўлган цивилизацион ёндашув инсон омилини, унинг онги, тафаккури, ақл кучи билан боғлиқ масалаларни барча жараёнларнинг марказига айлантирди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида ўтмиш авлод-аждодларимизнинг ғояларини ўрганишга етарли эътибор берилмади. Ўша даврда баъзи мутафаккирларнинг мероси ҳақидаги асарларда мутафаккирларимизнинг дунёқарashi кўпроқ коммунистик мафкура ва синфийлик нуқтаи назаридан ёритилган эди. Алломаларимизнинг ғоялари ва маънавий меросини ҳозирги куннинг талаби асосида, тарихийлик, илмий холислик тамойиллари асосида кенгрок тарғиб этиш зарурати ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Авлод-аждодларимизнинг миллий ва умуминсоний ғояларга бой мероси ҳозирги вақтда халқимиз маънавий камолотида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши аниқ. Ушбу манбанинг ғоялар фалсафаси нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ қилиниши мамлакатимизда ушбу соҳадаги қарашларнинг генезиси, қадимдан то ҳозирги давргача ривожланиш диалектикаси ҳақида яхлит маълумот беради. Бу эса ҳозирги вақтда бутун дунёда катта офат келтираётган бузғунчи ғоялар, улар асосида шаклланган турли ғараз ниятли оқимлар ва ҳаракатлар, мафкуравий таҳдидларга, терроризм, ақидапарастлик ва хурофотга қарши курашда ёрдам бериши шубҳасиз.

Миллий ғоянинг ривож, тафаккуримиздаги ўзгаришлар ҳам кўп жиҳатдан мамлакатимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви унинг умумсайёравий ғоялар ва мафкуравий жараёнлар оқимида кўшилишига имконият туғдирди. Шу боис, жаҳон тараққиётида Ўзбекистоннинг ўрни, унинг ривожидида «ўзбек модели»нинг аҳамияти, мамлакатимизда янги ғоялар тизимининг вужудга келишидаги ўзгаришлар, ҳаётни эркинлаштириш, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу борадаги долзарб вазифалар орасида Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида юртимизда амалга

оширилган туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёнини таҳлил қилиш асосида амалиёт учун зарур хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш тарзида ғоя ва мафкурага нисбатан муносабатида теран ўзгаришлар рўй берди. Халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида ифодаладиган миллий истиқлол ғояси ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шарти бўлиб қолди. Бу ғоя жамиятимиз ўз олдида қўйган мақсад-муддаоларга етишиш, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказишга ёрдам берадиган маънавий омилга айланди. Бугунги кунда миллий истиқлол ғоясининг таъсирчанлигини янада ошириш, ушбу жараённинг самарасини таъминлайдиган имкониятларни излаб топиш шу соҳадаги устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Жамият ҳаётини янгилашда, энг аввало, маънавий қадриятларни тўғри баҳолай олишни, сохта «қадрият»лардан ёки тарихан эскирган, ўзидаги бунёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарфлаб бўлган жиҳатлардан ҳақиқий ҳаётбахш қадриятларни ажрата олишни ўрганиш лозим. Бирор-бир қадриятга баҳо беришда унинг мамлакатимиз мустақил тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, халқимизнинг ривожланган мамлакатлар даражасига эришиши билан боғлиқ талаблар бош мезонга айланганини унутмаслигимиз лозим. Бу йўналишда турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги барча юртдошларимиз учун муқаддас

мақсадга айланишига эришиш ҳамда кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига риоя қилган ҳолда миллий ҳамжиҳатлик ҳамда ижтимоий шерикчиликни янада мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериш давр талабига айланди.

Хуллас, ғоялар фалсафасининг бугунги долзарб масалалари жаҳон ва Ватанимиз ҳаётига доир бой маънавий мерос, ҳозирги даврга хос мафкура соҳасидаги қарашлар, назариялар ва таълимотларнинг тавсифи, турли ғоялар таъсири ва тажовуздан ҳимояланиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзига хос тараққиёт йўлининг объектив қонуниятлари, халқимиз ҳаёти ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, аҳоли, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида бунёдкорлик тамойилларига садоқат туйғуларини шакллантириш вазифаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан яратилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онги ва қалбига сингдириш ушбу жараённинг таркибий қисмидир. Бу эса мазкур соҳадаги вазифаларни амалга ошириш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган муҳим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш бу борада хизмат қиладиган маънавий ва маърифат соҳаси ходимлари, зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассислар, умуман, барчамизнинг муқаддас бурчимизга айланди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2012 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуни. — 1991 йил 20 ноябрь, 2014 йил 6 февраль янги тахрирда.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. — Халқ сўзи, 2016 йил 15 сентябрь, №182 (6617).

4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. — 1997 йил 29 август.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». — 1997 йил 29 август.

6. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-454 сонли Қарори. — «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. — «Халқ сўзи», 2008 йил 8 январь.

II. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1994 йил.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-жилд, — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. 4-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Тошкент: «Шарқ», 1998.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
11. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
12. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
13. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқурас — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» Монографиясидаги сўз боши. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2001.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. — Тошкент: «Маънавият», 2008.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.
18. Каримов И.А. асарларидаги баркамол авлодни тарбиялашга оид ҳикматли фикрлар мажмуаси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.

19. Каримов И.А. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаки йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир». — Тошкент: «Ўзбекистон», 2015.

20. Каримов И.А. «Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир». — Тошкент: «Маънавият», 2015.

III. МАЪРУЗАЛАР

1. Каримов И.А. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим. // Янги тузилаётган сиёсий партия ташаббускор гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги маъруза. // — Тошкент: 2003 йил, 7 октябрь.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — 2007 йил 8 декабрь.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — XXI аср газетаси. 2009 йил 10 декабрь сони.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлатириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. — 28-б.

5. Каримов И.А. «Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворидир» мавзусидаги нутқи. — «Маърифат газетаси», 2011 йил 26 февраль сони.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқ. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. — 26–36-бетлар.

7. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир» деб номланган маърузаси. 2013 йил 6 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонучилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. — «Халқ сўзи», 2016 йил 9 сентябрь. — №179 (6614).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувидаги нутқи. — «Сурхон Тонги», 2016 йил 23 ноябрь. — №47 (17316)-сони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VII съездидаги «Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир» мавзусидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил 2 ноябрь. — №216 (6651).

11. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлашда юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови» мавзусидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь. — № 243 (6678).

12. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2011 йил.

13. «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. — «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

IV. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. «Авесто» тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. — Тошкент: «Шарқ», 2001.

2. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. — Тошкент: «Шарқ-Стандарт», 2012.

3. Абу Наср Форобий. Ғозил одамлар шахри. — Тошкент: «Шарқ», 1999.

4. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. «Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ» (Ишончли тўплам), 4 жилдлик. — Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1991–1999.

5. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1–20 жилдлар. — Тошкент: 1987–2000.

6. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий, А.Абдулло таржима-си. — Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

7. Абдуллаев М.А., Норкулов Д.Т. Маънавият ва ворислик вақт тизимида — Тошкент: ТашДАУ, 1995 йил. — 5–17-бетлар.

8. Агоева И. //Воспитай личность дошкольные воспитанья. М.: Вестник дошкольников. 2002. №2. — С.11.

9. Адорно Т. Логика социальных наук. // Вопросы философии, 1992. №10. — С.76–77.

10. Бўронова Д. Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: бош тамо-йиллар ва уларнинг моҳияти. — Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2008.

11. Беҳбудий М. Ҳақ олинур, берилмас. — Фан ва турмуш, 1991. 4-сон.

12. Бестужев-Лада И.В. Молодость и зрелость. — Москва: Политиздат, 1984.

13. Ватанга муҳаббат юксак матонат ва шижоатнинг ёркин намунаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил 26 сентябрь. №185 (6620)

14. Эркаев А. Духовность - энергия независимости. — Тошкент: Маънавият, 1998.

15. Евтушенко Е. Мама и нейтронная. //1982 йил. — «Новый мир», №7 С.21.

16. Жасорат, матонат ва юртга садоқатнинг юксак ифодаси. — «Халқ сўзи», 2016 йил 22 сентябрь. №187 (6622).

17. Жўраев С.А. Ёшларга оид сиёсат — Тошкент: «Университет» 1999. — 26—35 бетлар.

18. Джаббаров И. Общественный прогресс, быть и религия. — Ташкент: «Ўзбекистон», 1973.

19. Джеймс У. Психология. — Москва: «Педагогика», 1991 год. С.194.

20. Давранов З. Современный детерминизм и его сущность. — Ташкент: «Фан», 1992. — С.125—126.

21. Ғофуров З. Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик. — Тошкент: Иқтисод-молия, 2006.

22. Гаджиев А.М. Алфавит сознания. — Ташкент: «Издательства медицинский литературы», 1999. — С.87.

23. Ирода ва иймон этиқоди синови. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. —23-бет.

24. Кодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар мақсад ва йўналишлари. — Т.: «Ўзбекистон» 1999, —15—16-бетлар.

25. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт Монография. — Тошкент: «Маънавият», 1997.

26. Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. — М.: «Дефа», 1999. — С.26.

27. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк. 1,2,3 жилдли. — Т.: «Фан», 1990.

28. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. — Ташкент: «Шарқ», 1993. — С.17.

29. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. — Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
30. Миллий иситқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.
31. Медведов О.С., Седова Б.А. Смирнова И.М. Отвечаем на ваши вопросы // Математика в школе. — Москва: «Школьная пресса», 2002. №1 — С.14.
32. Назаров Қ.Н. Ғоялар фалсафаси. // Тажрибавий қўлланма. — Тошкент: «Академия», 2011. — 331-б.
33. Ниёзов Ғ., Аҳмедов Қ., Тожибоев Қ. Шарқ алломалари ва маърифатпарвар адибларнинг баркамол авлод тарбиясига оид маънавий-ахлоқий қарашлари. — Т.: «Ўзбекистон», 2010.
34. Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. — Тошкент: «Ўқитувчи», 2012.
35. Омонуллаева Ш. Оммавий маданият таҳдиди. — Тошкент: «Муҳаррир», 2010.
36. Орипов Ш. Ёшлар сиёсати — барқарор тараққиёт қафолати. — Тошкент: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.
37. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. — Тошкент: «Фан», 1994.
38. Правовое государство — независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т.2 — Тошкент: «Адолат», 1994. — С.165.
39. Примова Ф.А. Ёшлар ва миллий истиқлол ғояси: муаммолар, ечимлар. — Т.: «Ўзбекистон», 2010.
40. Равшанов Ф. Маънавий тараққиётга таҳдидлар. — Тошкент: «Муҳаррир», 2010.
41. Рубиништейн С.Л. Основы общей психологии. — Москва: «Педагогика», 1989 — С.61.
42. Сағдуллаев А.С. Костецкий В.А., Наркулов Н.К. История Узбекистана. — Т., 1998.
43. Степаняц М.Т. Человек в традиционном обществе Востока // Вопросы философии. — 1991, №3. — С.140–151.

44. Свирский С.Я. Учебные и внеучебные формы воспитания диалектического мышления в вузах // Методологическая подготовка личности. — Ташкент: «ТГПИ им. Низами», 1993. — С.117–127.

45. Тожиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 1998.

46. Туленов Ж.Т. Диалектика назарияси. — Тошкент: «Ўзбекистон» 2001. — 201–205-бетлар.

47. Туленов Ж.Т., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

48. Туленов Ж.Т., Юсупов К., Ғафуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафқураси: мақсад ва йўналишлари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.

49. Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. // Ҳуқуқ ва бурч. 2008 йил, 8–9-сон.

50. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. — 170–184-бетлар.

51. Файбуллаев М. Ўрта Осиё илк уйғониш даври маданияти. — Тошкент: «Фан», 1994.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Портали).

2. <http://www.parlament.gov.uz> (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси).

3. <http://www.senat.uz> (Олий Мажлис Сенати).

4. <http://www.ziynet.uz> (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот таълим портали).

5. <http://www.kamolot.uz> («Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати).

6. <http://www.natlib.uz> (Навоий номидаги Миллий кутубхона).

МУНДАРИЖА	
К И Р И Ш	3

I бoб. МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг қонунларда ифодаланиши ёш авлодни ғоявий ҳимоялашда мафкуравий профилактиканинг мазмун-моҳияти	11
1.2. Мафкуравий профилактика — ёш авлодни ҳимоялаш омили	31
1.3. Мафкуравий хавфсизликни амалга оширишда ёш авлоднинг масъулиятини ошириш ва уни такомиллаштириш масалалари	46

II бoб. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ ҲИМОЯЛАШ

2.1. Миллий ғоя ва глобаллашув жараёнларида ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш	61
2.2. Мафкуравий онг ва ғояларнинг ёш авлодни турли хил ғоявий таҳдидлар таъсиридан мафкуравий ҳимояси	71
2.3. Ёш авлодни она юртимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида тарбиялаш	93
2.4. Ёш авлодни маънавий етук, комиллик даражасида вояга етказиш замон талаби	104

III бoб. МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЁШ АВЛОДНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИДИР

3.1. Мафкуравий таъсирнинг ёш авлод онгини ўзгаришига акс этиши ва унинг ғояга ишончини шакллантириш масалалари	118
---	-----

3.2. Ёш авлоднинг миллий истиқлол ғоясини эгаллаши ва унга амал қилиши — мустақилликни мустаҳкамлаш омилидир	142
3.3. Мафқуравий профилактика руҳида тарбияланган ёшларнинг Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамият барпо этишдаги ўрни.	162
3.4. Ахборотлашган жамият ва унинг мафқуравий технологияларидан ОАВ тизимида тўғри фойдаланишнинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялашдаги маъно-мазмун ва аҳамияти.	173

IV бўб. ЁШ АВЛОДНИ ҒОЯВИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТАРҒИБОТНИНГ АҲАМИЯТИ

4.1. Ёш авлодни ғоявийлик руҳида тарбиялашда замонавий тарғиботнинг ўрни ва роли	188
4.2. Дунёнинг мафқуравий манзараси ёш авлоднинг янгича тафаккурлар услубида ифодаланиши	203
4.3. Мафқуравий тажовуз ва унга қарши ёш авлод онгида миллий хавфсизликни таъминлаш зарурлиги	225
ХУЛОСА	236
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	246

ХЎЖАНОВА ТАМАРА ЖЎРАЕВНА

**МАФКУРАВИЙ
ПРОФИЛАКТИКА – ЁШ АВЛОДНИ
ҒОЯВИЙ ҲИМОЯЛАШ ОМИЛИ
(ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

Муҳаррир *М. Турсунова*
Мусахҳиҳ *М. Турдиева*
Компьютерда тайёрловчи *Д. Эрматова*

«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти,
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел./факс: 239-88-61.

Нашриёт лицензияси: АИ №216, 03.08.2012.

Босишга рухсат этилди 25.11.2019. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
«Uz-Times» гарнитураси. Офсет усулида чоп этилди. Шартли
б.т. 16,25. Нашриёт б.т. 16,0. Адади 100 нусха.
Буюртма №24

«FAYLASUFLAR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.